

**ТИББИЁТ ИНСТИТУЛариНИНГ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ҮҚУВ АДАБИЁТИ**

**Р. М. ХАИТОВ,
Ш. Н. НАЗАРОВ,
А. Т. ИСХОҚОВ**

ИММУНОЛОГИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Урта
максус таълим вазирлиги тиббиёт
институтлари талабалари учун дарслик
сифатида тасдиқлаган**

**Тошкент
Абу Али ибн Сино номидаги
тиббиёт нашриёти
1996**

Тақризчилар: Иммунология институти директори, тиббиёт фанлари доктори Р. М. Рӯзибоқиев, І Тошкент Давлат тиббиёт институти микробиология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари директори, профессор, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли ректорлар риёсатининг микробиология ва иммунология фанлари бўйича кенгаши раиси Э. М. Муҳаммедов, Иммунология институтининг катта илмий ходими А. Т. Бобоев.

Хайтов Р. М. ва бошқ.

Х 17 Иммунология: Тиббиёт ин-тлари талабалари учун дарслик / Р. М. Хайтов, Ш. Н. Назаров, А. Т. Исҳоқов.— Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 1996.—120 б.—(Тиббиёт ин-тларининг талабалари учун ўқув адабиёти).

1.1. 2А Автордош.

Тиббиёт институтларининг талабалари, иммунология соҳасида иш олиб борадиган ходимлар учун мўлжалланган ушбу дарслик иммунология ва унинг айрим масалаларига тааллуқли маълумотларни ўзида мужассамлаган. Дарсликни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги тасдиқлаган.

ББК 52.5я73

X 410700000—025
М 354 (04) — 96 6—96

ISBN 5-638-01154-4

© Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашириёти, 1996.

КИРИШ

Иммунология — иммунитет ҳақидағы таълимотди XX асрнинг 50-70 йилларида шаклланган иммунология фани бугунга келиб, жуда ривожланған соңа бўлған, унинг асосида олинган далиллар ҳозирги эмон тиббиёт амалиётида кенг қўлланилмоқда. Революцион кучга эга бўлган замонавий иммунотаҳлил биотехнологик қонун-қоидалар тиббиётнинг барча таомоқларида, касалликнинг олдини олишда, уни ташхислашда ва даволашда кўп ишлатилиди. Шунинг учун иммунология фанини чуқур ўрганиш, унга бўлган қизқишини янада кучайтириш, замонавий тиббиётнинг эдолзарбаз вазифаларидан бири ҳисобланади.

Халқаро адабиёт манбаларига назар ташлар экамиз, унда сўнгги 10—15 йил ичидаги иммунология бағишиланған ўта сермаҳсул, қизиқарли ва одам интегралитини бойитувчи бир қанча илмий асарлар чоп этигинини кўришимиз мумкин. И. Ройтнинг «Иммунология асослари», Ж. Полнинг «Жилдлик «Иммунология» Л. Иегернинг «Клиник иммунология ва аллергология» Р. Петровнинг «Иммунология» ва бошқалар шуликумласидан.

Ҳамжиҳат давлатлар қаторига кирган ҳозирги реабилитация, хусусан, Ўзбекистон диёрида ҳам, бугун кунда иммунология фани тобора ривожланиб бораяти. Унга бўлган қизиқишини қониқтиришга мўлжалла ган ушбу дарслек ўйлаймизки, республикамиздаги тақиқотчи иммунологлар қаторини янада кенгайтириш, муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Муаллифлар дарсликка доир барча танқидий физика муроҳазаларни, тилак-истакларни миннатдорчил билан қабул қиласидилар.

ИММУНОЛОГИК ТИЗИМ

Иммунологик тизим жуда ноёб, мураккаб жараёларни мукаммал равишда амалга оширадиган тизибўлиб, унинг асосий вазифаси организмга турли йўз

били кириб олган микроб, вирус ва содда ҳайвон ҳұжайраларини аниқлад, уларни организмдан чиқариб юборышдан иборат. Иммунологик тизимнинг яна бир мұхим фазилати бу организмнинг ўзида ҳосил бўлган «номаъқул» тузилмаларни (автоантиген) аниқлаш ва улардан организмни тозалаш қобилиятини мужассамлашидадир. Бу тизимнинг ўта ноёб деб таъкидланиши бежиз әмас, чунки ташқи мұхитда мавжуд бўлган ва ўзида организмга нисбатан бегоналик асоратларини намоён этган (антиген, аллерген ва автоантигенилар) барча тузилмалар иммунологик тизим назорати туфайли аниқланади.

Ҳужайравий ва гуморал иммунитетни содир қилувчи иммунологик тизим ҳужайралари асосан лимфоид аъзоларда гавдаланади. Улар орасида тимус (айрисимон без), талоқ, лимфатик түгунлар, сұяқ күміги ва сут әмизувчиларда лимфоид ҳужайраларнинг турли гурухини алоҳида ажратиш керак. Қушларда эса уларга қўшимча равишда фабрициус халтаси ҳам киради. Сұяқ күміги асосан миелоид марқази ҳисобланышига қарамасдан, ҳужайраларнинг иммунокомпентлик хусусиятини барқарорлаштиришда жуда мұхим. Иммунологик тизимни ҳужайралар тизими сифатида олиб қарасак, унда бу тизимни лимфоцитлар, макрофаглар, макрофагларга ўхаш бальзи бир ҳужайралар жумладан, талоқнинг дендрит ҳужайралари ва эпителиал Лангерганс ҳужайраларининг йигиндиши ташкил этиши маълум бўлади. Юқорида санаб ўтилган ҳужайралар, иммунологик тизимнинг тўқима ва аъзоларини; лимфоцит ва макрофагларнинг маълум бир қисми эса қон ва лимфа ҳужайралари популяциясини ташкил қиласди.

ТИМУС

Бу лимфоид аъзо бўлиб, унинг катта қисми кўкрак қафасида, кўкрак сұяги дастасининг орқа томонида жойлашади. Кўпчилик ҳайвонлар организмиде тимус икки қисмдан иборат. Одам организмиде эса тимус икки бўлакдан таркиб топган ва умумий тузилмани ташкил қиласди. Тимуснинг катта-кичиклиги ёш улғайиши билан ўзгариб боради. Унинг ниҳоятда катталашган шакли (одам танасига нисбатан олинганда) она қорнидаги болада ва унинг икки ўшгача бўлган даврига қадар кузатилади. Икки ўшдан жинсий етуклик давригача ҳам унинг ўлчови анча катта бўлади. Жинсий

вояга етиш даври тугагац, у аста-секин кичиклаша бошлайди ва деярли инволюцияга учрайди. Ўтмишдаги анатомларга тимъян ўсимлиги баргининг шаклини эслатгани учун айрисимон без тимус деб номланган.

Одам организмида айрисимон без, эмбрионал даврининг иккинчи ойида учинчи ва қисман тўртинчи ҳалқум чўнтағидан ривож топа бошлайди. Шу даврнинг олтинчи хафтасида, тимус эпителииал ҳосилага айланаб, кейинчалик унда қон томир ва мезенхимал элементларнинг ҳосил бўлиши кузатилади. 7-8 ҳафталар орасида эса дастлабки лимфоцитлар намоён бўла бошлайди. Шундай қилиб ушбу без лимфоэпителииал аъзога айланади. Эмбрионал ривожланишнинг учинчи ойига келиб, аъзода бўлаклар ҳосил бўлади ва шу билан бирга унинг тузилмага хос шаклланиши юзага келади. Бу безнинг кейинги ривожи унинг сифими ва вазнининг ошиши билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Айрисимон без юпқа бириттирувчи капсула билан қопланган, унинг остида без бўлакчалари ётади. Ҳар бир бўлакча икки қатламдан иборат. Бўлакчанинг периферик, лимфоцитларга гавжум қисми — ташқи пўстлоқ, марказий, ҳужайраларга бой бўлмаган қисми эса мия қатлами деб аталади. Айрисимон безнинг нормал функцияси тўғрисидаги маълумот охириг 10—15 йиллар ичida олинган бўлиб, улар орасида энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: иммунологик жиҳатдан ривожланиш, тикланиш ва кўмаклашиш ваколатлари, периферик лимфоид тизимини бошқариш ва бошқалар. Иммунологик нуқтаи назардан нигоҳ ташланса, тимуснинг асосий вазифаси Т — лимфоцит популяцияларини маълум бир ривож даражасига етказиш ёки дифференциациялаш ҳисобланади. Безнинг бу вазифаси гуморал омилларни ишлаб чиқариш туфайли амалга ошади. Бу гуморал омиллар асосан безнинг эпителииал ҳужайралари томонидан юзага келади. Шундай қилиб, тимус Т — лимфоцит популяцияларининг маълум бир етуклиқ даражасига кўтарилишида муҳим ўрин тутади. Т — ҳужайраларининг ўтмиш авлодлари тимусга қараб кўчиб юриши қобилиятига эга, бунда улар аъзонинг таъсири остида бўлади. Тимус таркибидан ўрин олган ва дастлабки ривож босқичида бўлган «чақалоқ» ҳужайралар ўз ташқи маркерлари (тамғалари) га эга бўлмайди. Улар маркерлик хусусиятини ана шу аъзотаъсири остида аста-секин орттиради.

Тимуснинг пўстлоқ қатламини тарқ этган Т — лимфоцитлар бир қанча синфларга бўлиниб кетиб, вояга

етган Т — ҳелпер, Т — супрессор ва Т — киллер вако-латлигини цакллантириб берадиган, ўзига хос маркерларни намоён қилади.

ФАБРИЦИУС ХАЛТАСИ

Иммунологик тизимнинг марказий аъзоларидан бирини бўлиб, юқорида баён этилганидек фақат қушлар организмида топилган. У қушлар клоакасининг дорсал қисмида жойлашади. Бу аъзо эпителиал чуқурликнинг пайдан пайдо бўлиб, унга эмбрион ривожининг 12 кунидан бошлаб лимфоид поя ҳужайралари кўчиб ўта бошлади. Тимус таркибида Т — ҳужайралар етилиши каби, Фабрициус халтасида В ҳужайралар вояга етади.

Агар энг сўнгги ривожланиш босқичида ушбу аъзо олиб ташланса, антитаналар ҳосил бўлиши тўхтайди ва агаммаглобулинемия ҳолати юзага келади. Фабрициус халтаси кўпгина фолликуллардан ташкил топган. Унинг таркибида пўстлоқ ва мия қатламлари ажратилади. Мия қаватида эпителиал ҳужайралардан ташқари, лимфоцит, плазматик ҳужайра, макрофаг ва гранулоцитларни ҳам учратиш мумкин. Пўстлоқ қават асосан кичик лимфоцит ва плазматик ҳужайралар йиғиндисидан ташкил топган. Фабрициус халтасининг ривожланишида ҳам ёш билан боғлиқ бўлган инволюция жараёни кузатилади. Масалан, товук организмида тўртинчи ойдан бошлаб, бу аъзо аста-секин атрофияга учраб боради. Ҳозир кўпгина чуқур тадқиқотлар ўткази лишига қарамасдан, сут эмизувчilar организмида Фабрициус халтасига эквивалент бўлган аъзо топилгани йўқ.

Суяк кўмиги. Сут эмизувчilar организмида суяк кўмиги В — ҳужайраларнинг етиладиган манбай ҳисобланади. Бунда В — ҳужайралар ўзак ҳужайраларидан ҳосил бўлиб, ташки қаватида иммуноглобулин молекулаларини ташувчи кичик лимфоцитларга айланади. Суяк кўмиги ўзида лимфоид бўлмаган ва ўта гетероген (турли-туман) ҳужайралар популяциясини сақлайди. Суяк кўмигини лимфоид аъзо бўлишига қарамасдан, иммунологик аъзо деб ҳам қараш мумкин, чунки у постнатал ривожланиш даврида турли лимфоцит ва ва макрофаг популяцияларини ҳосил қилувчи ўтмишдош ҳужайраларни ўзи билан эргаштириб келади. Маълумки, қон ҳужайраларининг ҳосил бўлниш жараёни гематопоэз деб аталади, ушбу ҳужайраларни ҳосил қилувчи тўқима эса гематопоэтик тўқима деб номланган.

Гематопоэтик тўқиманинг икки тури мавжуд. Улардан бири, **миелоид**, иккинчиси эса **лимфоид** турлариdir.

Тўқиманинг миелоид деб номланиши бежиз эмас, (юонча миелос — мия демакдир) одам организмида қон ҳужайралари ва уларнинг бевосита ўтмишдош авлодлари, хусусан, эритроцит, гранулоцит ҳамда плас-тикалар ва уларнинг гавдаланишига жавобгар ҳужай-ралар, суяқ бўшлиғидан ўрин олган бўлиб, кўмик тар-кибида жойлашади. Шунинг учун суяқ кўмиги тўқима-си миелоид тўқима деб аталган. Ҷуяқ кўмигида ўзига хос иммунологик реакциялар кечади, масалан, антита-налар синтези. Зардоб иммуноглобулинларининг асосий манбаи бўлиб, суяқ кўмиги ҳисобланishi мумкин. Ма-салан, 10 ҳафталик сичқонларнинг суяқ кўмиги тарки-бида 80 фоиздан ортиқроқ иммуноглобулин молекула-ларини синтез қиладиган ҳужайралар тўпланган бўлади. Периферик лимфоид тўқимаси антигенга нисба-тан тез ҳамда қисқа вақт мобайнида таъсирланса, су-яқ кўмиги секин таъсирланаб, унинг жавоби узоқ ва антитаналар ишлаб чиқариши анча вақт мобайнида бўлади.

В — лимфоцитларнинг етилиши, уларнинг ташқи қа-ватида иммуноглобулин рецепторлари ҳамда ГБК ген маҳсулотлари экспрессияси ҳолатидагина тугалланади. Лимфоцитлар суяқ кўмиги ҳужайраларининг тахминан 20 фоизини ташкил этади.

ЛИМФАТИК ТУГУНЛАР

Буйраксимон шаклга эга бўлган лимфатик тугунлар лимфатик ирмоғи бўйича жойлашган бўлади. Лимфа-тик тугунларнинг кўпчилиги чов (қорин ва сон ораси) катта томирлари бўйлаб кўкрак қафаси ва қорин бўш-лиғида жойлашади. Улар капсулага ўралган ҳамда лимфоцитларга бой бўлган ларенхимадан таркиб топ-ган. Гематоксиллин-эозин бўёғига бўялган лимфатик тугуннинг кўндаланг кесимини микроскоп остида кўз-дан кечирсан, у кўк рангда экани аён бўлади. Сабаби, унинг таркибида тўқ кўк ядрога эга бўлган лимфоцит-лар кўп учрайди. Лимфатик тугун ҳам пўстлоқ ва мия қаватларига эга бўлади. Бунда лимфоцитлар пўстлоқ қисмида ҳосил бўлиб, унинг мия қисмига қараб сил-жийди. Лимфатик тугуннинг пўстлоқ моддаси тимус-нинг пўстлоқ моддасидан фарқ қиласи ва асосан, лим-фатик фолликуллардан ташкил топади. Бундан таш-қари, лимфатик тугунларда эпителиал компонент бўл-

майди. Баданинг барча қисмидан оқиб ўтадиган лимфа қон айланиш доирасига ўтишдан олдин лимфатик тугунни кесиб ўтади. Шунинг учун, лимфатик тугуннинг асосий вазифаларидан бири — майдада заррачаларни ва бегона маҳсулотларни лимфадан четлаштириб ўзига хос фильтр тизими вазифасини бажаришдан иборат. Бу нарса кончиларнинг лимфатик тугунлари кўмири чангнинг заррачалари билан тўлган эканлигини аниқланганида тасдиқланган эди. Лимфатик тугунларнинг яна бир хусусияти ўсимталарап ривожланишида намоён бўлади. Аниқланишича, бирламчи ўсимтанинг ҳужайралари кўпинча лимфатик томирларга тушиб, кейинчалик лимфатик тугунларда тўпланади. Шу билан бирга лимфатик томирлар бўйича жойлашган лимфатик тугунлар инфекцион муҳитни ўрганиш чоригида кўпинча шишади. Мана шу вақтнинг ўзида улар лимфани бактериялардан озод қилиши шубҳасиз.

Лимфатик тугун иммунологик тизимнинг юқори фаол қисми ҳисобланади. Юқорида айтилганидек, у орқали лимфа оқиб ўтади. Бундан ташқари, унда макрофаглар иштирокида турли заррачаларнинг фагоцитози амалга ошади. Т — киллер ва антитана молекуларини синтез қилувчи плазматик ҳужайралар, тугунларда фаоллашган Т ва В — лимфоцитлардан шаклланади. Лимфатик томирларнинг бир қисми капсулага келса, бир қисми унинг дарвоза деб аталадиган жойидан чиқади. Иккала турга оид томирлар клапанга эга бўлгани учун, лимфа улар таркибида орқага қараб йўнала олмайди.

Строма лимфатик тугун моддасини ташкил қилган бўлиб, унда озод ҳужайралар бир ерда ушланиб туради. Строманинг ўзи ҳужайра ва ҳужайраро моддасидан ҳосил бўлади. Строма ҳужайралари унинг турли қисмларида турлича бўлгани учун, уларни морфологик ва цитохимик белгилар ёрдамида фарқ қилинади. Тугуннинг В — лимфоцитларга бой бўлган қисмларида, масалан, лимфатик фолликулларда, дендрит ретикуляр ҳужайралар кўпроқ ўрин олади. Улар фагоцитозда иштирок этмайди, лекин ўзининг ташқи қаватида антигенин боғлаши мумкин.

Лимфатик тугундаги ретикуляр ҳужайралар синусларни ҳосил қиласади. Синус сўзи, лотинча **бўшлиқ** фазони англатади. Бу синуслар лимфани тозалайди. Лимфа чекка синусдан, афферент томирлар бўйича, пустлоқ моддасидаги лимфоцитлардан сингиб макрофаглар ва мия моддасининг синусларига келади, у ердан эса

эфферент томирлар ёрдамида чиқади. Т ва В — лимфоцитлар лимфатик түгунларда турли анатомик компартмент (бўлим) ларни ишғол қиласди. В лимфоцитларнинг йиғилган жойи кортикал (тимусдан холи бўлмаган), яъни пўстлоқ зоналари ҳисобанади. Тинч ҳолатдаги түгунда улар сферик шаклга эга бўлиб, бирламчи фолликуллар деб номланади. Антиген ёрдамида амалга ошган В лимфоцитларнинг рағбатланишидан кейин иккиласми фолликуллар ҳосил бўлади. Улар баъзи вактда кўпайиш марказлари деб ҳам аталади.

Лимфатик түгунда Т — лимфоцитларнинг асосий қисми паракортикал ёки тимусга боғлиқ бўлган ерда жойлашади. Болаларда баъзи бир сабабларга кўра, тимуснинг танқислик ҳолати юзага келса, унинг паракортикал зонасида лимфоцитлар умуман учрамайди. Худди шундай ҳодисани тимэктомияга учраган сичқоғ организмида ҳам кузатиш мумкин.

ТАЛОҚ

Талоқ қорин бўшлиғида IX—XI қовурғалар сатҳидә жойлашади, бу аъзонининг катта-қицклиги ва шакли қисилган муштга ўхшаш бўлади. Талоқнинг тўқ қизиј рангини, ундаги кўп миқдорда бўлган қон элементларининг учраши билан тушунтиrsa бўлади. Талоқ, қои доирасини ўзининг функционал фаоллигини йўқотгаёт эритроцит ва лейкоцитлардан тозалайди. Бундан ташқари, у қон доирасига ташриф этган бегона антигенлар, айниқса, копрускулар антителларга нисбатан жавоб бера оладиган, янги лимфоцитларни келтириб чиқаради.

Талоқнинг устки қисми биритиравчи тўқимада ташкил топган ва капсула билан ўралган. Унинг ички қисмини пульпа ташкил қиласди. Талоқ таркибида пульпа икки хил бўлади: бири оқ пульпа бўлса, иккинчи си — қизилдир. Оқ пульпа талоқда жуда майдада, қаттиқ ва кулранг ҳосила каби, қизил пульпа орасида сочилган бўлади. Лимфатик фолликулларни қамраб олган қизил пульпа ўз катакларида кўп миқдорда эритроцитларни сақлайди. Ҳозиргача оқ ва қизил пульпалар орасидаги чегара аниқлангани йўқ, лекин шу иккι пульпа орасида маргинал минтақа мавжуд. Худди шу маргинал минтақада фолликуллар таркибига кирадиган қон томирлари ётади. Маргинал минтақага артириялар циркуляциясида бўлган лимфоцитлар келиб тушиди.

Қон таркибидаги антиген ҳам, шу мінтақаға келиб тушиши ва у ерда ҳозир бұлған макрофаглар ёрдамида фагоцитозга учраши мүмкін. Бунинг натижасыда В — лимфоцитлар фаоллашса, улар аввалига бўлина бошлиди, кейин эса антитана ҳосил қилувчи ҳужайралар даражасига кўтарилади.

ШИЛЛИҚ ПАРДАЛАР БИЛАН ЕНДОШГАН ЛИМФОИД ТҮҚИМА

Организм тизимларининг турли тармоқлари, лимфоид түқималарининг субэпителиал түдалари билан, юқумли жараёндан муҳофазаланиш учун қамраб олинган бўлади. Нафас олиш, ҳазм қилиш ва айриш йўллари шулар жумласидан. Бундай лимфоид түқималар биринкирувчи түқима капсуласи билан чегараланмайди. Улар лимфоцит, плазматик ҳужайра ва фагоцитларининг диффуз тўдаларидан иборат бўлади. Мисол қилиб тил, танглай ҳалқумдаги бодомсимон безлар, ингичка ичакдаги Пейер бляшкалари, кўричакни кўрсатиш мүмкін. Тахминларга кўра, шиллиқ пардалар билан ўралган лимфоид түқима маҳсус шира тизимини яратади, унда иммуноглобулинларнинг А ва Е — синфига мансуб бўлган молекулалар синтезини амалга оширувчи ҳужайралар айланиб юради.

ИММУНОЛОГИК ТИЗИМ ҲУЖАЙРАЛАРИ ТУҒРИСИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Лимфоид ҳужайралар. Лимфоцитлар асосан бирламчи ёки марказий лимфоид аъзолар (тимус ва суяк кўмиги) да юқори нисбатда (10^9 /кун) ҳосил бўлади. Бу ҳужайраларнинг маълум бир қисми кўчиб, иккиламчи лимфоид түқималарга (лимфатик тугун, капсулага эга бўлмаган лимфоид түқималар ва талоқ) келиб тушади. Лимфоид ҳужайралар оқ қон ҳужайраларининг (лейкоцит) қарийб 20 фоизини ташкил этади. Кўпгина етук лимфоид ҳужайралар узоқ яшайдиган бўлиб, циркуляция доирасида хотира ҳужайралари ҳолатида кўп йиллар давомида сақланиб қолади.

Лимфоцит иммунологик тизимнинг асосий ҳужайраси ҳисобланади. Бундан ташқари, лимфоцит каби жуда муҳим вазифани бажарадиган макрофагларни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

В — Лимфоцитлар. Бу типга оид ҳужайралар қушларнинг Фабрициус халтаси ва сутэмизувчиларнинг сүяк кўмигида ҳосил бўлгани учун В — лимфоцитлар деб аталган. В — лимфоцитлар иммунитетни юзага келтиришда жуда муҳим вазифани бажаради. Уларнинг энг катта аҳамиятга эга бўлган маҳсулоти — гуморал иммунитет вакиллари бўлган иммуноглобулинлар ҳисобланади. Иммуноглобулин молекулалар организмнинг бошқа ҳеч қайси бир ҳужайраси ёрдамида вояга ета олмайди. Уларнинг ниҳоятда турли-туман бўлиши, бир неча миллион В — ҳужайра клонларининг мавжудлиги билан ифодаланади. Ҳар бир клон иммуноглобулиннинг маҳсус, ўзига хос хусусиятига эга бўлган турини вужудга келтиради.

В — лимфоцитлар, циркуляциядаги барча лимфоцитларнинг қарийб 5—15 фоизини ташкил қиласди ва шу билан бир қаторда плазматик ҳужайраларнинг манбай ҳисобланади. Улар гемопоэтик ўзак ҳужайрандан келиб чиқади. Чамаси, В — лимфоцитни юзага келтирадиган ҳужайра мавжуд бўлиб, у ўзини акс эттириш қобилиятига эга бўлсада, унинг хусусиятлари шу кунгача тўлиқ ўрганилгани йўқ. Ана шундай маҳсус ўзак ҳужайра сичқонларнинг сүяк кўмигида ва онда сонда талоқда учрайди.

В — лимфоцитларнинг даражаланиш (дифференциация) қаторида, биринчи элемент, ўтмишдош В — ҳужайра (*Pge* — В ҳужайра ҳисобланади). Бу ҳужайра йирик бўлиб, циркуляцияда учрайди. Унинг цитоплазмасида иммуноглобулин мъю-синфининг оғир занжири (*cIgH*) бўлади, лекин унинг таркибида мембрана иммуноглобулини бўлмайди. Ундан кейинги босқичда содир бўладиган, кечки *pge* — В лимфоцитлар цитоплазмаларида иммуноглобулинларнинг енгил (*cIgL*) ва оғир (*cIgH*) занжирлари бўлиши мумкин. Сўнгра *pge* В — ҳужайра В ҳужайра даражасига етади, бироқ ўзининг ташки қаватида мембрана иммуноглобулиннига эга бўлиши билан фарқланади (*mIg*).

Вояга етмаган В — ҳужайра кўпинча *mIgM* (+) ва *mIgD*(—) фенотипига эга бўлиб, унинг таркибида бирмунча иккинчи синфга оид МНС — молекулаларини аниқлаш мумкин. Иккинчи синфга тааллуқли МНС молекулалари одатда I-а-антителлар сифатида ҳам ифодаланади. Балоғатга етган В — ҳужайралар фенотипини *mIgM*(+), *mIgD*(+) ва *Ia* (+) молекулалари ташкил қиласди. Бундан ташқари, бу ҳужайралар таркибида яна комплемент компонентлари учун рецептор-

В — лимфоцитнинг даражаланиш босқичи

| Гемопоэтик поя ҳужайра | Даражаланиш маркерлари | Етуклик босқичи |
|---|---|--------------------|
|  | Цитоплазматик Ig ⁺ мембрана Ig ⁻ | - |
| | Цитоплазматик Ig ⁺ Цитоплазматик Ig ⁻ мембрана Ig ⁻ | + |
|  | Ia-сийракли мембрана IgM ⁺ | - |
| | мембрана IgM ⁺ мембрана IgD ⁺ Ia ⁺ , CR ⁺ , Lyb5 ⁺ | + |

лар (CR) пайдо бўлади (1- жадвал). Сичқонларнинг баъзи етук В — лимфоцитларида даражаланиш антигени Lyv 5 бўлиб, баъзи бирларида эса бўлмайди, яъни бундай В — ҳужайралар Lyv 5 манфий ҳисобланади.

Сўнгги йилларда моноклонал антитаналар ишлаб чиқариш технологияси гибридомалар асосида олиб борилгани туфайли ривожланиб бораётган В — лимфоцитларнинг даражаланиш маркерларини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Бу борада ўзига хос моноклонал табиатига эга бўлган антитаналар В — 220, BP — 1 BP — 3, В — ҳужайранинг турли босқичларидаги ташқи қобиқ молекулаларини аниқлашда ишлатилади. Масалан, В — 220, ўтмишдош В, rge — В, вояга етмаган В ва етилган В ҳужайраларнинг ташқи молекулалари билан, BP-1 ва BP — 3 моноклонал антитаналар эса, фақат ўтмишдош ва rge В ҳужайра молекулалари билан бирикади.

Вояга етган В — ҳужайранинг rge В ҳужайрадан фарқи шундаки, унинг мембраннысида антиген учун рецепторлар бўлади. Мана шу рецепторлар билан анти-

ген боғланиши туфайли ҳужайра фаол ҳолатга келади. Лекин, ҳужайранинг бундай фаолланиши учун антиген фақат В — ҳужайра рецептори билан боғланиб қолмай, шу билан бирга В — лимфоцит ўзига хос хеллер Т — ҳужайраси билан муносабат ўрнатиши лозим. Акс ҳолда, В — ҳужайранинг фаоллашин қобилияти сўниб, толерантлик ҳолати келиб чиқади.

Одатда В — ҳужайранинг фаоллашуви икки турли босқичдан иборат. Биринчи босқичда, ҳужайранинг бўлинниши туфайли (пролиферация) унинг сони ортади. Иккинчи босқичда эса кўпайган ҳужайраларнинг дараҷаланиш жараёни юзага келади. Пролифератив реакциянинг содир бўлиши жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки унинг натижасида, бегона антигенга нисбатан йўналган ҳужайраларнинг сони бирмунча ошади ва шу билан бирга уларнинг қарши тана содир қилувчи ҳужайраларга айланиш қобилияти кескин кўтарилади. В — ҳужайравий жавобнинг пролифератив босқичи, Т — ҳужайра маҳсулоти, яъни В — ҳужайранинг ўсиш омили (УО) назорат остида бўлади.

Барча В — лимфоцитлар учун асосий хусусият, иммуноглобулинларнинг мемранадаги экспрессияси ҳисобланади, унинг оқибатида антиген таъсири билан клонли танланиш келиб чиқади. Суяқ кўмиги ва эмбрионал жигар таркибида ҳосил бўлган В — ҳужайралар, бирмунча вақтдан кейин қон доирасига тушади, сўнгра қоражигарнинг лимфатик тугунлари ва бошқа иккинчи даражали лимфоид аъзолар томон силжий бошлайди. Сутэмизувчилар организмида В — ҳужайра алмашиниши ниҳоятда тез ва доимий бўлгани учун, улар содир бўлган жойларидан тез-тез келиб туришлари зарур. Етилмаган В — ҳужайралар асосан талоқ таркибида тўпланса, лимфатик тугунларда уларнинг етук шакллари йиғилади.

В — ҳужайраларнинг функционал хусусиятларидағи ўзгариш, уларнинг етилиш, антиген рағбатлантириш, пролиферация ҳамда даражаланиш даврларида юзага келади. Шу давр ичida уларнинг ташқи компонентлари (маркерлари) ҳам ўзгаради.

Қам етилган В — ҳужайралар ўзларининг сиртида иммуноглобулин молекуласининг М изотипини намоён этади, лекин балоғатга етиши билан уларда антитананинг IgD изотипи ва бошқа бир мембрана гликопротеинлари, жумладан, комплементнинг таркибий қисм рецепторлари, IgG нинг Fc қисми учун рецепторлари вуждуга келади.

В — лимфоциттинг энг муҳим сиртқи компоненти Ia молекулалари ҳисобланади. Бундай генетик полиморф гликопротеинлар, В — ҳужайранинг Ia- ҳужайра билан ўзаро алоқасидаги энг муҳим сезувчи элементлари ҳисобланади. Сутэмизувчилар оламининг ҳар хил турларида Ia — молекулалар В — лимфоцит даражаланишининг турли босқичларида намоён бўлади. Масалан, сичқонларда бундай детерминантлар В — ҳужайра етилишида гавдаланса, одамдаги шу молекулаларга эквивалент бўлмиш DR — детерминантлар В — ҳамда pre — В ҳужайраларда учрайди. В — лимфоцитдаги MHC II синфига оид молекуласининг экспрессияси аста-секин унинг плазматик ҳужайрага айланиши билан сўниб боради. Ҳар бир клон орасида, В — ҳужайралар қисман, ўзининг IgM (ва IgD) экспрессиясини бошқа иммуноглобулин изотиплари (IgG, IgA, IgE) экспрессиясига ўзгартириши мумкин.

Юқорида қайд қилинганидек, кўпчилик В — ҳужайралар II синфга оид MHC молекулаларини ўзларида намоён этиши, уларнинг I — ҳужайралар билан ҳамжиҳатлигига боғлиқ. Мана шундай молекулалар сичқонларда I — A/I — E, одам организмидаги эса HLA — DR, DQ ва DP деб номланади.

Бундан ташқари В — лимфоцитларнинг ташқи қаватида комплемент тизимининг баъзи бир компонентлари учун рецепторлар ҳам борлиги аниқланган. Масалан, умумий В — лимфоцитлар учун бундай рецепторлар қўйидагилардир: C3b (CRI, CD 35) ва C3d (CR2, CD21). CR — 2 молекула, тахминларга кўра, Эпштейн-Барр вирусига ҳам рецептор ҳисобланаб, В — ҳужайранинг фаолланишида муҳим вазифани ўтайди. Ҳозир В — лимфоцитларнинг иммуноглобулин тизимидағи тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тушунишда, унда намоён бўладиган маркерларни аниқланиши жуда муҳим омил ҳисобланади. Гибридома технологиясининг тараққиёти туфайли, бугунги кунда В — лимфоцитларнинг турли субпопуляцияларини ажратиб олиб, уларнинг функционал хусусиятларини ўрганиш мумкин.

Ҳозир маълум бўлишича В — лимфоциттинг даражаланини антигенларига нисбатан турли-туман моноклонал антигенлари мавжуддир. Шундай гибридома технологиясига асосланган антитаналар В — лимфоцитдаги антигенларни, янги атамалар мажмуюи бўйича CD (Cluster of differentiation) антигенларини аниқлашда қўлланилади. Масалан, 19- даражаланиш кластериға тааллуқли моноклонал антитаналар, юқори молеку-

ляр ҳисобланадиган (95 КД) В — лимфоциттинг гликопротеин билан ўзаро таъсирланади. Бундай гликопротеин барча периферик В — лимфоцит таркибида учрайди, бундан ташқари, у суюк кўмидаги ўтмишдош В — ҳужайра сиртқи қаватида ҳам топилади. CD19 антиген лимфоцитни В — ҳужайра қаторига киритишдаги дастлабки маркер ҳисобланади. CD туркумига оид В — лимфоцит гликопротеинлари тўғрисидаги маълумот 2- жадвалда кўрсатилган.

В — лимфоцитлар ўзининг ташқи қаватида IgG ва Fc — парчасини сақлайди. Бу рецепторларни эритроцитлар ёрдамида розетка ҳосил қилиш йўли билан аниқлаш мумкин. Сўнгги тадқиқотлар асосида шуни маълум қилиш мумкини, бошқа иммуноглобулин синтезларига тегишли Fc — парчаларини аниқласа бўлади ($Fc\gamma R$, $Fc\mu R$, $Fc\alpha R$, $Fc\epsilon R$).

2- жадвал

В- лимфоциттинг CD- маркерлари

| CD | Молекул. вазни, (КД) | Ҳужайра | | | | |
|----|-------------------------|-----------|----------|-------|---------|------------------|
| | | периферик | ўтмишдош | рге—В | етилган | фаол В — ҳужайра |
| 9 | 24 | | + | | + | |
| 10 | 100 | | | + | | |
| 19 | 95 | + | + | | | |
| 20 | 35 | | | | + | |
| 21 | 140 | | | | + | |
| 22 | 130—140 | | | + | + | |
| 23 | 45 | | | | + | |
| 24 | 44, 55 65 | | | | + | |
| 37 | 40—45 | + | | | | + |
| 38 | 45 | | | + | | |
| 39 | 80 | | | | | + |
| 40 | 50 | + | | + | | |

Умуман, В — лимфоцитларнинг устки маркерлари ҳақида сўз юритганда, бу муаммо ҳозирги даврда тобора долзарб бўлаётганини алоҳида уқтириб ўтиш керак.

2- жадвалда периферик В — лимфоцитларига тааллуқли асосий сиртқи маркерлар одам ва сичқон организмидаги ҳужайраларнинг таққосланиши асосида келтирилган (3- жадвал).

В — лимфоциттинг фаоллашуви. Ўтказилган тадқиқотларнинг кўпчилиги шуни кўрсатдики, В — лимфоцитлар уч хил турли антигенларга нисбатан таъсирла-

3- жадвал

Одам ва сичқоннинг периферик В-лимфоцити
сиртқи маркерларининг таққосланиши

| В-Лимфоцит | |
|------------|--------------------------|
| СИЧҚОН | ОДАМ |
| slg | > |
| Ia | ○○ DR |
| FcγRII | □ FcγRII |
| CR2 | □ CR2 (CD21) |
| CR1 | □ CR1 (CD35) |
| Ly1 (CD5) | ○ CD5 |
| | MER |
| Lyb 5 | |
| □ | CD-гликопро- teinлари |

Slg — сиртқи иммуноглобулин, CR — комплемент рецептори, MER — сичқоннинг эритроцит рецептори, Ly — лимфоцит

нади. Улар қуйидагилардир: тимусга боғлиқ бўлмаган антгенларнинг I ва II турлари, тимусга боғлиқ бўлган антигенлар.

Айрим антигенлар, масалан, бактерия липополисахариди, юқори концентрацияда В — лимфоцит популяциясининг кўп қисмини поликлонал фаоллашувга жалб этади, яъни бунда ҳужайранинг ўзига хос рецепторларининг аҳамияти учкалик катта эмас. Бундай таъсирилашида I турга оид антигенлар бамисоли митогенларга ўхшашиб поликлонал фаоллашувни келтириб чиқаради. Иккинчи турга оид антигенларга мисол тариқасида пневмококкларнинг полисахариди, D — аминокистлоталарининг полимерлари, поливинилпиролидон ва бошқалар кўрсатилиши мумкин. Бундай антигенлар билан антиген-специфик В — лимфоцит рецепторлари, юқори авид (иштиёқ) кўрсаткичидаги боғланади, бу эса антиген детерминантлари ва иммуно глобулин рецепторлари орасидаги бўлган ўзаро чапарасталикка боғлиқ бўлади. Юқорида қайд қилинганди антигенларнинг иккала тури асосан IgM синтезини амалга оширади ва шу билан бирга улар туфайли содир бўлган иммунологик жавоб деярли ҳужайраларини юзага келтирмайди. Жуда кўп антигенлар тимусга боғлиқ бўлган турга киради. Бу антигенлар тимусга ниҳоятда боғлиқ бўлади, улар I — лимфоцитлардан мустасно ҳолатда ўзларининг иммуногенлик хусусиятларини йўқотади. Демак, бундай антигенлар иммунологик жавобни келтириб чиқариши учун T — хелпер ҳужайралари билан ҳамкорликда бўлиши даркор.

T — ҳужайралар. T — лимфоцитлар асосан тимусда ҳосил бўлади ва шу ернинг ўзида хусусий дастур ортиради. Кўпгина ҳолларда улар асосан узоқ умр кечирадиган ҳамда қон ва лимфа оралиғида айланиб юрадиган ҳужайралар ҳисобланади. T — лимфоцитларининг бундай «озод» ҳаракати уларга кўпчилик антиген билан тўқнашишга имкон яратади. Худди В — лимфоцит каби, T — ҳужайра ҳам фақат ўзига хос бўлган антиген билан ўзаро муносабатда бўлади. Бундан ташқари, бамисоли В — ҳужайралар каби, улар ҳам ўз сиртларидаги махсус ноёб рецепторларини ташиб юради. Аммо бу рецептор В — ҳужайра рецепторидан тубдан фарқ қиласа-да, улар орасидаги бўлган баъзи бир ўхшашликларни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тимус қарамоғида бўлган лимфоцитлар В — лимфоцитлар билан бир қаторда гемапоэтик ўзак ҳужайрасидан пайдо бўлади. T — лимфоцитнинг ўтмишдош ҳужайралари ти-

мусга ташриф буюриб, унда аста-секин етила бошлайди. Кейинчалик улар иммунологик тизимнинг периферик аъзоларидағи тимусга боғлиқ бўлган миңтақаларини ишғол қиласди. Бунда лимфоид ҳужайраларга тимуснинг эпителиал элементлари кичик бир муҳитни яратиб беради. Мана шундай микромуҳит айрисимон безни қамраб олган ўтмишдош Т — ҳужайраларида маҳсус ўзига хос маркерлар синтезини амалга оширишга олиб келади.

Одам организмидаги Т — ҳужайраси вояга етар экан, бу жараённи уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич ёки бошланғич тимоцитлар даври CD7—CD2 ва CD5 маркерларининг экспрессияси билан ифодаланади. Шу босқичнинг ўзида бўлиниш маркери CD38 ни (барча бошланғич гемапоэтик ўтмиш ҳужайра маркери) ҳам учратиш мумкин. Иккинчи, умумий тимоцитлар босқичида, кўшимча юза маркерлар пайдо бўла бошлайди. Масалан, CD1 ва шу билан бир қаторда, баъзи бир ҳужайраларда CD4 ва CD8 нинг коэкспрессиясини кўздан кечириш мумкин. Ниҳоят, учинчи босқич — вояга етган тимоцитлар босқичи дейилади. Бу даврда кескин фенотипик ўзгаришлар юз беради. Бунда CD1 нинг экспрессияси сусайиб, CD3 TCR —2 комплекси барқарорлашади. Бу даврда икки субпопуляциянинг ўзига хос антигенлари (CD4 ва CD8, хелпер ва супрессор) яққол кўзга ташланади. Кўпчилик тимоцитларнинг CD38 антигени ва трансферин рецепторлари аста-секин йўқола бошлайди.



Тимуснинг гормон ва омиллари Т — ҳужайранинг ривожида жуда муҳим ўрин тутади. Хилма-хил гормон ва омиллар Т — ҳужайра ривожининг турли босқичларида таъсир кўрсатади. Тимуснинг баъзи бир ўрганилмаган гормон ва милларини эслатиб ўтиш зарурдир. Масалан, тимозин (5 — фракцияси), тимопоэтин 1,2 ва 3, тимуснинг гуморал омили (THF), тимостимулин шулар жумласидан.

Ўтмишдош Т — ҳужайралар даражаланиш жараёнини ўтгач тимус «кўкрагидан» озод бўлиб, турли вазифаларни бажарадиган гетероген (хелпер, супрессор ва цитотоксик Т — ҳужайралар) Т — лимфоцитларга айланади. Аммо, шу бугунгача бирор бир ре — Т — ҳужайра уч хил турга оид Т — лимфоцитга ўзгариши мумкини ёки ҳар бир турга таалуқли Т — лимфоцит уч хил ре — Т — ҳужайрадан келиб чиқадими — йўқми — ана шу масала катта муаммо бўлиб турибди. Бундан ташқари, тимус ёрдамида ўзининг шахсий антигенла-

рига таъсир кўрсатувчи баъзи бир ҳужайраларнинг улоқтирилиб ташланиш жараёни ҳам амалга ошади. Бу жараёни эса Т — ҳужайра толерантлигини келтириб чиқаради. Маълум бўлишича, тимусда содир бўлган Т — ҳужайралар гомоген бўлмасдан, балки улар гетерогенлик хусусиятларини ўзида намоён этади. Уларнинг фарқи шундаки, бу ҳужайралар турли вазифани бажаради, уларнинг жойлашадиган маскани, ҳаёт даври ва сиртқи маркерлари турличадир (1-расм).

Ушбу ҳужайра гуруҳидан баъзи бирлари киллер (қотил) сифатида хизмат қилиб, бегона ҳужайраларни барбод этади, бошқалари супрессор (суюқлик ва ҳужайранинг иммунологик жавобни сўндирувчи) қиёфасида, ўзгалари хеллер (иммунологик жавобни келтириб чиқаришда ёрдамчи дастур) шаклида намоён бўлади.


Тимус даргоҳида етилиб чиққан ҳужайралар кейинчалик уни тарқ этиб, периферик Т — лимфоцит популациясига қўшилиб кетади. Периферик Т — лимфоцитларнинг бир қанча субпопулациялари бўлиб, уларни сиртқи маркерлар ёрдамида аниқлаш ва ўрганиш мумкин. Т — ҳужайранинг В — лимфоцитдан энг муҳим фарқи уларнинг қўй эритроцитлари билан розетка ҳосил қилиш қобилиятидадир. Бунда содир бўладиган ўзига хос «жипслашув» Т — ҳужайра рецептори билан бирга CD2 молекула тузилмасига боғлиқ бўлади (2-расм).



2-расм. Т-лимфоцитнинг қўй эритроцитлари билан CD2 воситасида алоқа ўрнатиши

Аммо шунга қарамасдан, Т — лимфоцитнинг ҳақиқий маркери унинг антиген рецептори ҳисобланади (TCR). TCR икки кўрининида бўлади, бири TCR1 ва TCR2. TCR2 гетеродимер бўлиб, икки дисульфид боғли полипептиддир (альфа ва бетта-зинжирлар). TCR 1 эса ўз тузилишига кўра, TCR-2 га ўхшаш бўлади, унинг полипептиди гамма ва бета занжирларидан таш-

кил топади. Икки рецептор ҳам комплекс полипептид-ни ташкил этиб, CD3 комплексига ёндошади. TCR 2 нинг молекуляр оғирлиги 90 КД ни ташкил қиласи (альфа занжир — 45 КД, β — занжир эса 40 КД) Альфа-занжирнинг синтезини кодлайдиган генлар 14 хромосомада, бетта-занжирнинг синтезини эса одамнинг 7(сичқонларда 6 хромосома) хромосомасидаги генлар амалга оширади. Ҳар бир занжир ўзининг барқарор ва ўзгарувчан қисмларига эга. Қон таркибидаги Т — ҳужайраларнинг тахминан 95 фоизи TCR — 2 экспрессиясини амалга оширса, қолган 5 фоизи TCR1- га тўғри келади. TCR — 2 ташувчи ҳужайраларнинг ўзи икки турли субпопуляцияга бўлинади. Улардан бири Th, яъни хелпер ҳужайралари (сиртқи қавати CD4 мусбат фенотипли бўлади) ва иккинчиси Ts, яъни супрессор ҳужайралардир (CD8 мусбатли фенотип).



3- расм. TCR-2 ҳужайранинг дифференциацияси

CD4 антигенли Т — ҳужайралар бегона антигенлардан гистомансублик комплексининг II синф молекулалари билан фарқ қиласи. CD8 мусбат Т — ҳужайра-

лар эса МНС I синф молекулалари ёрдамида антигенни фарқлай олади (3-расм). CD 4 мусбат ҳужайраларнинг ўзи функционал жиҳатдан яна бўлинади. Улардан бири Т ва В — ҳужайраларнинг иммунологик жавобига жиддий равишда кўмаклашадиган CDW29 антигенли фенотип ҳужайра бўлса, иккинчиси супрессор (цитотоксик функциясига эга бўлган CD 45R мусбатли) ҳужайрадир. Моноклонал антитаналар ёрдамида CD 8+T — ҳужайраларни яна ўзига хос вазифани адо этадиган субпопуляцияларга ажратса бўлади. Масалан, МНС — молекулалари билан ҳамкорликда антигенни фарқлай оладиган ва интерлейкин — 2(IL — 2) ишлаб чиқарадиган CD 28+ ҳамда МНС — молекулаларидан холи равишда антигенни пайқайдиган ёки IL — 2 ишлаб чиқарадиган CD 11b+ ҳужайралар шулар жумласидан.

Юқорида айтиб ўтилган, CD 2 га қарши йўналган специфик моноклонал антитаналар 50 КД оғирлигига тенг келадиган антиген билан боғланиш қобилиятига эга. Бу антиген қўй эритроцитининг рецепторига мос келади. CD 2 — барча етилган периферик I — лимфоцитларда учрайди. Тахминларга кўра, CD 2 — маркер-

4- жадвал


T-лимфоцитларнинг CD-маркерлари

| CD | Молекуляр оғирлиги, КД | Тақсимланиши | Айнан вазифаси |
|-----|------------------------|-------------------------------|---|
| Ia | 49 | Тимоцит, Лангерганс ҳужайраси | |
| Ib | 45 | Тимоцит | |
| Ic | 43 | Тимоцит | |
| 2 | 50 | Етук Т — ҳужайра | Кўйнинг эритроцит рецептори |
| 3 | 20—26 | Етук Т — ҳужайра | Т — ҳужайра антиген/рецепторкомплексининг кисми |
| 4 | 60 | T — хелпер | МНС II-синф орқали чегараланган иммунологик аниқловчи |
| 6 | 120 | T — ҳужайра | |
| 7 | 40 | T — ҳужайра | |
| 8 | 32 | T — цитотоксик супрессор | МНС I-синф орқали чегараланган иммунологик аниқловчи |
| 28 | 44 | Периферик ва цитотоксик | |
| | | T — ҳужайра | |
| | | T — ҳужайра субпопуляцияси | |
| W29 | 135 | | |

лари Т — лимфоцитларнинг ўзига хос бўлмаган фаоланиш жараёнида иштирок этади.

CD 3 кластерига тааллуқди моноклонал антитаналар, уч молекулали оқсил комплекси ва унга ёндошган Т — ҳужайранинг ўзига хос антиген рецептори билан боғланиш хусусиятига эга. Т — лимфоцитнинг ўзига хос антиген рецептори шу популяцияга онд ҳужайраларнинг асосий функционал маркери ҳисобланади. CD 3 антиген, Т — ҳужайранинг специфик рецептори билан экспрессия жараёнида чамбарчас боғланганлиги сабабли, маркер ҳисобида етук Т — ҳужайраларни аниқлашда ишлатилади. Т — ҳужайранинг CD — маркерлари тўғрисидаги айrim муҳим маълумотлар 4- жадвалда келтирилган.

Периферик лимфоцитларнинг бир неча хил популяциялари бўлиб, уларни мембронада намоён бўладиган ўзига хос антигенлар ёрдамида аниқлаш мумкин. Масалан, сичқон организмидаги Lyt — 1 антигенига эга бўлган ҳужайралар Т — хелпер, Lyt — 2 фенотипли ҳужайралар эса Т — супрессор популяцияларни ташкил қиласи. Цитотоксинли вазифани ўтайдиган Т — ҳужайралар ҳам Lyt2+ ҳисобланади. Одам орга-



4- расм. Одам ва сичқонларнинг асосий Т- маркерлари

низмидаги Т — хелпер — CD 4, супрессор ҳужайраси эса CD 8 антигенларига эга бўлади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, бу ҳужайра субпопуляциялари фақат тимусни тарк этганларидан кейин содир бўлади (4- расм).

Т — ҳужайранинг асосий бошқарув вазифаларидан бири В — ҳужайрани бўлиниш ва антитаналар содир қилувчи ҳужайрага айлантириши рағбатлантириши ҳисобланади. В — ҳужайранинг кўпчилик оқсили антигенларига бўлган жавоб реакцияси Т — ҳужайра ёрдамига тўлиқ равиша боғлиқ бўлади. Бундай антигенлар одатда, тимусга боғлиқ антигенлар деб аталади. Т — ҳужайра ёрдами турли йўналишда амалга оширилиши мумкин. Улардан бири, Т — ва таъсирланувчи В — ҳужайра орасида содир бўладиган «қариндошлиқ» ёрдамири (cognate ёрдам). Бу ёрдамнинг моҳияти шундаки, иммунологик жавоб юзага келишида Т ва В ҳужайралар бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўлади. Мана шундай жараёнда В — ҳужайра рецептори билан ўзига хос келишувчиликда бўлган антиген молекуласи, Т — ҳужайра томонидан фарқланади. Бу Т — ҳужайра айни вақтнинг ўзида В — ҳужайра сиртидаги МНС II-синф ген маҳсулотини аниқлай олади. Лекин, бундай когнат ёрдам кўрсатиш жараёнида Т — ҳужайрандан В — дўстига ўтказиладиган медиатор ёки медиаторлар табиати ҳалигача номаълум. Баъзи бир тахминларга кўра, бундай вазифани Т — ҳужайра таркибидан ажратиб чиқариладиган баъзи бир эритувчи омиллар бажара олиши мумкин.

Т — ҳужайранинг дастлабки фаоллашуви бир вақтнинг ўзида антиген ва II синф молекуласини пайқай олишга боғлиқ бўлиб, у маҳсус антигенини тақдим қилувчи ҳужайранинг ташқи сиртида содир бўлади. Антигенини тақдим этиш қобилияти макрофаг, Лангерганс-нинг эпителиал ҳужайраси, Купфер, дендрит ва баъзи В — лимфома ҳужайраларига хосdir. Антигенини тақдим этувчи ҳужайраларнинг ҳамма вазифалари охиригача маълум бўлмасада, уларнинг интерлейкин-1 ишлаб чиқариши алоҳида аҳамият касб этади. В — ҳужайра фаолланиши Т — ҳужайранинг хелпер вазифаси яна бошқа йўл, шу жумладан, хелпернинг ўзига хос бўлмаган ва одатда лимфокин деб аталадиган омилларнинг ҳосил қилинниши билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга мисол сифатида В — ҳужайра бўлинишини бошқарадиган ва даражаларга ажратувчи омилларни келтириш мумкин.

ИММУНИТЕТНИНГ БОШҚАРИЛИШИДА Т-СУПРЕССОРЛАРНИНГ ТҮТГАН ҮРНІ

Иммунологик тизим антигенларга қарши доимо ўзининг специфик ҳужайраларини ишга солса, улар ўз навбатида чегарасиз пролифератив фаолланишни намоён этса, бундай ҳолда субпопуляцияларнинг миқдори кескин ошиб кетиб организмга путур етказади. Иммунологик жавобининг фойдалы ёки самарали чегараланиши, шу тизимда мавжуд бўлган ўз-ўзини бошқарувчи механизмга асосланган бўлади. Бу механизмни ишга солувчи иммунологик тизимнинг маҳсус сўндирувчи ҳужайралари мавжуд бўлиб, улар супрессорлар деб аталади. Маълум бўлишича, бундай супрессорлар T, В ва ҳаттоқи келиб чиқиши номаълум бўлган «ноль» лимфоцитлар орасида учрайди.


T — супрессор ҳужайраларининг ўзи турли хил бўлиб, улар бир-биридан бир қанча хусусиятлари билан фарқ қиласиди. Масалан, содир бўлиш шароитлари, ўзига хос ҳатти-ҳаракати, кинетика, вазифаларининг генетик жиҳатдан чегараланиши (рестрикция), етуклик даражаси, антиген маркерлари, ишлаб чиқарадиган диаторларининг табиати, ҳаттоқи турли супрессия механизmlари шулар қаторига киради. Лекин шунга қарамасдан барча супрессорларни бирлаштирадиган умумий физиологик жиҳатни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Бундай жиҳатнинг асосида барча супрессорларнинг пролифератив фаолликни, даражаланиш ҳамда бошқа лимфоид ҳужайраларнинг функционал фаоллигини муҳосара (блокировка) қилиш хусусияти ўрин олган.

T — супрессор ҳужайраларининг фаолланишида ҳамда ушбу вазифани адо этишда уларга бошқа кўмакдош ҳужайралар лозим бўлади. Бу кўмакдош ҳужайралар супрессорнинг даражаланиш жараёнида фаол қатнашади. Баъзи ҳолларда Lyt1+T — индуктор ана шундай ҳужайра ҳисобланади. Бу ҳужайра МНС томонидан кодланадиган I — J антигенини ўзида намоён этади. Lyt1+, I—J+ фенотипга эга бўлган T — ҳужайра, иккинчи Lyt1+2+ фенотипли T — ҳужайрага таъсир кўрсатади. Мана шу Lyt1+2+ ҳужайра супрессорнинг ўтмишдош ҳужайраси ҳисобланади. Бунинг оқибатида ўтмишдош ҳужайра самарадор Lyt2+ супрессорга айланиб, T — хелпер ҳужайрасига ўз таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, бу хил супрессия T — хелпер ҳужайраларининг сонини бошқариш йўли билан амалга ошади.

Бундан ташқари, супрессияни амалга оширувчи яна бошқа тизим очилган бўлиб, унда уч хил турли ҳужайра иштирок этади, улар кўпинча Ts1, Ts2 ва Ts3 деб номланади. Ts1 ҳужайра, шубҳасиз, антигенга хос бўлиб, ўзидан Ts—FI— омилни ишлаб чиқаради. TsFI омилнинг вазифаси кейинги босқичда ҳосил бўладиган Ts2 ҳужайрасини фаоллашга қаратилган. Ts2 эса ўз навбатида TsF2 омилини келтириб чиқаради, у антигенга специфик бўлган Ts3 ҳужайрани рағбатлантиради. Ts3 ҳужайра деярли супрессорлик вазифасини адо этади.

T — супрессор ва T — хелпер ҳужайраларининг орасида кескин фарқ бор. Масалан, улар турли шароитларда ҳосил бўлади, ўз хусусиятларига кўра, бир-бирига қарама-қарши. Уларнинг орасида бўлган жиҳдий фарқ бу антиген тузилишини фарқ қила билишга қаратилган турли услубдир. Антигенни фарқ қила билишда T — ҳужайра уни MHC бўйича чегараланган ҳолда амалга оширади. Кўпгина ҳолларда бундай иммунологик жавоб MHC бўйича рестрикцияланган деб аталади. Маълум бўлишича, CD 4 сиртқи маркер экспрессиясига эга бўлган хелпер T — ҳужайра, антиген структурасини II-MHC синф маҳсулоти ёрдамида фарқлай олади. CD8 фенотипли цитотоксик (супрессор ҳужайра эса фақат I-MHC синф маҳсулоти билан биргаликда фарқ қила билиш қобилиятига эга (5- расм).

T — супрессорнинг, T — хелпердан яна бир фарқи унинг таркибида Thy 1 антигени миқдорининг юқорилиги, кортикал тимоцитларда TL — маркернинг борлиги ҳамда ер ёнғоқ агглютинига (PNA), сиал ганглиозид



5-расм. Т- ҳужайра жавобидаги MHC- бўйича рестрикция элементлари

ATX- антигенини тавсия этувчи ҳужайра (макрофаг ва у қаторидаги бошқа ҳужайралар) MX- мўлжал ҳужайра

(GMI), α — маннозиранозид ва Ig нинг Fc парчасига йўналган рецепторларнинг борлигига. Бундан ташқари, T — супрессорининг фенотипи Lyt1 $-2+J+$ бўлса, T — хелпернинг кўпчилиги Lyt1 $+2-J$ фенотипига эга.

T — супрессорлар B — лимфоцитнинг пролифератив ва даражаланиш фаоллигини сусайтириш, турли синфга оид антитаналар синтезини кечиктириш, ўта сезирлнк реакциясини секинлашириш, цитотоксик T — лимфоцитларини ҳосил қилиш, иммунологик толерантликни юзага келтириш ва уни сақлаб қолиш ҳам бир қанча хусусиятларни ўзида мужассам қиласди. Бугунги кунда супрессорларнинг яна бир тури B — супрессорлари борлиги маълум бўлди. Улар етилмаган B — лимфоцитларга тааллуқлидир. B — супрессорлар ДНК синтезига, антитаналар ишлаб чиқариш, эффектор T — ҳужайра вазифаси, лимфоцитнинг митогенга бўлган жавоб реакциясини амалга оширишга тўсқинлик қиласди. Улар асосан суяқ кўмиги таркибida учраб, баъзи бир тахминларга кўра, кўмик соҳасида содир бўладиган иммуногенезнинг турли шаклларига тўсқинлик қиласди.

ЦИТОТОКСИК Т-ҲУЖАЙРАЛАР

T — лимфоцитлар иммунологик жавобни келтириб чиқаришда жуда муҳим ва хилма-хил вазифаларни адо этади. Уларнинг бири — ҳужайра ташқисида намоён бўлган бегона антигенларни фарқлай олиш ҳисобланади. Бегона антигенлар ўсимта антигенлари вирусга оид ўзига хос тузилмалар ҳамда бегона гистомансублик тизимиға тааллуқли ген маҳсулотлари бўлиши мумкин.

Цитотоксик вазифани бажарадиган T — ҳужайралар ўзларининг ташқи мембранныида Lyt2 антигенига эга. Улар бегона антигенларда, бамисоли T — хелперлар каби, бир вақтнинг ўзида ҳам антиген детерминантаси, ҳам МНС маҳсулотини фарқлайди. Бунда содир бўладиган иммунологик жавоб I синф маҳсулотлари билан чегаралангтан. Цитотоксик T — ҳужайралар Lyt 1 $+2+\text{ёки } Lyt2+$ фенотипига эга бўлган ўтмишдош ҳужайралардан келиб чиқади. Бу ҳужайраларнинг дарражаланиши ҳамда бўлинниб кўпайиши баъзи бир хелпер ёки юксалтирувчи ҳужайралар иштироқида содир бўлади. Хелпер ёки юксалтирувчи ҳужайраларнинг таъсири асосан эрувчи омиллар, масалан, интерлей-кин — 2 ёрдамида амалга оширилади. Цитотоксик T —

лимфоцитлар иштирокида амалга ошириладиган нишон — ҳужайранинг цитолиз жараёни анча мураккаб бўлиб, унинг асосида кетма-кет ўрин алмашинадиган тўрт босқич ётади. Биринчи басқич бўшроқ, ўзига хос бўлмаган гидрофоб алоқанинг ўрнатилиши билан ифодаланади. Бу босқич цитотоксик Т — ҳужайра ва мўлжал — ҳужайра орасидаги мембрана липидларининг транслокациясини вужудга келтиради. Бу жараён бир неча дақиқа давом этади, ундан кейин иккинчи, цитотоксик Т — лимфоцит ва мўлжал — ҳужайра мемброналиари орасидаги ўзига хос турғун алоқанинг содир бўлиш босқичи бошланади. Бу босқичнинг дастлабки дақиқаларида Т — лимфоцит ўзининг рецептори ёрдамида мўлжал ҳужайрадаги антигенни таниб олади, кейин эса улар орасидаги муносабат анча мустаҳкамланади. Учинчи босқич цитологик механизмни ишга солиш билан ифодаланади. Бу босқич оралиғида нишон — ҳужайрада қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар содир бўлиб, у ҳалокатга учрайди. Ниҳоят, сўнгги тўртинчи босқичда мўлжал — ҳужайранинг деструкцияси юзага келади, уни мўлжал ҳужайра таркибидан ажралиб чиқаётган пептиидлар миқдорини ўлчаш асосида аниқлаш ва кузатиш мумкин.

Мавжуд тасаввурларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, цитотоксик Т — ҳужайралар вирустабиатига эга бўлган касалликлардан сақланишда ва ўсимталарага қарши иммунитетнинг баъзи бир турларини амалга оширишда фаол иштирок этади.

УЧИНЧИ ПОПУЛЯЦИЯ ТУРИ. МАКРОФАГЛАР ВА БОШҚА КУМАКЧИ ҲУЖАЙРАЛАР

Мононуклеар фагоцитлар бу гуморал ва ҳужайра типига оид иммунологик жавоб реакцияларида иштирок этувчи жуда ажойиб мудофаа ҳужайралари ҳисобланади. Организмга кирган бегона тузилмаларнинг фагоцитлар томонидан хос бўлмаган тарзда ютилиши муҳим аҳамият касб этади. Т ва В- ҳужайраларидан холис келган макрофаглар маълум бир ҳужайра клонига тааллуқли хоссага эга бўлмайди, бундан ташқари уларда антигенга нисбатан ўзига хос хусусияти йўқ. Улар хос бўлмаган, кўмакчи ҳужайралар ҳисобланади. Гарчи, фагоцитлар барча тўқималарда бўлишига қарамасдан, нормал ҳолатда кўпаявчи фагоцитларни фақат суюк кўмигига учратиш мумкин. Ушбу ҳужайранинг келиб чиқишида энг муҳим вазифани мо-

нобласт ҳужайраси ўтайди. Бу ҳужайранинг бўлиниши натижасида, моноцитларнинг бевосита ўтмишдоши, промоноцит ҳужайралари шаклланади. Моноцитлар бир қанча вақт давомида суюк кўмиги таркибида ҳаёт кечиради, сўнгра уни тарк этиб, қон доирасига ўтади, у ердан эса макрофаг қиёфасини орттириш учун турли тўқималарга қараб йўл олади. Фагоцитлар вояга етилиш даврида ўзига хос бўлган бир қанча мембрана маркерларини орттиради.

Мононуклеар фагоцитларни ифодаловчи стераза ферменти энг ишончли, хос бўлмаган маркер ҳисобланади. Макрофаглар таркибида бу фермент унинг цитоплазмасида жойлашади. Бундан ташқари, фагоцитлар яна бошқа, лизоцим ферменти — пероксидазани ҳам сақлайди. Мононуклеар фагоцитлар 1 га хос Fc рецептори, комплементнинг учинчи компонентига нисбатан рецепторга эга ва шу билан бирга улар фаол эндоцитоз вазифасини бажариш қобилиятига эга. Барча мононуклеар фагоцитлар пиноцитозга қодир ҳисобланади. Одам организмидаги кўпчилик моноцитлар йирик (10—18 диаметрли) бўлиб, оч азурофил гранулаларига эга.

Моноцитларнинг ультра тузилмасига назар ташлар эканмиз, уларда яхши ривожланган Гольжи комплексини ва ички цитоплазмадаги кўп сонли лизосомаларни кўриш мумкин. Бу лизосомалар таркибида бир қанча гидролазалар ва пероксидаза сақланади, улар ўз навбатида микроорганизмларни ҳужайра ичидан йўқ қиласди.

Моноцит макрофаглар шиша ва елим (пластик) сиртларга яхши ёпишади (адгезия). Маннозил (фикосил) рецепторига эга бўлган одам ва сичқон моноцит макрофаглари капсуласиз ва сиртида шакар моддаси бўлган микроорганизмлар билан боғланиши мумкин. Улар уч хил турдаги IgG Fc рецепторларига эга (б-расм). Fc γ R1 деб номланган одам ҳужайрасининг рецептори JgG га нисбатан ўта аффинитетлик хусусиятига эга. Бу рецептор ва сичқоннинг Fc γ R2a рецептори гомологик ҳисобланади. Fc γ RII (CDw32), Fc γ R2b/1 рецепторига эквивалент (ўрта аффинитет). Ниҳоят, Fc γ R III ёки FcR10 (CD16) рецепторлари энг қуий аффинитетга эга бўлади. Бу рецепторлар турли вазифани амалга оширади, масалан, ҳужайранинг ташқарисидаги «қотиллик», опсонизация ва фагоцитоз шулар жумласидан. Бу вазифани бошқа молекулалар CR1 (C3b рецептор, CD 35) ҳам бажара олади.

II синф МНС антигенлари моноцит макрофагларда намоён бўлади, бунда улар антигенларни Т—хужайрага тақдим қилишда жуда муҳим вазифани ўтайди. CD13, CD14 ва CD15 молекулалари ҳам одам организмидаги макрофаглар ташки қобигида аниқланган.


Моноцит ва макрофагнинг яна бир муҳим вазифасидан бири унинг комплемент компонентлари, простогландин, интерферон ва баъзи бир монокинлар, масалан, интерлейкин — I ва ўсимта некрози омилини ишлаб чиқаришидир.

АНТИГЕННИ ТАҚДИМ ЭТУВЧИ ҲУЖАЙРАЛАР

Антигенни тақдим этувчи ҳужайралар лейкоцитларнинг гетероген популяцияларидан бири ҳисобланади.

5- жадвал

Антигенни тақдим этувчи ҳужайра маркерлари

| Маркерлар | Ҳужайралар |
|---|----------------------------------|
|  Fc γ R APC CR1 (CD35) | Лангерганс Фолликуляр дендрит |
|  MHC 2 синф APC | В-Лимфоцит Макрофаг |
| Фагоцитар функция | Макрофаг |

APC—Antigen presenting cells (антигенни тавсияловчи ҳужайра)

Уларнинг баъзилари Т — хелпер ҳужайрасининг функционал фаоллигини юзага келтиришда, бошқалари эса лейкоцитлар билан алоқа ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади. Антиген презентациясини (тақдим қилиш) амалга оширувчи ҳужайраларни, асосан тери, лимфатик тугун, талоқ ва тимуснинг таркибида учратиш мумкин. Тери таркибида учрайдиган ҳужайралар Лангерганс ҳужайралари сифатида маълум. Улар Fc—IgG, C3, Ia рецепторлари ва Ia антигенларига эга. Бундан ташқари, Лангерганс ҳужайраларида ташқи қават иммуноглобулинлари ва Т — ҳужайра маркерлари йўқ. Антигенини тақдим этувчи ҳужайралар қаторига яна бошқа, маҳсус фолликуляр дендритик ҳужайралар ҳам киради. Уларни талоқ ва лимфатик тугуннинг В — минтақаларида учратиш мумкин. Антиген перезентациясида иштирок этувчи ҳужайралар турли маркерлар соҳибкори ҳисобланади (Б-жадвалга қаранг).

В — ҳужайралар ҳам антигенини ҳадя этувчи ҳужайралар қаторидан ўрин олган. Улар Т ва В лимфоцитлари орасида содир бўладиган ўзаро таъсир доирасида муҳим вазифани амалга оширади.


ИММУНОЛОГИК ЖАВОБ ЖАРАЁНИДАГИ ҲУЖАЙРАЛАР КООПЕРАЦИЯСИ

Организмда содир бўладиган барча иммунологик реакциялар амалга оширилиш услубларига кўра икки турга ажратилади. Биринчи тур — бу иммунологик жавобнинг гуморал хили, иккинчisi, бевосита ҳужайралар томонидан юзага келиши сабабли, ҳужайравий турга оид иммунологик жавоб реакциясидир. Бу иккала турга оид бўлган иммунологик жавобни, бегона антигенларга нисбатан организмнинг мудофаа хоссан деб қабул қилиш мумкин.

Иммунологик жавоб жараёнини келтириб чиқаришда макрофаглар ўта муҳим. Улар бошқа ҳужайралар билан ўзаро муносабатга киришиб, ушбу реакцияни вужудга келтиради. Антигенини тақдим этувчи ҳужайралар сифатида макрофаг, моноцит, дендрит ҳамда эпидермисдаги Лангерганс ҳужайралари чиқиши мумкин. Фагоцитоз ва пиноцитозга қодир бўлган ҳужайраларнинг фақат ўзлари, антигенини ютиш ва унга ишлов бериш қобилиятига эга. Бу жараёнлар антигенини пайкаш фазасида жуда зарур. Шуни таъкидлаш керакки, макрофаг ва унга ўхшаш ҳужайралар, антиген-

ни қисман парчалаб, уни ўз мембранныси ёрдамида тавсия этади (антиген презентацияси). Кўмакдош ҳужайра ва Т—лимфоцитлар орасидаги кооперация содир бўлиши жараёнида бир неча хил медиаторлар иштирок этади. Масалан, макрофаглар, юқорида қайд қилинганидек, интерлейкин—1 ни ишлаб чиқаради, у эса индуктор (хелпер ҳужайралари учун қўшимча ишора (сигнал) ҳисобланади. Бундан ташқари Т—лимфоцитлар, макрофагларни рағбатлантирувчи интерферон моддасини ишлаб чиқаради.

Т—боғлиқ антигенларига қарши содир бўладиган иммунологик жавоб, Т—субпопуляцияларининг маълум бир қисми фаолланиши натижасида юзага келади, унда иштирок этадиган ҳужайралар «индуктор» деб номланади. Бу жараён ҳам антигенини тавсия этувчи ҳужайралар билан боғлиқ. Индуктор, Т—лимфоцитларини таърифловчи белги бўлиб, уларнинг IL—2 сек-



7-расм. Интерлейкин-2 рецепторининг тузилмаси

рециясида иштирок этади. IL—2 эффектининг юзага келиш чоғида рағбатлантирилган лимфоцитларнинг ташқи қаватида шу омила нисбатан рецептор экспресияси содир бўлади. Олинган далилларга қараганда IL—2 барча турдаги ҳужайраларга нисбатан универсал рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. IL2—рецепторнинг структурасини батафсилоқ ўрганиш чоғида моноклонал антитаналарнинг ишлатилиши жуда

құлай келди. Ҳозирга келиб маълум бўлишича, IL—2 рецепторининг вужудга келишида икки полипептид (α ва β занжир) иштирок этади. Тинч ҳолатда бўлган T—хужайралар оз миқдорда альфа занжир (75 КД) ва у билан чамбарчас боғланган бетта занжирга (55 КД) эга бўлади (7-расм). Ҳужайранинг фаолланиши натижасида, бетта занжир миқдори кескин ошади, унинг миқдори альфа занжирга нисбатан 10 маротаба кўпроқ бўлади (50000; 5000 нисбатда). Иккала занжир жисплашиб, ҳар бири IL—2 ни жуда бўш биритириши мумкин. Юқори аффинитетга эга бўлган IL—2 рецепторининг бетта занжирини анти—TAC моноклонал антита на ёрдамида ўрганиш ва аниқлаш мумкин.


T ва B ҳужайра кооперацияси (уюшмоқлиги). Иммунологик жавобнинг мақбул (оптимал) даражаси фаяқат T ва B ҳужайралар орасида содир бўладиган ўзаро таъсир натижасида намоён бўлади. Ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи иммунологик жавобнинг юзага келиши учун бу икки туркумга оид ҳужайралар ўюшмоқлиги даркор. Тажриба ўтказиш йўли билан T ва B лимфоцитларнинг антиген детерминантларига жавобан пайдо бўладиган таъсирланиши аниқланди. Маълум бўлишича, B—лимфоцитлар гаптен детерминантларини, T—хужайра эса ташувчи молекуладаги детерминантларини аниқлай олади. Назарий асосларга таянган ҳолда T ва B лимфоцитлар, бир-бирлари билан антиген кўприги орқали боғланган деб таъкидласа бўлади. Бундан ташқари худди макрофаглар каби, B-ҳужайралар ҳам антигенин тавсия этиш жараёнида, II синфга тааллуқли МНС молекулалари билан ҳамкорликда бўлади. Чунончи, баъзи бир T—лимфоцитлар ушбу тузилмаларни, ўзларида қисман мужассам этгани учун, T ва B лимфоцитлар пухта алоқада бўлади. Бу эса шак-шубҳасиз ҳужайра учун етарли даражада ишора ҳисобланади. Бундан ташқари, B ҳужайрага T—ҳужайранинг эритувчи медиаторлари ҳам таъсир кўрсатади (хелпер омили). Ҳужайраларо содир бўладиган кооперация жараёнида антиген кўприги хелпер омилларининг ҳаракатига муайян шароитлар яратиб беради ва улар B—ҳужайрага ўз таъсирини кўрсатади.

БИРЛАМЧИ ВА ИККИЛАМЧИ АНТИТАНАЛАР ЖАВОБИ

Иммунологик тизимдаги бегона антигенларга нисбатан содир бўладиган жавоб реакциясининг хусусияти ажойиб бўлиб, у кўпинча антиген табиатга, унинг ор-

ганизм билан бўлган алоқа даврига боғлиқ бўлади. Антиген билан тўқнашувнинг дастлабки даврида содир бўладиган антитаналар ишлаб чиқариш динамикасига назар ташласак, иммунитетни ривожлантирувчи механизм асосларини тушунишимиз мумкин. Агар биз қуён организмига бактерия маҳсулотини, жумладан, столбняк (қоқшол) анатоксинини киритсак, қон таркибида биринчи антитаналар ҳосил бўлишини бир неча кун кутиш керак. Аста-секин антитаналар миқдори ортиб, энг юқори кўрсаткичга эга бўлади. Маълум вақт ўтгач, уларнинг миқдори камайиб боради. Агар ҳайвонга бир қанча вақтдан сўнг иккичи маротаба анатоксин киритсак, ундаги жавоб реакциясининг жадаллиги кескин ўзгаради, икки-уч кун ичида антитаналар миқдори ниҳоятда кўлпайиб кетади. Ана шундай ўзгариши иккиласи иммунологик жавобни юзага келтиради, бу антитаналар ишлаб чиқариш жараёнининг ниҳоятда сермаҳсуллигидан далолат беради.

Умуман олиб қараганда, иммунологик жавоб бир неча босқичдан ташкил топади. Латент, яъни яширин даври ичида (кўпинча Lag даври дейилади) антитаналар миқдорини аниқлаб бўлмайди. Ундан кейинги даврда (Log давр) антитаналарнинг ўзига хос синтези жуда авж олади. Яширин давр ичида, қон доирасида озод антигенлар мавжуд бўлади. Шу вақт давомида ҳосил бўлган антитаналар антигенларни ўзига бириклиради ва шу тариқа иммунологик комплексларни келтириб чиқариб, уларни улоқтиради.



8-расм. Бирламчи иммунологик жавоб реакцияси
3-7029

Бирламчи антитана жавобини характерли қийшик чизик тарзида ифодалаш мүмкин (8-расм). Бирламчи ва иккиламчи иммунологик жавоб реакцияларини бирбери билан таққослаб күрсак, улар ўртасида кескин фарқ борлигини кўриш мүмкин. Биринчидан, бу жараёнларниң содир бўлиш вақти турлича бўлиб, иккиламчи иммунологик жавоб жуда қисқа давом этадиган Lag фазасидан иборат бўлади. Йккинчи фарқ бу антитананинг титридир. Йккиламчи жавоб жараённада «плато» га (шипга етган сатҳи) етган антитаналарниң сатҳи, бирламчи иммунологик жавобникига нисбатан ортиқ бўлади. Учинчи фарқи шундаки, бирламчи иммунологик жавобда асосий синтез қилинувчи антитаналарниң синфи IgM-ни ташкил қиласди. Ниҳоят, тўринчи фарқ антитананинг аффинитет хусусиятларига боғлиқ. Антитаналарниң бу хусусияти асосан, иккиламчи жавоб жараённада яққол кўринади.

БАВОСИТА ҲУЖАЙРА ИФОДАЛАДИГАН ИММУНОЛОГИК ЖАВОБ

Бавосита ҳужайра билан ифодаланадиган иммунологик жавоб деб номланишига сабаб шундаки, организма асосан ички ҳужайра патогенларига қарши содир бўладиган маҳаллий реакцияларда лимбоцит ва фагоцитлар, гуморал омилларга қараганда самарали иштирок этади. Лекин, иммунологик жавобни юзага келтирувчи бавосита — ҳужайра ёки бевосита — антитана билан ифодаланадиган реакцияларни алоҳида кўриб чиқишининг ҳожати йўқ. Чунки ҳужайралар антитаналар синтезида иштирок этса, ўз навбатида антитаналар бавосита — ҳужайра билан ифодаланадиган жараёнларда алоҳида ўрин тутади.


Лимфонд ҳужайраларининг айрим субпопуляцияси мўлжал ҳужайраларни лизис қилиш қобилиятига эга бўлади. Бундай жараён эса ғалаённи юзага келтиради. Бунинг сабаби шундаки, ўзига хос ва ўзига хос бўлмаган киллинг механизмларини вужудга келтиришда бир неча хил рецепторлар иштирок этиб, улар боғланиш ёки бирикиш жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади. Асосий турга онд рецептор — лиганд ўзаро муносабати остида қўйидагилар қатнашади:

а) Т — ҳужайранинг МНС — комплекси билан чегараланган рецепторлари (цитотоксик Т — ҳужайра).

б) NK ұжайралар ёрдамида фарқ қилинадиган детерминанталар.

в) антитанааларнинг Fc рецепторлари (NK — ұжайра, антитана билан боғлиқ бавосита ұжайра цитотоксиклиги).

Цитотоксик T — ұжайра икки рецептор ёрдамида (масалан, бирлашган «MHC — антиген» рецептори) мүлжал ұжайрадаги структураларни фош этиб ұжумга шайланади. NK ұжайра (пастда баён этилади) ўзининг махсус сезувчи рецептори ёрдамида мүлжал ұжайрадаги «ўлжа» детерминантларини фарқлаш ұсусянтига эга. Ниҳоят, K — ұжайралар, антиген билан боғланган IgG молекуласининг Fc парчасини ўзига биректиради (9-расм).



9-расм. Бавосита-ұжайралар ёрдамида ифодаланадиган иммунологик жавобнинг уч тури

T — ұжайралар барча бевосита — ұжайра ифодалайдиган иммунологик реакцияларда иштирокчи эле-


мент ҳисобланади. Т — хелпер ҳужайрасининг иммунологик жавоб реакцияси жараёни давомида яна бир муҳим аҳамияти — бу бошқа турдаги ҳужайраларнинг (масалан, эфектор Т — лимфоцити) кейинги вазифаларини аниқлаб беришидир. Мисол қилиб, Т — хелпер эфектор ҳужайраларнинг бегона антигенни фош этишга чорланишини келтириш мумкин. Маълум бўлишича, цитотоксиклик вазифаси юкланган Т — лимфоцит, бегона антиген комплексини, I синфга аъзо бўлган МНС — маҳсулоти билан бирга аниқлай олади, у эса юқорида эслатилганидек барча нуклеотид ҳужайра таркибидан ўрин олган. Шу билан бирга, Т — хелпер ҳужайраси кўпчилик инвирто антигенига қарши пролиферация қобилиятига эга бўлган Т — ҳужайранинг бегона тузилмаларини МНС-нинг II синф маҳсулотлари билан ўюшмада аниқлай олади (10-расм). МНС маҳ-

| Эфектор ҳужайра | Боғланиш тузилмаси | Мўлжал ҳужайра |
|------------------------|------------------------------|----------------|
| Tc -цитотоксик ҳужайра | MHC-Антиген/ рецептор | (1) |
| Nk | Nk- детерминант | (2) |
| K | Fc-рецептор, антиген, IgG | (3) |

10-расм. Ҳужайралар ёрдамида амалга ошадиган цитотоксиклик

сулоти билан чегараланганд (рестрикция) цитотоксик Т — ҳужайралар — бу кичик лимфоцит субпопуляциясининг таркибидан ўрин олиб, уларнинг келиб чиқишига ўтмишдош (прекурсор), литик қобилиятини ўзида жамламаган, ҳужайралар сабабчи бўлади. Кўпчилик

CD8 бўйича тамғаланган ҳужайралар антигенни HLA—A, B ва C молекулалари билан биргаликда фарқлайди. МНС бўйича рестрикцияланган Т — ҳужайраларнинг тахминан 10 фоизи CD4 маркерига эга, уларнинг чегараланиш элементлари HLA=DR, DQ ва DP молекулалари ҳисобланади. Юқорида қайд этилганидек, иммунологик жавоб реакцияларида, МНС бўйича рестрикцияга асосланган цитотоксик Т — лимфоцитларидан ташқари, қарама-қарши ва ўзига хос бўлмаган, МНС билан чегараланмаган киллер ҳужайралари ҳам фаол қатнашади. Лимфоцитнинг ўта гетероген субпопуляциялари орасида худди шу хусусиятни ўзида гавдалаштирган ҳужайралар ҳам мавжуд. Улардан бири — талоқ ва периферик қон таркибида учрайдиган, илмий адабиётларда «табиий қотил» деб номланадиган ҳужайралар (*Natural killer cells*). Иккинчиси — интерлейкин — 2 ёрдамида фаол ҳолатга келадиган ва лимфокин ёрдамида фаолланувчи қотил ҳужайра (*Lymphokine Activated killer Cells, Lak*) ҳисобланади. Учинчи турдаги ҳужайра ўзига хос бўлмаган киллинг фаоллигини намоён эта оладиган ва лимфоцитларнинг махсус аралашган реакциясида (MLC) қатнашувчи ҳужайра ҳисобланади. NK ҳужайралар катта гранулали ҳужайралар сафидан чиққан бўлиб, улар одамдаги периферик лимфоид қон ҳужайралари ҳажмининг тахминан 5 фоизини ташкил қиласди. Кўпчилик ҳолларда NK ҳужайра CD16+, NKH1, CD3 — фенотипларини намоён этади. NK субпопуляциясининг мавжудлиги, 70 йиллар ўртасида, баъзи бир ўсимта ва вирус билан ифлосланган ҳужайраларни тўғридан-тўғри лизисга учратиш қобилияти асосида аниқланган эди. Шу асномда NK ҳужайраси, ўсимтанинг ўсишида ва патоген инфекциядан муҳофаза этишда муҳим вазифани бажариши ҳақидаги тасаввур шаклланганди. NK — ҳужайрасига таъриф бериш бирмунча қийин, чунки ҳозиргача бу ҳужайралар қайси бир ҳужайра чизиғига тааллуқли эканлиги номаълум. Дастлаб, NK ҳужайра Т ва В лимфоцитларидан кескин фарқ қиласди деб тасаввур қилинса, ҳозирги кунда унинг акси, яъни Т — лимфоцитига ўхшашлиги тўғрисида маълумотлар жамланган. Бундай фикр учун асос бўлиб, Т ва NK ҳужайралари сиртқи маркерларнинг умумий ўхшашлиги ҳисобланади (CD2, CD7, CD1, CD16, CD18, CD25, CD38, CD45, Leu7), 11-расм. Маълумотларга қараганда NK ҳужайрасининг организмдаги вазифалари жуда кўп, масалан, бирламчи ва метастатик ўсимтанинг



11-расм. Одам ва сичқон НК-хужайраларига тааллуқли сиртқи маркерлари

ўсиш жараёнини назорат қилиш, микроб инфекцияларидан организмни мудофаа этиш, улғайини жараёнини назоратлаш, медиаторлар ишлаб чиқарыш, гемопоэтик хужайраларнинг пролиферация ва даражаланишини назорат этиш ва бошқалар.

NK — мононуклеар хужайраларнинг мустақил, тимусдан холи бўлган популяцияси ҳисобланади. Уларни кўп миқдорда периферик қон, талоқ ва ўзга аъзолар таркибида учратиш мумкин. Уларнинг келиб чиқишида суяқ кўмигининг аҳамияти жуда катта. Баъзан NK хужайраларини тимусда учратиш мумкин. NK хужайраларнинг цитотоксиклик қобилияти турли аъзоларда турличадир. Бу хужайралардан ташқари, лимфокин билан фаоллашадиган киллер хужайра популяцияси ҳам борлиги маълум бўлди (LAK). Улар эҳтимол, алоҳида хужайра чизиғини намоён қила олар, аммо IL—2 таъсири остида фаоллашади. Бугунги кунда шу популяцияга оид бўлган хужайраларнинг ўсимтага қарши таъсири жадал равишда ўрганилмоқда. Кўпчилик илмий изланишлар натижасида, киллер фаоллигига эга, ўзига хос бўлмаган, аралашган хужайра популяцияси ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди. Агарда периферик қон хужайралари, аутологик ўсимта ёки лимфоцитларнинг аралашган тизими ёрдамида рағбатлантирилса, CD3+CD8+фенотипига эга, MHC 1 синт

бўйича чегараланган цитотоксик ҳужайралар намоён бўлади. Бу популациядаги лимфоцитлар носпецифик «қотиллик» фаоллигига эга бўлган хусусиятни ўзларида сақлаб қолади.

К — ҳужайралар сенсибилизацияга учрамаган маҳсус субпопуляция ҳисобланади. Улар антитаналар иштирокида комплемент ёрдамисиз, ўзга антитаналар билан боғланган мўлжал ҳужайраларини парчалашида фаол қатнашади. Шунинг учун, ҳозирда К — ҳужайраларига киллер лимфоцитининг маҳсус популяцияси деб қаралади. Бу ҳужайралар одам организмидаги қон таркибининг тахминан 1,5—2,5 фоизини ташкил қилади. Уларнинг асл табиати маълум эмас, лекин шунга қарамасдан уларни IgG нинг Fc қисми бўлган Т — лимфоцит ёки О лимфоцитлар сафига киритишади. К — ҳужайралар фагоцитоз вазифасини ўтай олмайди; уларни нейлон толаси, елим ва ойнага ёпишиш қобилиятига эга бўлмаган, морфологик жиҳатдан ўта гетероген субпопуляциялар қаторига киритишади.


К — ҳужайра, ўзининг ташки қават маркерлари бўйича, Т ҳужайрага жуда ўхшаб кетади. Улар орасида икки хил субпопуляцияни ажратиш мумкин: биринчиси Е⁽⁺⁾ (кўй эритроцити билан розетка ҳосил қилувчи) ва иккинчиси Е⁽⁻⁾ (бундай розетка ҳосил қилмайдиган). К — ҳужайранинг Е⁽⁺⁾ субпопуляцияси қўйидаги маркерларга эга: T3, T4, T5, T6, T8, T9 ва T10. К — ҳужайраларнинг тахминан 40—50 фоизи Т лимфоцитлари ҳисобланади. К — ҳужайранинг цитотоксик таъсири, мўлжал — ҳужайра билан ўзаро муносабатда бўладиган, IVG синфиға тааллуқли иммуноглобулинлар билан боғлиқ, ўзига хос равишда амалга оширилади. Бундан ташқари, К — ҳужайранинг тахминан 20 фоизи С3b комплемент компонентига нисбатан рецепторга эга.

ЛИМФОҚИНЛАР

Гуморал ва ҳужайравий иммунологик жавоб реакцияларини келтириб чиқарувчи компонентнинг — иммунитетни ҳосил қилишдаги ўрни жуда муҳим. Қўпчилик ҳужайравий реакцияларнинг амалга ошишида гормонларга ўхшаш эфектор молекулалари иштирок этади. Бундай молекулалар иммунологик жавоб жараёнда медиаторлик вазифасини бажаради. Барча иммунологик медиаторларни, уларнинг бажарадиган вазифалари ҳамда эфектор ёки мўлжал — ҳужайрага нисбатан кўрсатадиган таъсирига қараб таснифлаш

мумкин. Іммунологик тизим фаолиятига қараб медиаторларни иккى асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

— эфектор вазифасига эга бўлган моддалар ва эфектор — ҳужайра вазифасини ўзгартира оладиган модда — омиллар. Бугунги кунда мўлжал — ҳужайраларга муносаб равишда цитотоксик ва цитостатик таъсир кўрсатувчи турли хил субстанциялар ажратиб олинган. Лимфокинлар (лимфоцит ёрдамида вужудга келувчи субстанциялар), монокинлар (мононуклеар фагоцитлар томонидан ишлаб чиқариладиган турли моддалар) ва цитокинлар (фибробласт ва бошқа ҳужайралар томонидан амалга ошириладиган синтез) шундай



12-расм. Бавосита-ҳужайра ифодалайдиган иммунологик жавоб реакцияси соҳаси. Антигенин тавсия қилувчи ҳужайралар одатда антигenga маълум миқдорда ишлов бериб, уни ёрдамчи Т-ҳужайраларга узатади. Улар ўз навбатида, В-лимфоцитларни ва турли таъсирга эга бўлган (Тс, НК, К, макрофаг, гранулоцит) ҳужайраларни ҳаракатга келтиради. Бундай таъсир асосида лимфокин ва цитокинларнинг фаол иштироқи ётади.

субстанциялар ҳисобланади (12-расм). Лимфокинларга — лимфотоксин (ЛТ) киради. ЛТ — бу цитотоксин ва цитостатик медиатор бўлиб, у Т, В — лимфоцитлар ҳамда НК — ҳужайралари ёрдамида ажратиб чиқарилади. У ўз таъсирини аллергик реакциялар давомида, пато-

генни организмдан чиқарып ташлаш вақтида күрсатади. Бу медиатор оқсил комплексидан ташкил топиб, уч хил шаклда учрайди ($\text{LT}\alpha$, β , ва γ). Эффектор медиаторларидан яна бири лейкорегулиндир (LR). Бу медиатор табиий қотиллик хусусиятига эга. У ФГА (фитогемаглютинин) билан рағбатлантирилган мононуклеар фагоцит ҳамда $\text{K} - 562$ чизигига таалуқли ҳужайралар таркибидан ажратилади. LR — медиатор сифатида, одамдаги глиобластома ҳужайрасидаги ДНК — синтезиниң сүндиряди.

Табиий киллер, цитотоксик омил (ТКЦО) — бу жуда самарадор медиатор бўлиб, турли ўсимликлардаги мўлжал — ҳужайраларга цитотоксик таъсир кўрсата олади. У одамдаги периферик қон лимфоцитлари ёрдамида юзага келади. Бундан ташқари, одам организмидаги моноцитлар цитотоксик омил (ЦО) деб аталадиган монокининг синтезида иштирок этади. Бу медиатор турли ҳужайралар таркибида ДНК синтезини сўндирувчи хусусиятига эга. Одамдаги нормал глобулин (ОНГ) ҳам медиатор ҳисобланади. У зардоб таркибидаги ноёб модда сифатида учрайди. ОНГ ўсимталарга қарши жиддий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Бошқа турдаги бир қанча медиаторлар, иммуномодуляторлар деб аталган. Бундай медиаторлар таркибига интерферон (IF) ва интерлейкин (IL) киради. Интерферонлар — бу гликопротеидларнинг гетероген гуруҳи бўлиб, организм таркибида микроорганизмларга жавобан ажратилиб чиқарилади. Бу медиатор NK ҳужайраларининг цитотоксик фаоллигини кучайтиради, мўлжал — ҳужайра цитолизида фаол қатнашади. Интерферонларнинг ҳозирги кунда маълум бўлган уч тури мавжуд (α , β ва γ), уларнинг ҳамжиҳатникдаги таъсир кучи, алоҳида таъсир кўрсатишини қараганда сезиларли бўлади. Интерлейкин — 1 оқсил модда, унинг молекуляр оғирлиги $12-13 \times 10^3$ га тенг, синтезини макрофаглар амалга оширади. Одам организмининг паразит микроорганизмларига қарши курашувчи асосий медиатори ҳисобланади. Интерлейкин — 1 ички муҳитни доимий сақлаб турувчи, жигар регенерациясида қатнашувчи ва ўсимталарга қарши кураш олиб борувчи омил саналади. У цитотоксик T — лимфоцит, K ва мононуклеар фагоцитларнинг фаоллигини янада кучайтириб беради. Интерлейкин — 2 ёки T — ҳужайранинг улғайиш омили турли лимфоид ҳужайраларидан ажратилиб чиқарилади, у цитотоксик T — лимфоцит ва NK — ҳужайранинг функционал фаоллигини янада оширади.

Медиаторлар оиласи

| Оила | Вакиллары | Содир бўлиш жойи | Таъсири |
|--|--|--|---|
| Интерферон | α —интерферон (IFN α) β —интерферон (IFN β) γ —интерферон (IFN γ) | лейкоцит — T, К—хужайра | вирусга қарши вирусга қарши макрофаг фаолланishi, лимфоцит адгезияси |
| Интерлейкин | интерлейкин 1 α IL—1 α интерлейкин 1 β IL—1 β интерлейкин 2 IL—2 интерлейкин 3 IL—3 интерлейкин 4 IL—4 интерлейкин 5 IL—5 интерлейкин 6 IL—6 | макрофаг, В—хужайра, катта грануляли лимфоцит T—хужайра T—хужайра T—хужайра T—хужайра T, В—хужайра макрофаг | лимфоцит фаолланishi, макрофаг стимуляцияси, лейкоцит адгезияси T—хужайра ўсиш омили колония ҳосил қилишини рагбатлантируви омили В—хужайра ўсиш омили В—хужайра ўсиш ва даражаланиш омили В—хужайра ўсиш ва даражаланиш омили |
| Ўсимтадарнинг некроз омили | TNF α TNF β тимфотоксин | макрофаг, лимфоцит, Т—хужайра | макрофаг, гранулоцит ва цитотоксик хужайраларнинг фаолланishi |
| Колония ҳосил қилишини рагбатлантирувчи омилар | макрофагининг M-CSF гранулоцитнинг G-CSF макрофаг ва гранулоцитнинг GM-CSF | моноцит макрофаг T—хужайра, макрофаг | бўлиниш ва даражаланишини рагбатлантириш |

Интерлейкин—3 Т — хедпер лимфоцитлар ёрдамида синтезланади. Унинг асосий хусусиятларидан бири пролифератив жараёнини жадаллаштиришdir, у тўқима базофиллари сонини назорат этиб туради. Бугунги кунда, қашф қилинган интерлейкинлар сони тобора ошиб бормоқда, улар ва бошқа медиаторлар тўғрисидаги қисқача маълумот 6- жадвалда акс эттирилган.

Медиаторларнинг яна бири, ўсимликларнинг некроз омили таърифига алоҳида тўхталиш зарур. Организмда бу омил бактериал инфекция чоғида ҳосил бўлиб, сич-

қонлардаги ўсимталарнинг нобуд бўлишига олиб кела-ди. Дастреб, бу омил (tumor necrosis factor) ўсимталарга қарши жавоб хусусиятига кўра ажратиб олинган эди, кейинчалик маълум бўлишича у иммунологик жа-воб ва яллиғланиш реакцияларида ҳам марказий боши-қарувчи молекула вазифасини бажарап экан. Бу мод-да цитокинлар оиласига киради. Полипептидинг тар-кибини 157 аминокислота ташкил қиласди. 1984 йилда шу омилни кодлайдиган геннинг клонлаштирилиши амалга оширилди. Демак, ўсимталарнинг некроз омили иккι асосий вазифани бажаради, яъни ўсимталар ўси-шини назорат қилиш ва микроорганизмларга қарши курашиш. Бу омил синтезини макрофаглар амалга оши-ради.

Иммунологик тизимнинг бошқа медиаторлари тўғ-рисида ҳам маълумотлар олинган (уларнинг баъзила-ри 5-жадвалда кўрсатилган). Улар орасида диққатни ўзига жалб этувчиларидан бири бу антитана ишлаб чи-қарувчиларнинг рағбатлантирувчиси бўлиб, унинг асо-сий вазифаси В — лимфоцитнинг антитана ишлаб чи-қариш жараёнини жадаллаштиришdir.

ИММУНОЛОГИК ЖАВОБДАГИ ГЕНЕТИК НАЗОРАТ

Маълум бўлишича, иммунитет тизимида, ҳаттоқи од-дий антигенга нисбатан содир бўладиган ҳар қандай жавоб реакцияси, гистомансублик комплексининг маъ-лум бир қисмидан жой олган ўзига хос ген ёрдамида назорат қилинади. Мана шундай назоратга дахлдор генлар, ўзига хос иммунологик жавоб генлари деб ата-лади (IR — ген, immune response).

Иммунитет тизимини ўрганиш жараёнида бундай фавқулоддаги ҳодисанинг рўй бериши, ҳайвон организмига киритилган оддий аминокислотали полимернинг иммуногенлик хусусиятини текшириш натижасида юза-га келди. Масалан, H2b — гаплотипига эга бўлган сич-қонлар сунъий, тармоқланиб кетган (T, G) — A — L полипептидига нисбатан жуда юқори жавоб берсалар, H — 2K гаплотипли сичқонлар эса шу полипептидга қарши ўта паст реакция билан жавоб қайтаради. Бошқа сўз билан таърифлаганда, H — 2 в гаплотипли сичқон-лар (яъни H — 2 комплексининг маълум бир ген гуру-ҳига эга бўлган) — (T, G) A — L га нисбатан юқори ре-актив ҳисобланади. Бунинг сабаби, H — 2 комплекси-дан ўрин олган, махсус IR генларнинг борлигида. Бош-қа сунъий полимер — (H, G) — A — L (тироzin ўрнига

гистидин киргизилган) билан иммунизация қилингандык сичқонлардаги иммунологик жавоб реакциясынинг ҳолаты, умуман тескари бўлиб (T , G)— A — L га нисбатан суст жавоб берувчи сичқонлар, бошқа полимерга нисбатан ўта реактив бўлиб чиқди. Шундай қилиб, ушбу чизиққа тааллуқли сичқонларнинг юқори ва паст жавоб реакциялари антigenнинг хусусиятига боғлиқ бўлади. Бундай боғлиқликни фақат аниқ тузилмага эга бўлган антигенларни таққослаш йўли билан аниқлаш мумкин, чунки ҳар бир антиген детерминантасига нисбатан бўлган иммунологик жавоб реакцияси, алоҳида IR — ген билан назорат этилади. IR — ген маҳсулотларининг функционал фаоллиги биринчи навбатда уларнинг ўзига хос хусусиятига боғлиқ. Лекин, юқорида келтирилган мисолда T — ҳужайра фаолияти кўзда тутилган бўлса, бу B — ҳужайраларга тааллуқли эмас, чунки реактив ва ареактив ҳайвонларда B — ҳужайралар ўртасида фарқ деярли йўқ, яъни улар ушбу антигенга нисбатан антитаналарни яхши ишлаб чиқаради. Мана шу охири жумлада, IR — генларининг иккинчи жиҳати ўрин олган; улар фақат T — лимфоцитларининг реактивлигини ифодалаб беради (хелпер, ўта сезувчанликнинг секинлашган турдаги эфекторлари, пролиферацияга учрайдиган T — ҳужайралар ва бошқалар). IR — генларининг тўғридан-тўғри реактив T — лимфоцитлари билан бўлган алоқаси, уларнинг яна бир сифатини яққол кўрсатиб беради. Улар ўз реактив хусусиятларини ҳар қандай оқсил детерминантасига нисбатан кўрсатиб қолмасдан, балки фақат T — лимфоцит пайқайдиган детерминантларга нисбатан кўрсатади.

Турли антигенларга нисбатан иммунологик жавоб хусусиятларини батафсил ўрганиш натижасида шу нарса аён бўлдики, гистомансубликнинг бош комплексидан ўрин олган $I\ R$ — генларнинг иммунологик жавоб назорати умумий қоида ҳисобланади. Сичқонлар организмида, кўпгина антигенларга қарши содир бўладиган иммунологик жавоб реакцияси, МНС нинг $I-A$ ҳудудида жойлашган ген (генлар) ёрдамида назорат қидинади. Бундан ташқари, яна бир бошқа катта гуруҳ антигенларига қарши мавжуд бўладиган иммунологик жавоб, ушбу комплекснинг $1-E$ ҳудудидаги генлар назорати остида ётади. Бамисоли қоида каби, $I-E$ ген назорати билан юзага келадиган иммунологик жавоб учун, $I-A$ ҳудудининг «жавоб берувчи» аллеллари ҳам бўлиши лозим. Бу жавобнинг ривожи учун МНС нинг

ҳам у, ҳам бу ҳудудларининг «жавоб берувчи» генлари бўлиши керак.

Ҳозир, I R — генлар ёрдамида амалга ошадиган иммунологик жавоб реакцияси, турли хил антигенларга нисбатан ўрганилиб, баён этилган, бу айниқса сичқон организмида батафсилоқ текширилган. 7- жадвалда турли антигенларга нисбатан ўрнатилган IR — ген назорати акс эттирилган.

7- жадвал

МНС-қошидаги турли антигенларга нисбатан IR-генлар назорати.

| Антигенлар | МНС-локуслари | | |
|--|----------------------------|-----|---|
| | I—A | I—E | |
| Аминокислота полимерлари Поли /Cly. ALa, Tug/ «—»/«—» Lys. ALa/ «—»/«—»«—» Phe «—»/«—»«—» Tug/ /T, G—A—L /Phe, G—A—L | + + + + + + | | + |
| Оқсиллар инсулин лизоцим многлобин цитохром с | + + + + | | + |
| Аллоантигенлар Thy—1.1 миеломали IgA /BALB/c/ | | + | + |

IR — генлар иммунологик жавобнинг турли турларини келтириб чиқаради. Тимусга боғлиқ бўлган антигана жавоби; ўта сезувчанликнинг секинлашган тури; МНС — рестрикциялашган хелпер ва пролифератив жавоби, лимфокин ишлаб чиқарувчи Т — ҳужайраларни ҳосил қилиш; антигенспецифик цитотоксик Т — ҳужайраларнинг етишуви шулар жумласидан. Иммунологик жавобнинг IR — генлар назорати фақат МНС бўйича чегараланган Т — ҳужайралар иштироқида амалга ошади, яъни IR — генига боғлиқ бўлган Т — ҳужайра жавоби МНС — маҳсулотлари воситасида чегараланган (рестрикциялашган) бўлади. Рестрикция элементларини назорат қилувчи генларнинг ўзлари ҳам МНС нинг II синф генлари орасида ётади. Бугунги кунда тўпланган далилларга кўра, рестрикция элементла-

ри қиёфасида МНС комплексининг II синф молекулалари бош кўтарили. Юқорида эслатиб ўтилганидек, IR — ген (генлар) цитотоксик T — лимфоцитларининг жавобини ҳам назорат эта олади. Маълум бўлишича баъзи бир цитотоксик T — лимфоцитлар, мўлжал — ҳужайра унга специфик бўлган антиген экспрессиясини амалга оширган ҳолдагина, функционал жиҳатдан фаол бўлишлари мумкин.

Цитотоксик T — лимфоцит бир вақтнинг ўзида ҳам бегона антиген, ҳам Н — 2К ва Н — 2D ҳудудининг ген маҳсулотларини аниқлай олади. Бунда, цитотоксик T — лимфоцитлар томонидан аниқланадиган рестрикция элементлари МНС — нинг I синф молекулалари ҳисобланади (МНС нинг К ва D вилоятлари). Масалан, А — грипп вирусига бўлган цитотоксик жавоб, Н — 2 комплексидаги К локус генлари ёрдамида амалга оширилди, Сендей вирусига эса Н — 2 локус гени дахлдор.

IR — ГЕН МАҲСУЛОТИНИНГ ТАБИАТИ

I R — ген функциясини плазматик мембронадаги I а — молекула бажариши исботланди. Буни исботлайдиган биринчи далиллар инбред денгиз чўчқаларининг T — ҳужайраларини ўрганиш жараёнида кўзга ташланган (улардан бири 2 — реактив чизиқ ва иккичиси 13 — ареактив чизиқ). Бу икки чизиқда тааллуқли ҳайвонлар бир-бирларидан I — соҳа бўйича фарқ қилгандар учун, IR — генининг фаолияти учун албатта Ia оқсилларининг экспрессияси кераклигини кўрсатиб берди. Демак, I R — генлар функцияси, T — ҳужайралар билан алоқада бўлган баъзи бир ҳужайралар сафида амалга ошади. Мана шундай ҳужайралардан бири антигенини тавсияловчи ҳужайра ва B — лимфоцит бўлиши мумкин. Иммунологик жавоб реакцияси жараёнида I R — генларининг функционал таъсири асосини қисқача қилиб шундай ифодалаш мумкин: бош гистомансублик комплекси бўйича рестрикцияланган T — ҳужайра бир вақтнинг ўзида бегона антигеннинг эпипотопи (алоҳида антиген детерминант) ва II синф молекулаларининг гистотопи (антигенини тавсия этувчи ҳужайра ташқисидаги II синф молекуласининг қисми) фарқ қиласиди. Лекин, ушбу антигенга нисбатан организм ареактив бўлиши мумкин, чунки унда антигенга қарши нормал иммунологик жавобни келтириб чиқарувчи I R — ген мутлақо бўлмаслиги мумкин. Бунинг устига, шу ареактив организм таркибида бу антиген, тавсияловчи ва


В — ҳужайралардаги I а тузилмалар билан ўзаро келишмовчи жуфтликни келтириб чиқаради. Бу деган сўз, ёки антиген ва I а — молекуласи ўртасида умумман ягона комплекс содир бўлмайди, ёки бу комплекс бунёдга келса ҳам, унда ўзига хос Т — ҳужайралари бўлмайди (бошқача қилиб айтганда, бу Т — ҳужайра репертуаридаги нуқсон ҳисобланади). Ниҳоят, I R — генлар назорати туфайли амалга ошадиган иммунологик жавоб, МНС гаплотиплари ва одамнинг баъзи бир хасталиклари асосида ётиши ҳам мумкин.

ИММУНОЛОГИК ТОЛЕРАНТЛИК

Иммунологик толерантлик — бу организмнинг, ўзига хос антигени билан иммунологик реакцияга киришиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотиш ҳолати ҳисобланади. Бошқача ифодаланганда толерантлик-иммунологик жавобнинг ҳозир бўлмаслиги ёки иммунологик ареактивлик демакдир. Бундай ҳолат юзага келишининг бир неча хил сабаблари бўлади. Бу таърифга қўшимча қилиб, генетик жиҳатдан ифодаланган толерант ҳолатни фарқ қилиш кераклигини алоҳида айтиш зарур. Юқорида таъкидланганидек, толерантлик ҳолати ёки қисман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Қисман толерантлик ҳолати намоён бўлганида иммунологик жавоб реакцияси жиддий равишда сустлашади, тўлиқ ҳолатда эса у умуман аниқланмайди. Иммунологик толерантлик ҳолати концепциясининг шаклланиши жараёнiga назар ташлар эканмиз, унинг ривожидаги уч асосий босқични ажратишимииз мумкин. Биринчи босқичда аён бўлдики организмга юқори миқдорда киритилган антиген, унда ўзига хос жавоб бермаслик ҳолатини келтириб чиқаради. Бундай антигенларга — дифтерия токсоиди, пневмококк полисахариди ва баъзи бир оддий кимёвий моддалар мисол бўлиши мумкин. Иммунологик толерант ҳолатни ўрганишдаги иккинчи босқичда аён бўлишича — эмбрионнинг ривожланиш даврида антигеннинг маълум бир вақт ичida сақланиб туриши туфайли, ўзига хос ареактивлик келиб чиқади (дизигот қорамол эгизакларининг гемопоэтик химераси, неонатал сичқон химераси ва бошқалар). Ниҳоят, учинчи босқичда маълум бўлишича толерант ва иммунитет ҳолатларини барча антиген синфларига нисбатан келтириб чиқариш мумкин, у антиген миқдорига боғлиқ бўлади. 1945 йил R. Owen биринчи бўлиб, иммунотолерантлик ҳолатини намойиш қилиб берди. У дизигот

эгизак бузоқларда, монозигот эгизаклардан фарқ қила-
диган, лекин бир организмда учраши мүмкін бўлмаган
қон гурухининг комбинациясини кузатишга муваффақ
бўлди. Унинг тахминига кўра эмбрионлар она қорнида
ривожланаётган вақт давомида, уларнинг йўлдошлари
бир-бирлари билан битиб кетиб, гемопоэтик ҳужайра-
ларнинг алмашинишига олиб келиши керак эди. Мана
шундай ҳолат эритроцитар мозанка ёки ҳужайра химе-
раси деб аталган. Кейинчалик эса, R. Medawar ва
M. Hasek тадқиқот йўли билан худди шундай химера-
ларни яратишга мусассар бўлдилар. R. Medawar таж-
риба давомида янги туғилган сичқон чизигига, иккинчи
сичқон чизигининг талоқ ҳужайраларини киритиши на-
тижасида ўзига хос толерантлик ҳолатини келтириб чи-
қарган. Бундай толерантлик тери трансплантатига
нисбатан содир қилинган (13-расм).

Тахминан, шунга ўхшаш тажрибани M. Hasek ҳам
ўз лабораториясида амалга оширган. У қон томирла-



13-расм. Тери трансплантатига нисбатан содир бўладиган
толерантлик ҳолати схемаси

рини биринчириш йўли билан ривожланувчи қушлар ҳомиласининг парабиоз ҳолатини келтириб чиқарди. Парабиоз туфайли, тажриба учун олинган зотлар бир-бирларига нисбатан ўзаро толерантликка эришади (парабиоз туфайли шерик зотларда тери трансплантатла-ри битиб кетади).

Ушбу олинган далиллар асосида, Бернет ва Феннер иммунологик толерантлик ҳолатини ўрганиш йўналишида оламшумул назарий асосни яратиб бердилар. Бу назарий таълимотга асоссан, ҳар қандай ҳайвон организми бегона бўлган барча макромолекулаларга қарши антитана ҳосил қилиш билан гиперсезувчанликнинг секинлашган тур реакцияси билан жавоб беради, аммо шахсий тўқима компонентларга қарши иммунологик жавоб содир бўлмайди. Демак, улар «ўзлариникини», бегоналардан фарқлаши керак. Бернет ва Феннер фикрларига кўра, тирик организм атоиммунологик реакциялардан муҳофаза этилиши учун ўзининг шахсий компонентларини фарқлай олиш сифатини, иммунологик тизим вояга етгунга қадар орттириши керак. Лимфоид тизимга шахсий антигенларнинг эмбрионал давр орасида таъсири туфайли, организмда ўз молекулалари учун ўзига хос толерантлик ҳосил бўлади. Мана шундай феноменнинг мавжудлиги туфайли организмнинг шахсий компонентларига нисбатан иммунреактив юз бермайди. Шунинг учун агарда бегона ҳужайралар организмга туғилишдан олдин тушса, улар кейинчалик бутун ҳаёт даврида «ўзлариники» деб акс этилади. Шундай қилиб, юқорида баён этилган талқинларга мувофиқ, толерантликни — атоиммун касалликларга қарши яратилган табиий мудофаа механизми деб тасаввур қилиш ўринлидир.

Ҳозирги вақтда маълум бўлишича, толерантлик ҳолатини фақатгина чақалоқларда эмас, балки катта ёшдаги организмларда ҳам келтириб чиқариш мумкин, лекин бунда антигеннинг миқдори анча кўп бўлиши керак. Бундан ташқари баъзи бир антигенларни организмга оз миқдорда, кўп маротаба киритиш йўли билан ҳам толерантлик ҳолатини юзага келтириш мумкин. Шу тарзда антигеннинг миқдорига қараб, толерантликнинг таъсири ва бошқалар толерантлик ҳолатини Антигеннинг миқдори, унинг физикавий хусусияти, организмнинг умумий физиологик ҳолати, генетик омилларнинг «қўйи» ва «юқори миқдорини» аниқлаш мумкин. Юзага келтиришда катта аҳамиятга эга. Жумладан антигеннинг миқдори қанчалик кўп бўлса, толерант-

лик сатхи шунчалик юқори бўлиб, у узоқ вақт давом этади. Айрим тажрибаларда кузатилишича антиген сифатида оқсил қўлланилганида (кекса сичқонларда) ана шу оқсил антигенига нисбатан толерантлик антигеннинг кўп ва кам миқдорида (иммунизация миқдорига нисбатан олингданда) намоён бўлди. Бу ҳолат толерантликнинг юқори ва қуи доиралари деб номланган. Паст доирали толерантлик шу тажрибаларда ареактив Т-хелпер популяциясига мос келган бўлса, юқори доирали толерантлик эса специфик, ареактив Т-хелпер ва В-хужайраларини ифодалайди.

Толерантликнинг содир бўлишида антигеннинг концентрациясидан ташқари унинг организмга киритиш усули ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, кимёвий жиҳатдан фаол бўлган гаптенлар зонд орқали меъда ёки қатқорин венасига киритилса, улар толерантлик ҳолатини келтириб чиқаришни рағбатлантиради. Гаптен билан коњюгацияга келтирилган синген макрофаглари вена орқали организмга киритилса, улар ҳам толерантликни келтириб чиқаради. Иммунологик толерантликнинг келиб чиқиши антигеннинг барқарорлигига (перsistенция) ҳам боғлиқ Толерантлик ҳолатининг узоқ вақтгача давом этиши, антигеннинг организм циркуляциясида бўлган вақти билан ўлчанади. Тирик ва бўлинишга қобилияти бўлган ҳужайраларни организмга киритиш ўйли билан содир қилинган иммунологик толерантлик, шу зотнинг бутун ҳаёти даврида давом этиши мумкин.

Толерантлик ҳолатига жиддий равишда генетик омиллар таъсир кўрсатади. Умумий шаклда бундай боғлиқликни қуидагича таърифласа бўлади, реципиент ва трансплантат орасида генетик фарқлар қанчалик кўп бўлса, толерантлик содир қилиш шунчалик мушкулдир.

Эмбрионга бошқа зоологик турга тааллуқли зотнинг ҳужайраси киритилса, бундай ҳолда толерантлик келиб чиқмайди ёки содир бўлган толерантлик жуда суст ва қисқа вақт давом этади. Яққол намоён бўладиган ва узоқ вақт сақланиб турадиган толерант ҳолатни филогенетик ва бир-бирига яқин қариндош турлар орасида содир қилиш мумкин. Изоантигенлар таркиби билан фарқланувчи организмлар орасида содир бўладиган толерантлик учун юқорида кўрсатиб ўтилган асосий қоида сақланиб қолади, яъни донор ва реципиент ўртасида қариндошлик кучи қанчалик кўп бўлса, толерантлик содир бўлиши шунчалик осон бўлади.

Толерантлик ҳолатининг содир бўлишида лимфоцит популяцияларининг вазифаси катта. Иммунологик толерантлик ҳужайра сатҳида намоён бўлиб, бунинг асосида Т ва В лимфоцит ҳужайраларини фарқ қиласиган хусусият ётади. Дастребки изланишларда Т ва В лимфоцит популяцияларида толерантлик ҳолатининг намоён бўлиш алломатлари ўрганилган. Маълум бўлишича, толерантлик Т ва В лимфоцит популяцияларида бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди. Т-лимфоцитларнинг толерогенлик хусусиятлари, антигеннинг жуда оз миқдорида ҳосил бўлади. В-хужайра толерантлиги учун антигенинг кўпроқ миқдори керак.

Т-лимфоцитларнинг толерантлиги анча тез содир бўлиб, узоқ вақтгача сақланади. В-хужайравий толерантлик секинроқ намоён бўлади ва шу билан биргаликда қисқа давр ичиде сақланаб қолади. 1971 йилга келиб маълум бўлдики толерантликнинг келиб чиқишида Т ва В лимфоцитлар тизимишининг иштироки зарур. Улар биргаликда толерантлик ҳолатини келтириб чиқаради. Бугунги кунда, толерантликни келтириб чиқаришда иккала популяциянинг аҳамияти катта бўлишига қарамасдан алоҳида Т ва В лимфоцитлар толерантлиги ажратилади.

АНТИГЕН ТУҒРИСИДА ТУШУНЧА

Антиген — икки илдиэли сўз бўлиб, унинг асосини анти — қарши ва ген (ДНК фрагменти) сўзлари ташкил қиласиди. Антиген бу шундай тузилмаки, у ўзида генетик жиҳатдан бегона бўлган маълумотни жамлаб, организм таркибида ўзига хос иммунологик реакцияларни келтириб чиқаради.

Оқсил, полисахарид, липо-гликопротеид, сунъий полипептид, юқори молекулали ташувчиларга қўндирилган оддий кимёвий бирикмалар антиген хусусиятларига эга бўлади.

Антиген тушунчасини ўрганишда унинг икки жиҳатини алоҳида фарқ қилишимиз лозим: биринчидан, антиген бу биологик маркер (тамға) ҳисобланса, иккичидан, антиген — бу иммуногендир.

Биологик маркер сифатида антигенларнинг бир қанча ўзига хос сифатларини кўрсатиш мумкин: улар тур антигенлари, қон гурухларининг изоантигенлари, трансплантация антигенлари, орган ҳамда тўқима антигенлари, босқичга хос ва даражали (дифференциялашган) антигенларда намоён бўлади.

Турга оид антигенлар. Организмнинг иммунологик тизими, яқин қариндош бўлган антигенларни фарқ қила олади. Турга хос антигенлар тўғрисида тушунча Nutall (1904) ишларидан маълум. У антиген сифатида бирор ҳайвоннинг зардобини, бошқа ҳайвон организмига киритиб, шу йўл билан қарши зардоб олган. Бунинг натижасида у қўйидаги хулосага келди: агарда, икки ҳайвон тури орасидаги қариндошлиқ қанчалик яқинроқ бўлса, шерик антигенларига йўналган қарши зардоб кучи шунчалик сустрок бўлади. Шак-шубҳасиз, бу ишлар жуда катта аҳамиятга эга, чунки бугунги кунда судтибиёти ходимлари одам зардобидаги оқсилларга қарши антитаналар ёрдамида, унинг қон дорини бошқа ҳайвон қон доғларидан осоу фарқ қила оладилар. Антигенларнинг ушбу турга хос хусусиятлари, ҳайвонот дунёсининг филогенез ва таксономик чигилларини ўрганишда қўлланилади.

Эритроцит антигенлари. 1901 йил, австралийлик олим К. Ландштейнер биринчилар қаторида тур ичидағи антигенлар ўртасидаги фарқни қон гуруҳи тизими (ABO) мисолида яққол исботлаб берди. Бугунги кунда эритроцитларнинг 20 тизими ва унга тааллуқли антигенларнинг 250 дан кўпроғи маълум. Ҳар бир тур орасидаги антигенларнинг жон эгасига тегишли бўлган фарқи изоантиген ёки аллоантиген деб аталади. Аллоантигенлар — бу холис, генетик жиҳатдан ифодаланган биокимёвий тузилмалар ҳисобланади. ABO тизими мисолида кўриш мумкини, аллоантигенларнинг асосини полисахарид комплекс ташкил қилган. Ушбу тизимга кирган антигенлар маълум бир аллоспецифик вариантлардан иборат. Масалан, A (I) антигени — A_1 , A_2 , A_3 , A_4 , A_6 , A_x ва бошқа хил аллотиплар қўёфасида намоён бўла олади. A (II) қон гурухига эга бўлган шахсларда A_1 антигени 80 фойизни, A_2 эса фақат 15 фойизни ташкил қиласади. Ушбу антигеннинг қолган бошқа аллотиплари нисбатан жуда кам учрайди. 1924 йилда Бернштейннинг илмий текширишлари туфайли, ABO қон гуруҳ тизими одамдаги ген локусининг бир қанча аллел сериялари ёрдамида назорат қилиниши маълум бўлди. 25—30 йил ўтгач Винер, Левин ва Ланштейнер каби олимлар ҳамжиҳатлигига эритроцит антигенларининг яна бир муҳим хусусияти, резус фактор тизими борлиги аниқланди.

Бу тизимга оид бўлган антигенлар асосан эритроцитларнинг мембрана таркибида намоён бўлиб, бошқа биологик суюқликларда эримаган ҳолатда учрайди.




Қон қүйиң реакциясіда иштирок қыладиган бешта катта қон түрүнің тизимлари

| Система | Ген локуси | Антителар | Фенотиппінг учраши | | | | | | | | | | | | |
|-------------------|--|---|---|-----------------|-----|-----|-----------------|----|-----|-----------------|-----|-----|----|--|------|
| ABO | 1 | A, B ёки 0 | <table> <tr><td>A</td><td>42%</td></tr> <tr><td>B</td><td>8%</td></tr> <tr><td>AB</td><td>3%</td></tr> <tr><td>O</td><td>47%</td></tr> </table> | A | 42% | B | 8% | AB | 3% | O | 47% | | | | |
| A | 42% | | | | | | | | | | | | | | |
| B | 8% | | | | | | | | | | | | | | |
| AB | 3% | | | | | | | | | | | | | | |
| O | 47% | | | | | | | | | | | | | | |
| РЕЗУС (Phesus) | Учта, яқин жойлашған локусларнинг бош антигени | C ёки c D ёки d E ёки e | <table> <tr><td>85%</td></tr> <tr><td>15%</td></tr> </table> | 85% | 15% | | | | | | | | | | |
| 85% | | | | | | | | | | | | | | | |
| 15% | | | | | | | | | | | | | | | |
| КЕЛЛ (Kell) | 1 | K ёки k | <table> <tr><td>K</td><td>99%</td></tr> <tr><td>k</td><td>91%</td></tr> </table> | K | 99% | k | 91% | | | | | | | | |
| K | 99% | | | | | | | | | | | | | | |
| k | 91% | | | | | | | | | | | | | | |
| ДАФФИ (Duffy) | 1 | Fy ^a , Fy ^b ёки Fy | <table> <tr><td>Fy^a</td><td>Fy</td><td>46%</td></tr> <tr><td>Fy^a</td><td></td><td>20%</td></tr> <tr><td>Fy^b</td><td></td><td>34%</td></tr> <tr><td>Fu</td><td></td><td>0,1%</td></tr> </table> | Fy ^a | Fy | 46% | Fy ^a | | 20% | Fy ^b | | 34% | Fu | | 0,1% |
| Fy ^a | Fy | 46% | | | | | | | | | | | | | |
| Fy ^a | | 20% | | | | | | | | | | | | | |
| Fy ^b | | 34% | | | | | | | | | | | | | |
| Fu | | 0,1% | | | | | | | | | | | | | |
| MN | 1 | M ёки N | <table> <tr><td>MM</td><td>28%</td></tr> <tr><td>NN</td><td>50%</td></tr> <tr><td>BN</td><td>22%</td></tr> </table> | MM | 28% | NN | 50% | BN | 22% | | | | | | |
| MM | 28% | | | | | | | | | | | | | | |
| NN | 50% | | | | | | | | | | | | | | |
| BN | 22% | | | | | | | | | | | | | | |

Жадвалда көлтирилған фенотипларнинг учраши Европоид ирқи учун мансуб.

Резус тизимиға кирған антигенларни кодлайдыган генлар, бир-бiri билан үзаро тиркалған учта локусда ётиб, бир қанча аллелларни үз ичига олади. Тизимнинг асосий аллеллари 8- жадвалда күрсатылғандек, қуйдагилардан иборат: D/d, C/c, E/e.

Kell, Duffy, MN эритроцит тизимлари, ABO ва Rh тизимларыга нисбатан сұстурук сезувчанликни вужудда көлтиришларига қарамасдан улар тақрорий қон қүйиң ва тақрорий ҳомиладорликда жуда катта ажамиятта әзге. Резус тизимининг организм учун муҳиммилігини 14-расмда көлтирилған схемадан күриш мүмкін. Биринчи ҳомиладорлик даврида она организміда чақалоқнинг RhD мусбат антигени ўрин олған бўлиб, унга

| Биринчи ҳомида | Келгуси даср | Кейинги ҳомида |
|---|---|---|
|  |  |  |

14-расм. Чақалоқнинг гемолитик ҳасталиги (изохи текстда көлтирилган)

қарши антитаналар ҳосил бўлади. Такрорий ҳомида-дорлик юзага келиши биланоқ, чақалоқ ва аёл ўртасида RhD келишмовчилик содир бўлади ва унинг натижасида аёлнинг RhD+ антитаналари чақалоқ эритроцитларини лизисга (парчаланиш) олиб келади. Бунинг оқибатида чақалоқ болаларда гемолитик ҳасталик вужудга келади. Бу касалликнинг олдини олишнинг ягона йўли — бу ҳавф гуруҳига кирувчи аёллар организмига — антитаналарни киритиш ҳисобланади.

Демак, эритроцит антигенлари мураккаб тузилмалар бўлиб, ўзларининг тузилиши билангина фарқ қилимай, ҳосил бўлиш механизми, функционал аҳамияти ва тутган ўрни билан ҳам фарқ қиласди. Оқ қон ҳужайралари таркибида учрайдиган лейкоцит антигенлари ҳам аллоантигенлар оиласини ташкил этади, уларни бошқачасига трансплантацион антигенлар деб ҳам атасади.

Трансплантацион антигенлар. Бу антигенларни трансплантацион антигенлари деб аталиши бежиз эмас, чунки улар донор ва реципиент орасида бўлган орган ва тўқима трансплантацияси натижасини аниқлаб беришда етакчи ўрин эгаллайди. Трансплантацияга онд (одам ва ҳайвонлар организмидаги аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш) тажрибалар кўчириб ўтказилган ножинс аъзоларни битиб кетмаслигининг асосий

сабаби, донор ва реципиент трансплантанти (күчирилиб ўтказилган аъзо, тўқима) орасидаги бўлган генетик келишмовчиликлар эканлигини, битиб кетмасликнинг асосий механизми — иммунологик механизмларни кўрсатди. Ушбу йўналишдаги илмий текширишлар антигенларнинг гистомансублик тизимини кашф этилишига олиб келди.

Гистомансубликнинг асосий ёки бош комплекси (Major Histocompatibility Complex) сичқон ва одам организмларида батафсилоқ ўрганилган. Сичқонларда катта гистомансублик комплекси (БГК) 17 хромосомада жойлашган бўлиб, H-2 (H — Histocompatibility) номини олган. Дастроб, H-2 тизими таркибида иккита ўзаро улашган локуслар, H-2K ва H-2D аниқланган, улар трансплантацион антигенлар синтезини кодлаш вазифасини амалга оширади. Қейинчалик шу антигенлар серологик, яъни зардоб усули ёрдамида аниқлангандар учун, серологик аниқлагичлар (Serologically Defined) деб аталган. Сўнгги йиллар ичida, H-2 комплекси бўйича рекомбинат бўлган сичқонлар қаторида яна бир Ia — антигенларига масъул бўлган қисм кашф этилди. Ia — қисмга қарашли генлар (J — иммунологик, a — associated) иммунологик жавоб генлари деб ҳам аталади (Imtune Response, иммунологик жавоб). Ia, H-2K ва H-2D ген маҳсулотлари бегона антигенлар билан бўлган бирламчи контактда муҳим ўрин эгалайди.

Одам организмидаги H-2 комплексининг аналоги HLA (Human Leucocyte Antigen, яъни одам лейкоцитларининг антигенлари) тизими ҳисобланади. Улар илк бор лейкоцит мембраналарининг таркибида топилган. Ҳозирга келиб, бу антигенлар фақат лейкоцитлар таркибида эмас, балки ҳамма ядрога эга бўлмиш ҳужайраларда учраши маълум бўлди. Шунинг учун маҳсус илмий адабиётларда лейкоцит антигенлари бошқачасига HLA тизимига тааллуқли генлар маҳсулоти деб келтирилади.

HLA — тизими оиласвий мультигенлар вакилидан иборат бўлиб, улар олтита локусни ташкил қиласди: HLA — A, B, C, D, DQ, DR, DP.

Ҳар бир локус ўз ичига бир қанча аллел генларни олган. Ҳозирда HLA — комплексига кирган генларнинг сони 160 дан кўпроқ. Ушбу генлар тўдаси (кластер) ҳозирда маълум бўлган барча генетик тизимлар орасида энг полиморф яъни кўп вакиллик деб ҳисобланади. Шу туфайли ер юзида, HLA — генлари ниҳоятда мос

келадиган индивидларни учратиш мушкул. Тұлиқ мос келишлик фақат әзізак (бір тухум ұжайрадан ривожланған) организмлардагина бўлади.

Одам организмни учун HLA нинг аҳамияти жуда катта. Маълум бўлишича, ҳар бир иммунологик реакциянинг асосида молекулалар орасидаги ўзаро «танишувлик» жараёни ётиб, бунда танишувлик вазифасини, асосан, биринчи ва иккинчи синфга оид бўлган HLA — молекулалар ёки антигенлар амалга оширади. Бундан ташқари, HLA — тизимига дахлдор бўлган ген маҳсулотлари (гликопротеин ёки антиген) иммунологик жавобни назорат этиб, Т — лимфоцит ва макрофаг орасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳамда Т ва В лимфоцит субпопуляциялари оралиғидаги ўзаро таъсирини аниқлаб беради. HLA — антигенларига хос бўлган вазифалар якуний ҳисобда нормал иммунологик механизмларнинг вужудга келишини ифодалайди. HLA — тизимини ўрганиш чоғида олинган илмий далиллар бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги кенг кўламда қўлланилмоқда. Бунга орган ва тўқималар трансплантацияси, турли патологик ҳолатларда шахснинг генетик мойнллик хусусиятини ўрганиш ва бошқалар мисол бўла олади.

Тўқима ва аъзо антигенлари. Тўқима ва аъзо антигенлари, тўқима ва аъзолар ривожланишидаги маълум бир босқичларда ҳосил бўлиб, жараёнлар сўнгига қадар ҳозир бўлади. Мисол тариқасида, иммуноэлектрофорез ва иммунодифузия услугублари ёрдамида сичқонларнинг кўз гавҳаридаги учта оқсили фракциясига тегишили 11 антигенларнинг аниқланишини келтириш мумкин. Альфа, бетта ва гамма фракциялар таркибида кирган 11 антигенлардан тўққизастаси аъзога хос ёки органоспецифик антигенлар бўлиб чиқди. Улар эмбрионал даврининг 10—12 кунларида пайдо бўлиб, кейинги ҳаёт даврида сақланиб қолади. Бошқа илмий изланишда эса товуқларнинг кўз пардаси текширилиб уларда 11 та антигенлар борлиги аниқланди Шулардан фрактигине бир антиген тўр пардасига тааллуқли бўлиб ўзиға хос хусусиятни намоён этди. Бу антиген, эмбрионал даврининг еттинчи кунида пайдо бўлиб ҳаётини охирги кунларигача сақланиб қолади.

Тўқимага хос антигенлар дифференцияга (даражаланиш) етган аъзо ва тўқималар ҳамда эмбрионал индукция муаммоларини ечиш борасида қулай маркерлар сифатида ишлатилиши мумкин.

Даражаланишга етган ұжайра антигенлари. Маълумки, ұжайранинг ривожланиш йўли унинг даражаси

ланишга етмаган босқичидан бошланиб, то етук, функционал жиҳатдан фаол шаклланишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бунда у бир неча маротаба морфологик ва биокимёвий ўзгаришларга учрайди. Бунинг оқибатида ҳужайранинг ташқи қаватида антигенлар хусусиятига эга бўлган тузилмалар ҳосил бўлиб, улар шу давр ичидаги ўз лиbosларини бир неча бор алмаштиради. Антиген маркерлар ҳужайралар ўзгаришининг пассив гувоҳлари ҳисобланади, лекин улар бир гистогенетик йўл билан ривожланаётган ҳужайралар популяциясини дискрет, яъни ажратилган ҳолатда таҳлил қилишда ниҳоятда қулайдир. Бунга мисол сифатида лимфоцитларнинг дифференциал антигенларини олиш мумкин. Т ва В лимфоцитларни микроскоп остида кўрилганда, бир-бирини фарқ қилиб бўлмайди, лекин уларни ташқи қаватидаги тузилмаларини (маркерларини) серологик услугуб билан ўрганиб фош қиласа бўлади. Масалан, сичқонлар тимусида содир бўлган ҳужайралар (T -лимфоцит) — антигенига эга бўлса, B -лимфоцитлар бундан мустасно. Ушбу антиген лимфоцитлар таркибида, без гормонлари таъсири туфайли пайдо бўлиб, кейинчалик шу ҳужайра типига мойил барча сиртқи органларда сақланиб қолади. V — ҳужайранинг ҳам ўзига хос антиген маркерлари мавжуд, улар T — ҳужайраларда деярли учрамайди. Сичқонларда маркер MBLA (mouse bone marrow Lymphocyte antigens) номини олган. Бугунги кунда T ва V лимфоцитлар ўз навбатида бир қанча субпопуляцияларга фарқланиши маълум бўлган. Улар орасида хелпер (ёрдамчи), супрессор (сўндирувчи) ва киллер (қотил) субпопуляцияларини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу субпопуляциялар ўзига хос маркерлари билан фарқ қилибгина қолмай балки бажарадиган вазифалари билан ҳам кескин фарқ қиласи. Ҳужайра маркерлари тўғрисидаги маълумотлар билан батафсилроқ тегишли 'бобда' ташишингиз мумкин.

Антиген — иммуноген. Антигеннинг иммунологик жавобдаги тутган ўрни.

Антигеннинг организмига тушиши натижасида уч хил асосий иммунологик таъсир жавоби юзага чиқади: ҳужайравий иммунитет (кучайган сезувчанликнинг секинлашган тури, трансплантацион иммунитет, инфекцияларга қаршилик), гуморал иммунитет (антитаналар маҳсулоти, кучайган сезувчанликнинг секинлашган тури) ва иммунологик толерантлик.

Антиген тўғрисидаги тушунча қўйидаги хусусият-

ларни ифодалайди: иммуногенлик, толерогенлик ва антигеннинг ўзига хослиги. Иммуногенлик — бу иммунологик жавобни келтириб чиқариш хусусияти (хужайравий ёки гуморал). Толерогенлик — бу ўзига хос иммунологик жавобни келтириб чиқармаслик хусусияти (хужайравий ёки гуморал иммунитет). Антиген специфиллиги — бу антитана молекуласидаги боғланиш марказининг табиатини акс эттириб, ушбу антигеннинг антитана билан бўлган ўзаро муносабатига таъсир жавобидир. Юқори молекулали оқсил моддалар энг кучли иммуноген ҳисобланади. Маълум бир шароитларда иммуногенлик хоссаларига полисахаридлар, сунъий полимерлар (поливинилпиролидон) ҳам эга бўлади. Нуклеин кислоталар ва ёф соф ҳолатда иммуноген ҳисобланмайди, аммо улар бошқа моддалар билан бириктирилганда, масалан, нуклеопротеид ва липопротеинлар кўринишида кучли иммуногенлик хусусиятини орттиради. Антигеннинг иммуногенлик хусусияти бир қатор омиллар таъсирига боғлиқ. Бугунги кунда бирикмаларнинг иммуногенлик хусусиятиларини ифодалаб берувчи омиллар тўғрисидаги тушунчамиз тўлиқ эмас, лекин шунга қарамай, моддаларнинг иммуногенлигини келтириб чиқарадиган баъзи бир шароитлар бизга аён. Улар жумласидан моддаларнинг ўзгавийлик хусусиятлари ва организмнинг иммунологик жавобга бўлган қобилиятини айтиб ўтиш мумкин. Заррачаларнинг ҳажми (катта-кичиклиги) иммуногенлик хусусиятини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади. Моносахарид, аминокислота, ёф ва шуларга ўхашаш кичик молекулали моддалар иммуногенлик хусусиятидан маҳрум. Модда иммуногенликини намоён этиши учун маълум бир молекуляр оғирликка эга бўлиши керак. Аниқланишига қараганда, 10 килодальтондан (КД) камроқ бўлган моддаларнинг нисбий оғирлиги, уларнинг суст иммуногенлик хусусиятларини ифодалайди. Нисбий молекуляр оғирлиги бир қанча миллион дальтонни ташкил қилган моддалар, масалан, гемоцианнин иммуноген ҳисобланади.

Иммунологик тизим, шахсий ва генетик жиҳатдан бегона маҳсулотларни фарқлаш қобилиятига эга, шу туфайли иммунологик жавоб биринчи навбатда бегона тузилмаларга нисбатан содир бўлади. Бу дегани, модда иммуноген бўлиши учун бегоналийк хусусиятига эга бўлиши керак. Масалан, ҳўқиз зардобининг альбумини шу организмга нисбатан иммуноген ҳисобланмайди, лекин у қўён организмига киритилганда, унда


Сунъий полипептидлар. Кўпчилик табиий антигенлар (оқсил, полисахарид ва бошқалар) мураккаб молекула ҳисобланаб, уларга нисбатан организмда иммунологик жавоб содир бўлади. Бундай реакция мураккаб тузилманинг ҳар бир алоҳида антиген детерминантасига нисбатан келиб чиқади. Организм ҳаттохи кимёвий соғ оқсил антигени билан иммунизацияланса, унда ҳар сафар бир қанча турга мансуб антитаналар ҳосил бўлади. Шунинг учун, антигеннинг молекулар таъсири механизмлари ҳақидаги кўп маълумот гаптенлар ёрдамида олинган. Сўнгги йиллар ичida синтез қилинган сунъий полипептидли антигенлар, табиий антигенларнинг жуда қулай аналоглари ҳисобланади, улар ҳам ҳужайравий, ҳам гуморал иммунологик тур реакцияларини содир қиласди. Сунъий полипептидларнинг тажрибада қўлланиши айрим афзаликларга эга. Бу афзаликлар орасида энг муҳими, уларнинг ўзига хослиги ва чегараланган детерминанта спектрларига эга эканлигидир. Сунъий полiamинокислоталар ёрдамида, антитаналарнинг исталган доирасини яратиш мумкин. Бу гуниги кунда иммуногенлар сифатида икки, тўрт ва ундан ортиқроқ бўлган аминокислоталар қолдифидан иборат сополимерлар кенг кўламда ишлатилади.

АНТИГЕННИ АНИҚЛОВЧИ МОЛЕҚУЛАЛАР

Бегона антигенини фарқлаш жараёнида икки турга оид молекулалар иштирок этади. Булардан бири — иммуноглобулинлар бўлса, иккинчиси Т-ҳужайраларининг антиген рецепторидир. Иммуноглобулинлар ёки антитаналар, гликопротеинлар гурӯҳи бўлиб, барча сут эмизувчиларнинг зардоб ва тўқима суюқларидан учрайди. Иммуноглобулин молекулаларини плазматик ҳужайралар кўп миқдорда ишлаб чиқаради. Ҳар қандай вояга етган лимфоцит ўзининг ташқи мембрана қаватида, боғлиқ ҳолда, иммуноглобулин молекуласини ташиб юради, шу билан биргалиқда begona антиген ва В-ҳужайра орасида содир бўлган алоқа туфайли антитаналар синтези юзага келади.


T-ҳужайраларининг рецептори мембрана сиртқи юзасида учрайди, аммо уларнинг эрувчан молекулаларини, циркуляцияда бўлган антитана молекулалари билан таққослаш мумкин эмас. T-ҳужайралар, ўз рецепторлари ёрдамида турли антигенларни фарқлаш қобилиятига эга бўлиб, бу фарқлаш бир қанча имму-

гик жавоб реакцияси ўрганилган. Гаптенлар шундай моддаларки, улар ўзига хос либосга эга бўлишларига қарамасдан, организм таркибига киритилганда иммунологик реакцияларни содир қилмайди (жумладан, антитаналар ишлаб чиқариши), аммо тайёр антитаналар билан муносабатга киришади. Гаптенлар бегоналиқ белгисига эга бўлсаларда, тўлиқ антигенлик хоссаларини ўзларида акс эттирамайди. Бу сифатни улар фақат юқори молекулали (масалан, оқсил, полисахарид ёки сунъий юқори молекулали полиэлектролит) бирикмалар билан бирлаштирилганда олади. Демак, бунда икки турли антиген детерминантасига нисбатан иммунологик жавоб келиб чиқади (биринчиси — гаптен, иккинчиси — ташувчи). Гаптенларга мисол қилиб қуий молекулали, кимёвий тузилмаси маълум бўлган динитрофенил ДНФ ёки мета-аминобензолсульфанатни олиш



16-расм. Гаптен ва иммуноген ташувчи конъюгатига жавобан содир бўладиган антитаналар манзараси

мумкин (16-расм). Гаптенлар ўз ҳолича иммуноген ҳисобланмайди, лекин бирор-бир иммуноген ташувчи молекулага тиқиб қўйилса, уларга қарши йўналган антитаналар вужудга келади. К. Ландштейнер ўзининг текширишлари асосида қуйидаги холосага келади: гаптенлар фазовий тузилмаларининг ўзгариши антитана ва антиген орасидаги специфик муносабатларга жиддий равишда таъсир кўрсатади.



15-расм. Глобулали оқсил антигенининг гипотетик схемаси. Эпитоп кластерлари зичлик нисбатида келтирилган

топографик тузилмаларни фарқлаш қобилиятига эга, мана шу тузилмалар антигеннинг эпитоплари деб аталади. 15-расмда кўрсатилганидек, глобулали оқсил антигени ўз сиртида бир қанча детерминантларга эга бўлиб, улар гетероген антитаналар ёрдамида аниқланади. Шу расмдан кўриниб турибдики антигенининг детерминантлари бир-бири билан босилган эпитоплар тўплами ёки кластерлардан ташкил топган. Юқорида қайд қилинганидек, антигенининг сиртида турли тузилмаларга эга бўлган бир қанча антиген детерминантлари бўлиши мумкин. Улар билан моноклонал табиятга эга бўлган бир қанча антитаналар ўзаро муносабатга киришади. Антигенининг детерминант тузилмаларини ўрганишга К. Ландштейнер катта ҳисса қўшди, бунда сунъий антигенлар моделини қўллади. К. Ландштейнер кимёвий тузилмаси маълум бўлган гептенларни оқсил тушувчилар билан бирлаштирган (конъюгация). Бундай бирикмалар гаптен ташувчи деб номланиб, уларга нисбатан ҳайвон организмида содир бўлган иммуноло-

кескин иммунологик жавоб реакциясини келтириб чиқаради. Демак, донор ва реципиент орасида филогенетик фарқ қанчалик кўп бўлса, киритилган ёки ташриф буюрган антигенга нисбатан содир бўладиган иммунологик жавоб шунчалик юқори бўлади.

Иммуногенлар маълум бир миқдорда кимёвий жиҳатдан ўзларининг таркибий элементлари ва турли-туманилиги билан фарқланади. Масалан, алоҳида аминокислоталардан ташкил топган сополимерлар, ўзларининг юқори молекулали нисбий оғирлигига қарамасдан иммуноген бўла олмайди, лекин 2—3 аминокислотадан ташкил топган сополимерлар иммуногенлик хусусиятларини намоён эта олади. Баъзи бир ароматик аминокислоталар иммуногенлик хусусиятини кучайтиради. Масалан, тирозин аминокислотаси кучсиз иммуноген, лекин у желатина билан биректирилса, унинг иммуногенлигини анча оширади. Бундан ташқари, иммуногенликни аниқлаб берадиган омиллар орасида антигенларнинг миқдори, организмга киритиш усуслари ва бошқалар алоҳида ўрин эгаллади.


Адъювантлар — бу шундай бирикмаларки, улар антигенга қўшилганда унинг иммуногенлик хусусиятини кучайтириб беради. Энг муҳим адъювантларга алюминий бирикмалари (алюминий гидрокосиди, аччиқтош), макромолекулали моддалар (декстрэн, метилцеллюза), сиртқи фаол моддалар ва Фрейнд адъюванти киради. Адъювантлар, ўзларининг таъсир механизмилага кўра фарқланади. Аччиқтошларга оид бирикмалар биринчи навбатда антигеннинг физикавий хусусиятларини ўзгартиради. Фрейнднинг тўлиқ адъюванти ёрдамида иммунологик жавобнинг ҳужайравий турини содир қилиш мумкин.

АНТИГЕН ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ ВА ЭПИТОПЛАР

Кучли антигенлар катта ва мураккаб молекула ҳисобланади. Улар организм таркибида антитаналарни вужудга келтириб, антигеннинг маълум бир қисми билан ўзаро муносабатда бўлади. Антигенларнинг мана шу айрим қисмлари уларнинг детерминанталари ёки аниқлагичлари деб аталади. Детерминанталарнинг сони антигеннинг кимёвий тузилмаси ва кўламига боғлиқ бўлади. Тухум альбумини (молекуляр оғирлиги 42000) — бешта, дифтерия заҳари (70000) — камида 8 та, тиреоглобулин эса (680000) — 40 дан кўпроқ детерминантага эга. Кўпчилик антитаналар оқсил сиртида маълум бир

нологик омилларга асосланган ҳолда ёрдамчи, сўнди-
рувчи, цитозаҳарлик (цитотоксик) ва қотилликка хос
хужайра субпопуляцияларининг фаоллиги натижасида
юзага келади. Мана шу икки оиласи мансуб антиген-
ларни фарқ қилиш хусусиятига эга бўлган молекула-
ларининг тузилмалари қуидаги 17-расмда акс эттирил-
ган.

Бу оқсилларни иммуноглобулинлар деб аталиши
бежиз эмас, улар электрофорез ёрдамида ажратилга-
нида зардоб глобулинлари таркибида учрайди. Бугунги
кунда сутэмизувчилар оламида беш хил иммуноглобу-
линлар синфи қашф этилган. Иммуноглобулинлар,
қисқачасига Ig деб ифодаланади, улар қуидаги синф-



18-расм. Зардоб оқсилларининг электрофорез ёрдамида ажралиши

ларга мансуб. IgG, IgA, IgM, IgD, IgA. 18-расмда
электрофорез ёрдамида ажратиб олинган иммуногло-
булин молекулаларининг тўрт синфини кўриш мумкин.
Зардоб протеинлари маълум бир зарядга эга бўлган-
лари учун улар электр майдони таъсири остида, ўз ҳа-
ракатчаниклигига таянган ҳолда α_1 , α_2 , β ва γ фрак-

цияларига ажралади. IgE молекулалари, гарчи IgD га ўхшаш ҳаракатчанликларига эга бўлсаларда, уларнинг зардоб таркибидаги миқдори ниҳоятда оз.

Иммуноглобулинлар полипептид занжирларидан ташкил топади. Уларнинг тўртта тузилмасини фарқ қилиш мумкин: бирламчи тузилма — аминокислоталарнинг маълум бир кетма-кетлиги (изчиллиги); иккиминчалимчи тузилма — полипептид занжири, водород боғларини ҳосил қилгани туфайли у фазода маълум бир қиёфада жойланиш хусусиятига эга (полипептид занжирининг конформацияси); учламчи тузилма полипептид занжирининг ихчам уч ўлчовли тузилмасидир, тўртламчи тузилма — иммуноглобулинларга хос тўрт полипептид занжирларидан биологик фаол комплекс ҳосил бўлади.


Антитана функциялари. Антитаналар организмда иккита асосий функцияни бажаради: антигенларни фарқ қила билиш, улар билан ўзига хос боғланиш, иккиминчи — эффекторлик вазифаси, яъни антигенни нобуд қилиш учун мўлжалланган муҳим физиологик жараёнларни келтириб чиқариш. Улар орасида, комплемент тизимини фаоллашириб, бегона хужайраларни лизисга дучор қилиш, ихтисослашган иммунокомплектент ҳужайраларни рағбатлантириш ва бошқалар. Антитаналарнинг баъзи бир ўрганилган хусусиятлари 8—9 жадвалда келтирилган. Иммуноглобулин синфлари ва субсинфлари бир-бирларидан комплементни ўрнаштириш, йўлдош орқали ўтиш ва стафилококкнинг А протеинини таъсирлантиришларига қараб фарқланади. Ушбу хусусиятлар, уларнинг Fc қисми билан аниқланади.

ИММУНОГЛОБУЛИНЛАР ТУЗИЛМАСИ

Қайд этилганидек иммуноглобулинлар тузилмаси тўрт полипептид занжирдан ташкил топган комплекс ҳисобланади (19-расм). Бу комплекс иккита бир хил, молекуляр оғирлиги 23000 ни ташкил қилган енгил занжирлардан (L — занжир, инглиз сўзидан Light — енгил) ва ҳар бири 53000 дан бўлган оғир занжирдан (H — занжир, инглизча сўздан, heavy — оғир) ташкил топган. Енгил занжирларнинг ҳар бири оғир занжирларнинг NH_2 — якунловчи қисмлари билан мустаҳкам боғланган бўлиб, бу занжирлар орасидаги содир бўладиган дисульфид боғлари, кўпчилик заниф гидрофоб, электростатик ва бошқа атомларнинг ўзаро таъсири

түфайли юзага келади. Шунга ўхшаш алоқа, оғир занжирларнинг эркин қисмларида ҳам мавжуд бўлади. Хуллас, ана шундай комплекс ташқи кўринишидан лотинча V ҳарфини эслатади. Бундай тузилма иммуно-глобулинларнинг С, D ва Е синфларига тааллуқлидир.

Протеолитик фермент, папаин таъсири остида IgG молекуласи уч фрагментга парчаланиб кетади. Улардан икки фрагменти бир-бирига мос келиб, антиген билан боғланиш қобилиятини сақлаб қолади. Бу фрагментлар Fa — b инглизчасига fragment antigen binding, ўзбекчасига эса антигенин боғловчи парча деб аталган, учинчи фрагмент эса, кристалланишга лаёқатли бўлгани учун Fc, инглизчасига fragment crystalline (кристалланишга мойил парча) деб аталган. Худди шу Fc фрагмент, антитаналарнинг эфектор вазифалари устидан назорат қиласи (20- расм). Протеолитик ферментнинг бошқа тури пепсин иммуноглобулин молекуласининг бошқа қисмини парчалайди, натижада pFc' — фрагменти ҳосил бўлади, у оғир занжир қолдиги ва дисульфид боғлари билан боғланган иккита Fab — фрагментларни ўз ичига олади ва F (ab')₂ — фрагменти деб номланади. Демак, пепсин ёрдамида парчаланган



20- расм. Протеолитик ферментлар — папаин ва пепсиннинг иммуно-глобулин (IgG) молекуласини эфектор қисмларга ажратиш схемаси

фрагментлар, антигенни бириктириш миқёсида бивалент ҳисобланса, папаин учун эса моновалентлиdir. Антигенни бириктириш марказлари молекуланинг Н ва L занжирларидан NH_2 якуний қисмларида жойлашган бўлади.

Антитана молекулалари кўп миқдорда S — S боғла-
рига эга бўлади. Уларни уч хил тоифага бўлиш мум-
кин: биринчи тоифадаги занжирлараро боғлар Н ва
L ҳамда Н-Н занжирлари орасида содир бўлади. Ик-
кинчи тоифадагиси, занжирлар ичida S-S боғлар, улар
енгил ёки оғир занжирлар ичida учрайди (одатда ен-
гил занжир таркибида иккита, оғир занжирда эса тўрт-
та). Учинчи тоифадаги боғлар, тўрт занжирлик комп-
лексдаги Н — занжирлар орасида содир бўладиган
боғлардир (полимер IgM ва IgA молекулаларининг
йиғилишида).


Турли синфларга оид иммуноглобулин молекулала-
рининг тузилмалари, S — S боғларнинг жойлашиши ва
уларнинг сонига боғлиқ бўлади. Иммуноглобулинлар-
нинг енгил занжирлари фақат икки турда (лямбда)
ёки x (каппа) бўлиб, барча беш синф учун умумий.
Оғир занжирлар эса, ҳар бир иммуноглобулин синфида
характерли бўлган тузилма, иммуноглобулин ва кимё-
вий фазилатга эга. IgG, IgM, IgA, IgD ва IgE синф
молекулаларининг оғир занжирларини белгилашда
грек ҳарфлари γ , μ , α , δ , ϵ қўлланилади.

H — занжирларнинг кимёвий тузилишини ҳисобга ол-
ган ҳолда синф чегараси доирасида, иммуноглобулин-
ларнинг кенжа синфларини ажратиш мумкин: IgG —
учун тўртта кенжа синф, IgA — учун ва IgM учун ик-
кита синф мавжуд. Иммуноглобулин таркибида
кирган аминокислоталарнинг изчиллиги ўрганилганида
ҳам енгил, ҳам оғир занжирлар битта принципиал
тузилма фазилатига эга эканлиги аён бўлди. Улар вари-
абел (V) ва констант (C) қисмлардан иборат. Барча
ўрганилган иммуноглобулин енгил занжирлардаги
вариабел variability — яъни ўзгарувчан қисмлари
бир-биридан кескин фарқ қиласи, лекин констант
(constant — яъни барқарор) қисм эса жуда яқин ами-
нокислоталар изчиллигига эга. Л ёки x турига оид енгил
занжирларнинг барқарор қисми 107 аминокислота қол-
диқларидан ташкил топган. Қолган қисмини эса амино
кислота қолдиқларининг вариабел соҳаси ўз ичига олади.
Бу қисмда аминокислоталарнинг алмашиниш даражаси
максимал бўлгани учун гипервариабел соҳаси деб ном-
ланган. Иммуноглобулин молекуласининг ушбу қисми

антиген билан боғланишда бевосита иштирок этиб, унинг антиген боғланиш маркази таркибиغا киради.

H — занжирларининг вариабел қисми (V_h), L — занжирларининг мос келадиган қисмларига қараганда бирмунча узуроқ бўлиб, 118—124 аминокислота қолдигини ўз ичига олади. Оғир занжирнинг барқарор қисми вариабел қисмига нисбатан узуроқ бўлади.

Иммуноглобулинларнинг уч ўлчовли тузилмалари. Антитана молекуласининг ҳар қайси енгил занжирида иккитадан занжирлараро дисульфид боғлари мавжуд бўлиб, уларнинг сони оғир занжирларда турлича бўлади (4 тадан, 6 тагача). Ҳар бир шундай дисульфид кўпиклар 55—70 аминокислота қолдиқларидан ташкил



21-расм. G-синфиға мансуб иммуноглобулин молекуласидаги S-S боғлар. (S-S оралиғидаги рақамлар — аминокислота қолдиқларини инфодалайди).

топган илмоқни ҳосил қиласди. 21-расмда IgG молекуласидаги енгил ва оғир занжирларида дисульфид боғлари ҳосил қилган илмоқлар акс эттирилган. Рентгенотузилмали текшириш ўткизиш натижасида, шу тузијма атрофида, пептид занжирининг тахминан 110 аминокислота қолдиги глобулани ҳосил қилиши аниқланди. Молекуладаги ана шундай глобулалар доменлар деб аталади 22-расм. Демак, оғир ва енгил занжирлардаги NH_2 — га ёндош доменлар вариабел, $COOH$ га ёндош доменлар эса молекуланинг констант

қисмларига тааллуқлидир. Оғир занжирдаги NH_2 қисм-га чегарадош домен VH билан кейинги констант қисм-даги доменлар эса Cn1 , Cn2 ва Cn3 билан белгиланади.

Оғир занжирларнинг α , γ турлари учта констант доменларга эга бўлиб, улар IgA учун Ca1 , Ca2 , Ca3 ; IgG учун эса $\text{C}\gamma 1$, $\text{C}\gamma 2$, $\text{C}\gamma 3$ деб белгиланади. Бундан ҳам узунроқ бўлган μ ва ϵ занжирлар ўзларига тўрттадан констант доменларини сифдиради, шу жумладан IgM молекуласида улар $\text{C}\mu 1$, $\text{C}\mu 2$, $\text{C}\mu 3$, $\text{C}\mu 4$ деб белгиланса IgE молекуласида эса, Ce1 , Ce2 , Ce3 ва Ce4 лардир. Н ва L — занжирларидағи доменлар бир-бирлари билан полипептид бўлаклар орқали боғланган бўлиб, ярим сфера шаклини эслатади. Уларнинг асосий тузилма элементлари иккита деярли параллел бўлган β — қатлам ҳисобланади. Шу қатламнинг бири — тўрт сегмент, иккинчisi эса уч сегментдан иборат занжирни ҳосил қилиб, ундаги ҳар бир бўлак бир-бирига нисбатан антипараллел ҳолатда жойлашади. Вариабел домен, С доменга нисбатан узунроқ бўлади, чунки унинг таркибида яна бир қўшимча Е илмоғи мавжуд бўлиб, занжирнинг шу қисмида гипервариабеллик хусусияти содир бўлади (23-расм). Иммуноглобулин G молекуласининг CH_2 доменларида углеводларнинг парчалари ётади, улар асосан глюкоза, глюкозамин, фруктоза ва сиал кислоталар қолдигидан ташкил топган. Углеводларнинг миқдори ва таркибига кўра турли синфга кирган иммуноглобулиналар бир-бирларидан кескин фарқ қиласади. Молекула таркибида учрайдиган углевод компонентининг биологик аҳамияти ҳамон но маълум.


Иммуноглобулиналарнинг Н — занжирларидағи констант доменларида «шарнир» жой бўлиб, у Fab ва Fc парчалари орасида серҳарақатчанликни юзага келтиради, бошқача айтганда, бу ўзига ҳос молекула ошиқмошиқ вазифасини бажаради. Шарнир жойининг узунлиги турли синф вакилларида турлича бўлиб, 15 даъ 65 гача аминокислота қолдигини ўз ичига олади.

АНТИТАНАЛАРНИНГ АНТИГЕН БОҒЛОВЧИ МАРҚАЗЛАРИ

Рентген тузилмавий илмий-текширишлар, иммуноглобулиналарнинг Fab парчалари, антигенлар билан уларнинг вариабел доменлари орасидаги фаол марказтириқишлиарида содир бўлишини кўрсатди. Иммуноглобулиналар антигенни боғлайдиган марказнинг асосий

ташкилий принципи бўлиб, кўп марказли тузилма ҳисобланади. Антигенларнинг кичик детерминанталари фаол марказнинг чегараланган қисмларидағина боғланади, лекин йирик детерминанталар ушбу соҳанинг бутун сигимини эгаллаши мумкин.

Антитаналар ишлаб чиқарилиш динамикаси. Организмда антитаналар ишлаб чиқарилиши турли омиллар таъсирига боғлиқ. Улар орасида энг асосийси, организмнинг ушбу антиген билан тұқнашиш сони ҳисобланади. Шунинг учун иммунологик жавобнинг бирламчи ва иккиламчи турлари ўзаро фарқ қилинади. Организм таркибиға антиген тушганидан сүнг 3–4 күн ўтгач, қон таркибіда дастлабки антитаналарни аниқлаш мумкин. Шу давр мобайнида иммунологик тизим бегона антигенни аниқлаб унга қарши антитаналарни ҳосил қылади. Ушбу давр, илмий адабиётларда латент, яъни яширип даври деб аталади. Кейинги вақт мобайнида эса антитаналарнинг миқдори аста-секин логарифмик




24-расм. IgG молекуласининг тўртта кенжә синфлари.
Занжирлараро ҳосил бўлган дисульфид боғларнинг жойлашиш ўрни ва сонига алоҳида эътибор берилсин.

тарзда ошиб боради. Маълум бир вақтга келганда қон таркибидаги глобулинлар миқдори максимал даражага етиб, аста-секин камая бошлайди (камайиш даври). Иммунизациянинг дастлабки даврида антитаналарнинг IgM синфи пайдо бўлади, кейин эса IgG. Иккиласми иммунологик жавоб жараёнида иммуноглобулинларнинг IgG синфи ҳосил бўлади. Антитаналарнинг А синфига оид молекулалар кейинроқ юзага келади.

Иммуноглобулин синфлари. Юқори умуртқа поғонали организмлар зардобининг тахминан 75 фоизини IgG ташкил қилади. Унинг молекуляр оғирлиги деярли 150000. Одам ва сичқон организмларида IgG нинг тўрт синфчалари мавжуд бўлиб, одам организмидаги IgG₁ нинг миқдори кўпроқ, Ig—G₄ники эса жуда кам бўлади. 24-расмда, шу тўрт синфчага оид IgG молекулалари бир-бириларидан C₁ ва C₂ доменлар орасидаги (оғир занжир) дисульфид боғларининг сони ва жойлашиш ўрни билан фарқ қилиниши кўриниб турибди. IgG₁ ва IgG₁ молекулаларида иккита, IgG₂ да тўртта, IgG₃ да эса 15 та бор ҳосил бўлади. Юқорида эслатиб ўтилганидек, иккиласми иммунологик жавоб жараёнида асосан IgG синтези амалга ошади. Бошқа иммуноглобулинларга нисбатан IgG, кўпроқ тўқима суюқлигига учраб, бактерия заҳарларини нейтраллаштириш ва микроорганизмларни ўзига боғлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари IgG, бактериялар билан комплекс ҳосил қилиб, комплемент тизимини рағбатлантиради ва лейкоцитларни хемотаксисга олиб келади. IgG молекуласининг яна бир ажойиб хусусиятларидан бири, йўлдош тўсқинидан ўтиб, чақалоқ ҳаётининг дастлабки ҳафталарида уни турли юқумликлардан ҳимоя этишидир. IgG нинг миқдори баъзи бир патологик ҳолатларда, жумладан, жигар касалликларида, тизимили қизилча касаллигига ортиши, гипо- ва гаммаглобулинемиялarda эса унинг миқдори камайиши мумкинилиги аниқланган.

М. Иммуноглобулини. Бу синфга оид молекула пен-тамер қиёфасида учрайди, яъни ҳар бири IgG га ўхшаш бешта суббўлинмачадан ташкил топган. IgGM нинг молекуляр оғирлиги 950000, шунинг учун уни кўпинча макроглобулин деб ҳам атасади. IgGM нинг молекуласида қўшимча J—занжир (joining — боғловчи) бўлгани учун, уни таркибидаги бешта IgG га ўхшаш молекулалар бир-бирн билан боғланниб туради. IgM нинг оғир занжиринда яна бир қўшимча Сn домени ҳам учрайди (25-расм).



25- расм. Пентамер тузилишига эга бўлган IgM молекуласи
(оғир занжир беш домендан иборат)


Зардоб таркибида IgMning миқдори тахминан 1 г/л бўлиб, умумий иммуноглобулинлар миқдорининг 5—10% ини ташкил этади. Бирламчи иммунологик жавоб мобайнида биринчи бўлиб IgM пайдо бўлади, чақалоқ болаларда ҳам биринчи антитаналар худди шу синфга тааллуқлидир. Беш валентлик кўрсатгичига эга бўлгани учун, IgM агглютинация ва ҳужайралар лизисини жуда осон келтириб чиқаради. IgM нинг агглютинацияга келтириш қобилияти IgGникига нисбатан 30—800 марта, комплементга боғлиқ, цитолизда эса ҳаттоқи 250—1000 марта кучлироқ. Аллогемагглютинилар, классик ревматоид омили, Вассерман реакциясида аниқланадиган антитаналар ҳамда кўпчилик табиий антитаналар IgM антитаналарига дахлдор ҳисобланади. Пентамерлар билан бир қаторда организмда M—иммуноглобулинининг мономер формасини ҳам учра-

тиш мүмкін. Улар В — лимфоциттарининг мембрана таркибидаги антиген аниқловчи рецепторлари ҳисобланады. Мономер IgMning миқдори бириктирувчи тұқима касаллікларида, тарқоқ склерозда, сурункали гепатит ҳамда Вальденстрем касаллигіда ошиши аниқланған.

D — Иммуноглобулинни. Бу синфа кирған иммуноглобулинлар зардоб иммуноглобулинларининг 0,2 фоизини (таксминан 0,03 г/л) ташкил қилады. Бу иммуноглобулин мантиқсиз протеолиз мойиллігінде әга бўлиб, унинг домен тузилмаси 26-расмда акс эттирилган. Гарчы, IgD нинг шарнир қисми углеводлар (олигосахарид) билан ҳимоя қилингандай бўлсада, иммуноглобулинларнинг бошқа синфларига қараганда, IgD протеолитик парчаланишга нисбатан ўта таъсирчан. IgD молекуласининг қон плазмасидаги яримпарчаланиш даври 2,8 кунни ташкил қилади. Таксмин қилинишича, IgD-B — лимфоцит ривожланиши даврининг маълум бир босқичида унинг антиген рецептори ролини ўтайди. Аёлларнинг ҳомиладорлик даврида D — иммуноглобулиннинг миқдори деярли икки баробар ошади, йўғон ичак яллигланишида (қулунж) IGD синтези амалга оширадиган плазматик ҳужайралар сони кўпаяди, эҳтимол, инсулин ва ДНК га қарши йўналган антитаналар шу синфа оид иммуноглобулинлардир. Аммо, бу гунги кунгача IgD нинг асосий вазифаси номаълум.

E — иммуноглобулини. Иммуноглобулинларнинг E синфи зардоб таркибда жуда оз учрашига қарамасдан (0,01% камроқ), улар жуда юксак биологик фаолликка әга. Бу молекулалар махсус ҳужайраларни аллергик реакцияларда иштирок этишга тайёрлайди. IgE нинг молекуляр оғирлиги 190000, ундаги углеводлар миқдори 12 фоизи ташкил қилади. IgE нинг оғир занжирни эпсилон турнига оид бўлиб бешта домендан ташкил топган (тўртта доимий ва битта ўзгарувчан) (27-расм).

IgE термоўзгарувчан бўлиб, 4 соат давомида 56°C да иситилса денатурацияяг учрайди. IgE ўзининг Fc қисми ёрдамида тўла ҳужайра ва базофиллар сиртида фиксацияланиши мүмкін. Бунда бир қанча IgE молекулалари антиген билан боғланганда, тўла ҳужайра ва базофиллар, вазофаол амин ҳамда бошқа фармакологик фаол моддаларни секреция қилишга киришади. Демак, E- иммуноглобулини тўла ва базофил ҳужайраларини аллергик реакцияларда иштирок этишга тайёрлайди. Бир гурух атопик касаллікларда (бронхиал астманинг атопик формаси, дерматит, эшак еми, дори аллергияси) ҳамда гельминтозларда (аскаридоз,




28-расм. Одам IgA молекуласининг тузилиши

шистосомоз, токсокароз ва бошқалар), умумий IgE нинг миқдори ошади.

А — иммуноглобулини (28-расм). Бу синфга тааллуқли иммуноглобулинлар зардоб таркибидаги иммуноглобулинларнинг 10—15 фоизини ташкил этади. Бу молекулалар күпинча шиллиқ пардаларининг ажратмаларида, масалан сўлак, кўз ёши ва бурун суюқлиги, тери ҳамда ўпка секретларида учраб, ундаги сиртларни ташки мухитдаги микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қилиб туради.

IgA нинг секретор шакли кўп учрайди. Ушбу молекуланинг молекуляр оғирлиги 390000, чўкиш доимийлиги 11, унинг 10—20 фоизи димер ва тример қиёфасида учрайди. IgA нинг секретор компоненти, жойлардаги эпителий ҳужайралари ёрдамида синтез қилиниб, уни протеолиз ишончли равишда сақлайди. Бу компонент бир полипептид занжирдан ташкил топади, молекуляр оғирлиги 60000 га тенг. IgA нинг синтези плазматик



29- расм. Секретор IgA (sIgA)

ұжайраларда юзага келиб, димер қолатта ұжайра таркибида айланади. Бунда иккита мономер иммуноглобулин молекуласини цистеин қолдигига боғловчы J — занжир ушлаб туради (29-расм).

J — занжирнинг молекуляр оғирлиги 15000. Бугунги кунда секретор IgA нинг биологик хусусиятлари батафсил ўрганилмаган, лекин унинг шиллик пардаларини патоген микроорганизмлар таъсиридан ҳимоя қилишини инкор қилиб бўлмайди.

Барча соғлом одамларда IgA нинг иккита изотипи маълум: IgA1 ва IgA2. Зардоб таркибида асосан IgA1 учраса, эндоваскуляр секретларда IgA2 учрайди. IgA нинг турли ширалар таркибидаги миқдори 9-жадвалда келтирилган.

IgA нинг ширалардаги миқдори

| Турли жойлардаги ширалар | IgA, мг/мл |
|--------------------------|------------|
| Оғиз сути | 1500 |
| Ингичка ичак | 750 |
| Сафро | 500 |
| Простата | 250 |
| Бронхлар | 100—700 |
| Сүлак | 3—150 |
| Ёш суюқлиги | 70 |
| Кин шираси | 60 |
| Амнион суюқлиги | 20 |

Иммуноглобулин синфлари бир-бирларидан ўзларидаги углевод гуруҳларининг жойлашиши ва сони билан фарқ қиласи. Углевод гуруҳларининг кўпчилиги доменлар оралиғида ёки уларнинг сиртида жойлашади. Одатда, углеводлар оғир занжирнинг доимий қисмларида учрайди. Масалан, альфа 2, мю, эпсилон биринчи констант доменларида ёки альфа 2 ва эпсилон занжирларидаги ошиқ-мошиқнинг олдинги қисми ва бошқа жойларда (юқоридаги акс эттирилган расмларга эътибор берилсан). Иммуноглобулинлардаги углеводларнинг тутган ўрни батафсил ўрганилмаган, лекин шунга қарамасдан айтиш мумкинки, улар маълум бир тузилмаларни сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга. Ундан ташқари, углеводлар, доменларнинг баъзи бир вазифаларини амалга ошириш учун керакли бўлган конформацион ҳолатни сақлаб туради. Шунингдек, улар протеолизга ўта сезгир бўлган қисмларни тўсиб, иммуноглобулин молекуласини сустлаштиришдан сақлаб қолади.

Барча синфга тааллуқли бўлган иммуноглобулинларнинг шарнир қисмлари ўзгача тузилишга эга улар ҳатто кенжа синфларга оид бўлган вакиллар орасида ҳам бир-бирларидан фарқ қиласи. Иммуноглобулиннинг оғир занжирларидаги вариабел қисмларидан бири, бу шарнир қисмидир, у иммуноглобулин синфларидаги функционал фарқларни ҳосил қилишда алоҳида ўрин эгаллайди. Одам иммуноглобулинларининг физик-кимёвий ва биологик хусусиятлари 10, 11- жадвалларда ифодаланган.

Одам иммуноглобулиннинг хусусиятлари

| Хусусият | $\lg G$ | $\lg A$ | $\lg M$ | $\lg D$ | $\lg E$ |
|---|---|---|--|--|---|
| Одагдаги молекуляр шакли Молекуляр формуласи Бошчукан жакшир Кенжак синтезлар Оғир занжир синтезлар Оғир занжир аллотиплари Молекуляр оғирлиги Седиментация көзөйфи. Углеводдарниң мөлдөрү, % Зардолбагы мөлдөрү ўрга хисобла кагталарада — мг/100 мл | Мономер $\chi_2\gamma_2, \lambda_2\gamma_2$ 1, 2, 3, 4 $\gamma_1, \gamma_2, \gamma_3, \gamma_4$ Gm (таксимдан 20 150000 6, 6 3 1250±300 | Мономер, димер, трымер $\chi_2\alpha_2, \lambda_2\alpha_2$ J — занжир 1, 2 α_1, α_2 Am(2) 160000 7, 9, 11, 14 7 210 ± 5 | Пентамер, ($\chi_2\mu_2$) ₅ J — занжир Топнамаган — Mn (2) 950000 19 10 125 ± 50 | Мономер $\chi_2\delta_2, \lambda_2\delta_2$ — Йүк — 175000 7 9 4 | Мономер $\chi_2\delta_2, \lambda_2\delta_2$ — Йүк — 190000 8 13 0,03 0,3 2,8 0,4 5 ёки 10 — — + — |
| Зардолдаги умумий иммуноглобулиннар мөлдөрнега нисбетан, % Яримъячаланиш даври (куй) Синтез тезлиги, мг/мл, бир күн ичида Валентлиги Компллементтиң фиксация- лаш Комплментиниң фароллаш- тириш | 23,0 33,0 2 + + | 5,8 24,0 2 — + | 5,1 6,7 — + — | 0,3 2,5 0,4 2 — + | 0,003 0,016 ? |

10- жадвалнинг давоми

| Хусусият | Ig G | Ig A | Ig M | Ig D | Ig E |
|---|---|-------------------------|--|--|---|
| Хужайралар онлан бояниш Бошка биологик хусусиятлар | Макрофаг нейтрофил Иккитаимчи иммунологик жавоб. йўлдош орқали транспорт | Ширашардаги антитаналар | — Бирламчи иммунологик жавоб, ревматоид омили | ? Лимфоцит спротининг асосий молекуласи | Семиз хужайралар Аллергия, анафилаксия |

**Одам иммуноглобулинни синф молекулаларининг
физик-кимёвий хусусиятлари**


| ХУСУСИЯТЛАР | | | | | | |
|--------------------------|----------------------|--------------------|-----------------------|---------------------------|------------------|----------------------------|
| Иммуноглобулинлар оиласи | Оғир занжир | Зарбодаги мөндерди | Чўкиш константаси (S) | Молекулар оғирлиги (К.н.) | Хаст даври (кўн) | Томирлар да тақсимланиши % |
| G1 | $\gamma 1$ | 9 | 7 | 14.6 | 21 | 45 |
| G2 | $\gamma 2$ | 3 | 7 | 14.6 | 20 | 45 |
| G3 | $\gamma 3$ | 1 | 7 | 17.0 | 7 | 45 |
| G4 | $\gamma 4$ | 0.5 | 7 | 14.6 | 21 | 45 |
| M1 | μ | 1.5 | 19 | 97.0 | 10 | 80 |
| A1 | $\alpha 1$ | 3.0 | 7 | 16.0 | 6 | 42 |
| A2 | $\alpha 2$ | 0.5 | 7 | 16.0 | 6 | 42 |
| AS | $\alpha 1, \alpha 2$ | 0.05 | 11 | 38.5 | - | излар |
| D | δ | 0.03 | 7 | 14.4 | 3 | 75 |
| E | ϵ | 5×10 | 8 | 18.8 | 2 | 50 |

Ҳар бир муайян синфга кирувчи молекулалар ўзининг оғир занжир хилига эга. Масалан, IgG да γ занжир. IgD — δ , IgM — μ , IgA — α , ва IgE — ϵ занжир бор. Оғир занжирдаги жуъзъий ўзгаришлар (вариация) иммуноглобулин тузилмасини субсинфларга бўлади. Жумладан IgG ўзининг сғир занжирига кўра 4 субсинфга эга.

ИММУНОГЛОБУЛИНЛАРНИНГ ТУРЛИ-ТУМАНЛИГИ

Иммуноглобулин молекулаларининг хилма-хиллигини, уларнинг уч турга оидлигидан ҳам кўриш мумкин. Улар орасида — изотурлар, аллотурлар ва идиотурлар мавжуд (30-расм). Изотур вариантиларига тегишли генлар, турнинг барча соғлом зотларида учрайди. Масалан, $\gamma 1$, $\gamma 2$, $\gamma 3$, $\gamma 4$, μ , $\alpha 1$, $\alpha 2$, δ , ϵ , κ , ва λ занжир генлари ҳамма одамларнинг геномидан ўрин олган.

Аллотурлар — бу иммуноглобулин полипептид занжирларида аллел варианtlар, яъни бир тур ичидаги алоҳида индивид гуруҳлари орасидаги бўлган фарқ ҳисобланади. Демак, иммуноглобулинларнинг аллотипик хусусиятларини генетик тамға (маркер) ҳисобида ҳам ишлатса бўлади. Бамисоли, эритроцитларнинг (АВО) аллел шакллари каби, иммуноглобулинларнинг оғир занжирни аллотипик детерминанталар экспрессияси (намоён бўлиш) кўринишида фарқланади. Аллотурлар таснифи, уларнинг занжирда тутган ўрнига қараб



30-расм. Антитанааларнинг турли-туманлиги. Аллотип — молекуладаги барқарор қисмнинг фарқланишини англатади; Идиотип — молекула-нинг вариabel қисмидаги турли-туманлик; Изотип — тур ичидаги ҳар бир зот учун CL ва CH қисмларнинг умумийлигини ифода этади

амалга оширилади. Масалан, Gm (γ — маркер), Am (α — маркер) ва Km (κ — маркер). Одамдаги алло-турлар фақат иммуноглобулин молекуласининг констант қисмida топилган. Замонавий классификацияга кўра, аввал иммуноглобулиннинг синфи ва кенжা син-фи сўнг, қавс ичидаги аллелнинг наубати кўрсатилади. Масалан, G3m(5) ва G3m(21) ёки A2m(1) ва A2m(2). Бугунги кунда оғир γ -занжирларда 25Gm маркерлари, κ -занжирда эса учта маркер (Km — маркер) аниқлан-ган.

Идиотурлар — антитанааларнинг ўзгарувчан соҳаси-ни изоҳлайди. Идиотипик детерминанталар антитана-нинг вариабел қисмida жойлашган бўлади. Ҳар бир алоҳида олинган идиотипик детерминанта идиотурни


ҳосил қылса, уларнинг бутун гуруҳи идиотурни белгилаб беради. Идиотурлар иммуноглобулинларнинг маълум бир синфи билан боғлиқ бўлмай, одатда улар индивидуал антитана клони учунгина маҳсусдир.

Иммуноглобулинлар генетикаси. Ҳозирча аллотипик хусусиятлар генетикасини чуқур тасаввур этиш қийин бўлсада, улар генетик нуқтаи назардан, HL-A — тизимидаги генлар каби гаплотурда мустаҳкамланган деб айтиш мумкин. Аллотипик белгилар кодоминант — аутосом ворислик ҳуқуқига эга бўлгани учун бола иммуноглобулинлари ҳам она, ҳам ота генетик тузилмалирига эга. Буни тиббий экспертизадаги оталикни исботлаш услуби намойиш этади. Гаплотурлар орасида айниқса Gm^{-1} , 17, 21 ва Gm 4, 23, 5 лар кўпроқ учрайди, улар турли ирқлар орасида кескин фарқ қиласди. Тахмин қилинишича, организм антитаналарнинг 10^6 хилини ишлаб чиқариш имконига эга. Иммуноглобулиннинг тетрамер тузилмасига асосан, ҳар бир енгил турдаги занжир, ҳар бир оғир занжир билан қўшилиши мумкин. Демак, мумкин бўлган 1000000 антитаналарни ҳосил қилиш учун 1000 дан кўпроқ енгил ва оғир турдаги занжирлар бўлмиши зарур.

Иммуноглобулин генлари дастлаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган қисмларнинг қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Иммуноглобулин генларини ўрганиш учун, асосан миелома ёки плазмацитома, яъни лимфоид ҳужайраларидан келиб чиқсан ўсимта ҳужайра маҳсулотлари ишлатилади. Ҳар бир ўсимта ҳужайра антитананинг фақат маҳсус бир турини ишлаб чиқаради. Иммуноглобулиннинг ҳар бир занжирни узил-кесил тузилишга эга бўлган бир ген ёрдамида кодланади. Бу геннинг экзонлари (етук РНК молекуласида сақланадиган, ҳар бири алоҳида узил-кесил келган ген фрагменти) ниҳоятда аниқлик билан оқсилнинг функционал доменларига мос келади. Биринчи экзон сигнал изчиллигини кодлайди (мембронага бирикиш учун керак бўлган), иккинчи экзон — вариабел соҳасининг асосий қисмини. Констант соҳасининг тузилмаси занжирлар турига боғлиқ бўлиб, енгил занжир эса, бир неча экзонлар ёрдамида кодланади. Си1, Си2 ва Си3 ҳамда шарнир қисмлари ўз экзонларига эга.

Иммуноглобулин енгил занжирини аниқлайдиган генлар.

Лямбда — занжир, 31-расмда кўрсатилганидек, иккичисм қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. V — ген лидер (пешқадам) экзонидан ташкил топиб, у вариабел



33-расм. Оғир занжир синтезіда иштирок этувчи ген түділарының йиғилиш схемасы. Оғир занжир генинің ҳосил бўлиши асосида, даслаб V-генининг D-сегмент билан, кейин эса D-сегментнинг J-сегмен билан бирикиш меканизми ётади. VDJ- рекомбинацияси жарадағыл бир қанча V-генлар орасидагы якка бир ген 15 та D-сегментларниң бири, у эса тўрт J-сегментнинг фақат биргинаси билан бирикади.


сегментидан бир инtron билан ажралиб туради. С-ген эса J—сегментидан ва бир инtron билан ажралиб турган констант — С экзонидан ташкил топган. J—сегментнинг номи — joining, яъни бирикиш сўзидан келичиқиб, бу соҳага V—сегмент бирикади. J—сегмент — аминокислоталар изчиллигини кодлайдиган қисм ҳам собланади. Асосий V—ген енгил занжирнинг V регистрнини кодлаб, 95 аминокислотани ўз ичига олади. Сич қонларда лямбда енгил занжир тўртта С—генига эга ва уларнинг ҳар бири — генига эга бўлади. V—доменлар қисмини ҳосил қиливчи J—сегментлар IgM ва IgA нинг димер молекулалари таркибида учрайдиган J—занжирга айланади. Каппа—занжир ҳам иккиси қисмдан иборат, лекин бу занжирнинг С—соҳа тузилмас:

бірмұнча бошқачароқ. Беш J — сегментни ўз ичига олған гурух, ДНК молекуласыда маълум бир жойни әгаллаб, С — каппа экзонидан интронлар билан ажратылған. Сичқонларда аниқланишича марказий, яни I₃ — сегмент функционал бўлмай, соxта фJ₃ — сегментдан ташкил топади. V_κ сегмент J — сегментларнинг бири билан бирикиси мумкин. Бу жараён 32-расмда акс эттирилған. Барча функционал J — сегментлар V — сегменти билан рекомбинация қилиш сигналига эга бўлади.

Оғир занжирнинг бунёдга келишида қўшимча D — сегмент иштирок этади (33-расм). D — сегментнинг (инглизча diversity, ўзбекча фарқлиқ, турлича) кашф этилишида, полипептиднинг V ва J сегментлари кодлайдиган қисми оралиғида бир нечта, аминокислоталар (2 дан 13 гача) қолдигининг аниқланиши сабабчи бўлган. Хромосоманинг V_κ ва J_κ сегментлари орасида бир қанча D — сегментлар жойлашади. Рекомбинация жараёни натижасида V_κ сегмент D — сегментларнинг бири билан, бу сегментнинг ўзи эса тўрт J_κ — сегментнинг бири билан бирикади. Генларнинг бундай тикланиши, қўши Си — геннинг экспрессиясига олиб келади D — сегментларнинг ташкил топиши ҳали тўлиқ ўрганилмаганига қарамасдан, улар бирин-кетин жойлашиб бир тўлиқ кластер генларини ҳосил қилиши мумкин деб тахмин қиласа бўлади. Сичқонларда оғир занжирни ташкил қиласа турли ген локуси турли узунликка эга, у тахминан 15 та D—сегментини ўз ичига олади. Сичқонларда деярли барча енгил занжирлар каппа турига оид фақат 5 фоизи лямбда турини ташкил қиласи. Одам организмидаги эса енгил занжирнинг 60 фоизини каппа ва қолган 40 фоизини лямбда тури ташкил қиласи. Ҳар бир лимфоцит енгил занжирнинг фақат бир турини ҳосил қилиб, оғир занжир билан бирлашади.

ОҒИР ЗАНЖИР КОНСТАНТ РЕГИОНИНИНГ ГЕНЛАРИ

Юқорида баён этилган барча иммуноглобулин синфларига оид бўлган генлар вариабел регионинг тааллуқли эди. Барча Си генларига тегишли бўлган ўзига хос хусусият шундаки, уларнинг функционал доменлари узуқ-узуқ келган ва тахминан 0,1—0,3 минг нуклеотид жуфти узунлигига ажралиб турадиган экзонлар билан кодланади. 34-расмда сичқон Н — занжиридаги констант регион генларининг жойлашиши кўрсатилған.



34-расм. Н-занжирдаги констант регион генларининг жойлашиш Қыйда көлтирилған расмнинг ўғ қисміда Н-занжирнинг констант региондагы таалуқты генлар түдаси жойлашган. Ҳар бир С-ген (гендан ташқары) изчил равишда күчиш хусусиятига эга бўлгани бо‘уларнинг ҳар қайсиси VDJ-сегмент оралғандаги рекомбинация амалга ошириши мумкин.

Констант генлар маълум бир жойни эгаллаб, VDJ-сегменти билан рекомбинация жараёнида иштирок этди. Йи генлар Ig — Н μ генинга яқинроқ жойлашади, шунинг учун VDJ ген комплексининг йигилиши констант соҳасининг μ гени олдида амалга ошади. Шу туфайли иммунологик жавоб йўлида дастлаб IgM антитаналар синтез бўлади.

Сичқонларда Н — занжирнинг С — генлари 5 якниң қисмдан бошлаб қуйидаги тартибда жойлашади μ , δ , γ_3 , γ_1 , $\gamma_2\beta$, $\gamma_2\alpha$, ε , α . Одам иммуноглобулининин Сн — генлари эса, μ , δ , γ_1 , γ_2 , γ_3 , γ_4 , ε , α_1 , α_2 навбатдекелади. Эҳтимол транскрипция жараёнида умуми бирламчи РНК молекуласи ҳосил бўлиб, у μ ва δ генларига мос келади. Кейинчалик эса, μ ва δ — занжирлар синтезини амалга ошириш учун етук РНК молекуласи сплайсинг механизми ёрдамида етилади. Юқориёд ёритилған бундай схема, кўпчилик ҳужайраларда Ig γ ва IgD ҳамкорлик экспрессияси жараёни содир бўлинини яхши тушунтиради.

Антитаналар турли-туманлигининг содир бўлишидекийидаги уч механизм асос эканлиги эҳтимоли мавжӯ бўлиб, улар ёрдамида иммунологик тизим иммуноглобулин Н ва L занжирларидан хилма-хил V — регионларини барло этиши мумкин. Бу механизмлардан бирор қанча генлар түдасининг бўлишидир. Унинг ас-

сида, бир қанча алоқида ўрин олган генларнинг (V_1 — V_n) ҳар бири, фақат ягона V — доменини кодлаш қобилияти ётади. Иккинчи механизмга — соматик мутация мисол бўла олади. У туфайли В — ҳужайранинг онтогези даврида юз берган ўзгаришлар, турли генларга эга бўлган В — ҳужайра клонларини яратади. Ниҳоят, учинчى механизм асосида соматик рекомбинация жараёни ётади. Бир қанча ген сегментлари (J_1 — J_n) рекомбинация ёрдамида бир қатор V — регион генлари билан бирикади. Бу жараён В — ҳужайра онтогенезини ўз ичига олиб, шу давр орасида хилма-хил ген сегментлари билан кодланадиган оқсил элементларини вояга етказиб беради. Маълум бўлишича, ушбу уч механизм, антитаналар ранг-баранглигини шакллантиришда фаол иштирок этади.


Юқорида қайд қилинганидек, иммуноглобулин молекуласига алоқадор бўлган муаммо замирида уларнинг ниҳоятд турли-туманлиги билан ўзига хос хусусиятга эга эканлиги ётади. Мисол тариқасида, қуйидаги сичқон иммуноглобулинининг генлари (H ва Lx) сони учун аён бўлган далилларни келтириш мумкин. Юқорида эслатиб ўтилганидек, ҳужайра иммунокомпетентлик хусусиятининг юзага келиши, эмбрионал генларнинг қайта тикланиши билан боғлиқ. Бунда V ва J , V ва D ҳамда D ва J фрагментларининг бирикиши тасодифан содир бўлади. Агарда, HV генларининг сони 500, LVx — 200, HD — 15, Lxd , Hj — 4 ва Lxj — 4 та эканлиги маълум бўлса, унда комбинатор бирикишлар натижасида ($V \times D \times J = 500 \times 15 \times 4 = 3 \times 10^4$, ҳамда $(V \times j) = 200 \times 4 = 800$ йиғиндига эга бўламиз ва ниҳоят, $(V \times D \times J) \times (V \times j) =$ комбинатор боғланиши туфайли турли комбинацияларнинг сони 2.4×10^7 га тўғри келади.

ДНК да содир бўладиган кейинги рекомбинация жараёни давомида, иммуноглобулин синфлари кўчиб ўтмоқлик (switching) хусусиятини ортиради. Маълумки, иммуноглобулин синфи ўзининг Сн қисмидаги турига қараб ажратилади. Масалан, IgM—Сμ изчиллигига, IgD эса Сδ, IgG—Сј, Ig—Е—Сε ва IgA—Сα га мос келади. Лимфоцит маълум бир вақт мобайнида иммуноглобулинларнинг фақат бир синфини ишлаб чиқаради, лекин иммунокомпетент ҳужайранинг ривожланиши чорида синфлар бир-бирларини алмаштиришлари мумкин. Бундай ҳодиса Сн қисмидаги ген экспрессиясини ўзгартиришга сабабчи бўлиб, синфнинг кўчиб ёки сакраб ўтиши деб номланган.

Бундай феномен фақат Сн генини турткилайди, шу-

нинг учун биргина Vn — ген турли Сн генлар билан бир галикда самарали экспрессия жараёнини ҳосил этиши мүмкін. Вояга етмаган «гүдак» лимфоцитларда имму ноглобулинларнинг экспрессияси ҳамма вакт IgM син тезидан бошланади. Сн генининг ўзгариши РНК жара ёни давомида ва асосан ДНК да бўладиган рекомбинация босқичларида амалга ошади. Маълум бўлиши ча, Сн генларнинг бевосита олдида switching сайтлари (маълум бир кичик қисм) жойлашади. Бу сайтлар — S соҳалар деб номланган.

35-расмда иккита гипотетик switching модели намоён ён этилган. Биринчи сакраб ўтишда Сμ — ген экспрессияси СγI га алмашади. СjI ген фаоллиги Sμ ва SjI сайтлари орасидаги кузатиладиган рекомбинация жа раёнига асосланган бўлиб, унда улар орасидаги генетик материал делецияга учрайди.




35-расм. Оғир занжирни кодлайдиган ген синфларининг кўчиб ўтиши. Ушбу схемада кўрсатилишича, оғир занжирни кодлайдиган ген синфларининг кўчиб ўтиши, S-соҳалари орасида бўладиган рекомбинация йўли билан амалга оширилиши мүмкін. Бу жараёнда генлар кетмакетлик билан кўчиб ўтиш хусусиятига эга бўлади.

$S\gamma 1$ сайт D—V—J ва С μ — генлар даврасида жойлашади, бундай ҳолатда V—D—J ва С $\gamma 1$ қисмлар инtron каби РНК-процессингиде чеклантирилади. 36-расмда иккинчи рекомбинация жараёни туфайли С α — ген экспрессияси содир бўлиши кўрсатилган.

T — лимфоцит рецептори. Бегона антигенларни фарқлаш жараёнида иккى турга оид молекулалар иштирок этиши маълум. Улардан бири, яъни иммуноглобулин молекулалари билан батафсил танишилди. Иккинчи турга оид молекулалар, T — лимфоцитнинг антиген рецепторлари ҳисобланади. Улар ёрдамида T — лимфоцит худди В — ҳужайралар каби, махсус антиген детерминанталарини фарқлай олади. Бугунги кунда T — лимфоцит таркибига кирган рецепторнинг тузилмаси, ҳужайрада тутган ўрни, begona антигенларни ўзига жалб этиши хусусиятлари жадал суръатда ўрганилмоқда. В — лимфоцит рецептор сифатида мембрана билан биринкян IgM мономер ҳисобланса, T — лимфоцит рецептори α ва β занжирлардан ташкил топган гетеродимердир. Ҳар бир занжирнинг молекуляр оғирлиги 40—50 КДА ни ташкил этади, улар шак-шубҳасиз иммуноглобулин генларига мансуб бўлмасада, баъзи бир хусусиятларига кўра, уларга жуда яқин туради. Масалан, ҳар бир занжир иккита домен ҳосил қиласи, улардан бири нисбатан ўзгармас тузилишга, иккинчиси эса ғоят ўзгарувчан тузилишга эга бўлиб, иммуноглобулиннинг вариабел доменига ўхшаб кетади.


Барча иммунокомпетентлик моҳиятига эга бўлган T — лимфоцитларнинг антиген рецептори Т3 (CD3) комплекси билан пухта, ноковалент боғ ёрдамида боғланган бўлади (36-расм). CD3 молекуланинг ўзи уч пептид занжиридан (γ , δ ва ϵ) ташкил топади ва шу билан бирга ушбу молекула ҳужайранинг ички дунёсига сигнал ўтказишида иштирок этади. Шунинг учун, T — лимфоцитнинг антигенини фарқлай оладиган тузилмасини беш пептиддан ҳосил бўлган, йигиладиган умумий комплекс деб фараз қилиш мумкин. δ ва ϵ пептид занжирларининг молекуляр оғирлиги 20 КДА, занжирники эса 25 КДА га teng. α ва β занжирларнинг ҳамжиҳатлигига антигеннинг ўзига хослик хусусияти аён қилинади.

Ҳозир CD3 молекула таркибига яна иккита ζ ва η полипептид занжирлари кириши ҳам маълум бўлди. T — ҳужайра репертуаридан ўрин олган ва занжир генларининг тузилиши иммуноглобулин генларига ўхшаш бўлади. Уларнинг таркибида V, D, J ва констант қисмини



36-расм. Т-хужайра рецептори α ва β -пептил занжирининг ҳар бире констант ва вариабел қисмлардан ташкил топган бўлиб, ўзаро дисульфид боғи ёрдамида, мембрана ёнида бирикади Рецептор, мембрана CD3 молекуласини ташкил қилган уч занжири билан алоқадорлиги кўрсатилиган.

37-расм. Т-хужайра рецептор генлари (α ва β занжир генлари)



кодлайдиган генлар учрайди 37-расмда α ва β занжирларини кодлайдиган Т—хужайра генларининг жойлашиш тартиби кўрсатилиган. Т—хужайраларнинг етилишида V, D ва J фрагментларининг транслокация жараёни ётиб, у туфайли бутун VDJ изчиллиги шакланади. Тахминларга кўра $V\alpha$ қисмга тааллуқли 11 ген оиласачалари ва 14 $V\beta$ оиласачалари бўлиши мумкин. Қобиднитга (комметация) қодир бўлган Т—хужайраларда бир $V\alpha$ сегмент, бир $J\alpha$, $V\beta$ — сегмент эса $D\beta 1$ ҳамда $J\beta 1$ ёки $D\beta 1$ ва $J\beta 2$ сегментлар бир-бирлари билан би-

рикади. Бунинг натижасида ҳосил бўлган сўнгти полипептид маҳсулотлари DJC ва VDJC ҳамкорлик комбинацияларига мос келади. Худди иммуноглобулин ген маҳсулотларининг содир бўлиши каби, бу жараёnda ҳам РНК молекуласидан, сплайсинг механизми ёрдамида VDJ ва С орасидаги нитронлар четлантирилади.


T — лимфоцит антиген рецепторининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, бунда бегона антиген комплексидаги детерминантлар нафақат ягона T — ҳужайра рецептори ёрдамида, балки у билан чамбарчас боғланган бош гистомансублик комплекси (ГБК) ген маҳсулотларининг қатнашуви билан ҳам фарқланади. Шуни назарда тутган ҳолда ГБК нинг тутган ўрни тўғрисидаги маълумот билан танишиш лозим.

ГИСТОМАНСУБЛИКНИНГ БОШ КОМПЛЕКСИ (ГБК)

Сутэмизувчилар организмида тўқималар мансублигини ифодалаб берадиган бир гурӯҳ генлар тўплами борлиги аниқланган. Ушбу ген локусига алоқадор ген маҳсулотлари тўқима ва органлар трансплантацияси (кўчириб ўтказиш) жараёнида жуда муҳим аҳамиятга эга. Ўзларининг етук вазифаларига кўра, бу генлар тўдаси бош гистомансублик комплекси (ингл. Major Histocompatibility complex) деб номланган. Аллотрансплантантларга (бирор-бир биологик тур орасидаги тўқималарни жон эгаларига кўчириб ўтказиш) нисбатан содир бўладиган иммунологик жавобни назорат этишдан ташқари, бу генлар, физиологик жиҳатдан муҳим бўлган ҳужайраларро муносабатни ҳам аниқлаб беради.

Иммунология фанининг тараққиёти даврида икки турнинг асосий гистомансублик комплекслари батафсилоқ ўрганилди. Улардан бири — сичқонларга тааллуқли бўлган H—2, иккинчиси одам организмидаги HLA — комплексларdir.

H—2 комплекси. Сичқонларнинг 17 хромосомасидан жой олган H—2 генлар оиласининг тузилиши 38-расмда акс эттирилган. H—2 комплексининг асосий тўрт — K, I, S ва D соҳа генлари центромерага нисбатан тўғри изчилликда жойлашган. Умуман, бугунги кунда H—2 комплексида саккизта соҳа ва унга тегишли генлар мавжудлиги кашиф этилган. Ўлар қуйидагилардир: K, A, B, J, E, C, S, D. Ҳар бир соҳага кирган ген альтернатив (муқобил) ёки аллел шаклда намоён бўлади. Масалан, A — чизигига қарашли сичқонлар H—2 аллели билан ифодаланса, C57B—L га тааллуқли сичқонлар эса



38- расм. 17- хромосомадаги сичқон ГБК генлари тұдаси

H—2b билан инфодаланади. H—2 комплексининг генетик харитасида акс эттирилган соҳаларга назар ташлар эканмиз, қуйидагиларни таъкидлаш зарур: биринчидан, комплекс таркибидан ўрин олған соҳа — бу хромосоманинг иккала қисмини чегараловчы генлар жойи бўлиб, уларни рекомбинация жарабёни давомида аниқлаш мумкин. Иккинчидан, соҳаларнинг ўзи бир қанча генлар тұдаси локусларини қамраб олади. 38—39-расмда акс эттирилганидек, А — соҳаси IR, Ia — I локусларини ўз ичига олади. Генетик локус — бу бирор оқсил синтезига жавоб берадиган ген бўлиб, у қўшни генлардан рекомбинация туфайли ажралиб туради. Демак, ГБК га кирган генлар соҳаси ва локуслар орасида фарқ, улар таркибига кирган генлар сони билан аниқланади. Гаплотур — бу тиркалган соҳалардаги индивидуал аллелларнинг йиғиндиси бўлиб, бир хромосома орқали наслдан-наслга ўтади. Масалан, C57B1 сичқон чизигида b аллел бўлса, у H—2 комплексининг соҳаларига тегишли ҳолда қуйидагича белгиланади

(K^b, A^b, B^b, J^b, E^b, S^b, D^b). Лекин, холис гаплотурлардан ташқари рекомбинат гаплотурлар ҳам маълум бўлиб, улар соҳалардаги турли аллелларни ўз ичларига олади. Масалан, сичқонларнинг A. T. L чизиги, H—2 комплексидаги K—соҳа—s аллел билан (H—2^s) D соҳа k аллел билан ва оралиқ соҳа d аллели билан ифодаланган (K^s A^d B^d J^d E^d S^d C^d D^k) H—2 комплексига қарашли генларнинг маҳсулотлари турли услублар ёрдамида аниқланishi мумкин. Шунга асосланган ҳолда антигенларнинг бир қисми зарбдор аниқлагичлари (Serological defined) қолгандар эса лимфоцит аниқлагичлари (Lymphocyte defined), деб ҳам аталади. Лекин, кейинчалик LD ёрдамида аниқланадиган антигенлар зардоб ёрдамида топилиши мумкин эканлиги ҳам маълум бўлди. Шунинг учун ГБК га кирган антигенлар ёки генлар биринчи ва иккинчи синфларга бўлинади. ГБК нинг вакиллари икки синфга бўлиниши, уларнинг серологик, иммунокимёвий хусусиятлари ҳамда баъзи бир бажарадиган вазифаларига алоқадор бўлиши, тўқималарда учрашларига асосланган.

H—2 комплексининг K ва D соҳаси I синф локусларини ўз ичига олади. K—соҳаси фақатгина бир локусни ўз ичига олган бўлса, D соҳаси I синфга оид уч локусни қамраб олган (D, L ва R). I синфга кирган генларнинг маҳсулотлари гликопротеин бўлиб, уларнинг молекуляр оғирлиги 45000. Оғир ва енгил занжирлар (12000) ўзаро ноковалент боғланади. Бетта —2— микрoglobulin ($\beta 2m$) деб номланадиган енгил занжир гени сичқон геномининг бошқа қисми билан алоқадор бўлаади. Оғир занжир молекулалари трансмембрана оқсилилари бўлиб, уларнинг деярли 80 фоизи ҳужайра мембраннынг ташқи сиртида жойлашади. Молекуланинг бошқа қисмлари мембрана ва ҳужайранинг ички қисмларида ётади. I синфга оид молекулалар орасидаги ўхшащлик (гомология) 80—90 фоизни ташкил қиласи.

I синф ген маҳсулотлари деярли организмнинг ҳамма ҳужайраларида намоён (экспрессия) бўлади, шунингдек турли тўқималар таркибида уларнинг экспрессияси фарқланади. K ва D ген маҳсулотлари кўпроқ лимфоцитлар таркибида намоён бўлади (бир ҳужайра учун 10^4 — 10^5 миқдорда). Бу молекулаларнинг экспрессия даражаси эритроцит ва ирсий ҳужайраларда (гамета) жуда сустдир. I синф ген маҳсулотлари, яъни мембранага бириккан гликопротеинлар аллоиммун зардоб ва моноклон илдизли антитаналар ёрдамида аниқланади. I синф ген маҳсулотларининг организм учун аҳамияти катта. Ушбу молекулалар қуйидаги функцияларни оидлайди:

онал хусусиятлар билан боғлиқ; трансплантантнинг тез кўчиши антитаналарни дарҳол синтез этишдаги рағбатлантириш, ҳужайравий лимфолиз реакцияларини содир қилиш, ГБҚ билан боғлиқ бўлган Т — ҳужайралар эффекти ва бошқалар. Хулоса қилиб айтганда, бу молекулалар — ҳужайраларнинг универсал тузилмалари. Й—2 комплексининг I соҳасида икки локус борлиги кашф этилган (А ҳамда Е). Бу локусга тегишли ген маҳсулотлари Ia антигенлари деб номланган, бу I соҳа билан алоқадор бўлган маҳсулотлар (Ia—I—associated) маъносини англатади. Ҳар бир Ia молекула гликопротеин ҳисобланади. Ҳар бир пептид занжирнинг молекуляр оғирлиги бир-бирига деярли тенг келади (35000 ва 28000 ни ташкил қиласди). Иккала занжирнинг синтезини I — соҳада жойлашган генлар амалга оширади. А — соҳасининг антигени I—A, Е соҳасининг антигени эса I—E деб ифодаланади ва ҳоказо. II синфга оид молекулалар ҳужайраларда чегаралangan миқдорда намоён бўлади. Улар асосан В — ҳужайра ва баъзи бир макрофагларнинг ташқи мемброналарида намоён бўлади. Ia — антигенлар экспрессияси ҳақидаги маълумот ҳали тўлиқ эмаслигига қарамасдан, бу молекулаларнинг тимоцит, атроф Т — лимбоцит, баъзи бир эпителиал ҳужайра, буйрак ҳужайралари таркибида намоён бўлиши аниқланган.

Ia антигенлар организмда иккита муҳим вазифани, аллоген реакцияларда иштирок этиш ҳамда ҳужайралараро муҳим физиологик муносабатларни ўрнатишни амалга оширади. Лимбоцитларнинг микст (кўшилган) реакцияси, гуморал антитаналарнинг шижаат билан ишлаб чиқарилиши «хўжайнинг қарши трансплантант» реакцияси ва бошқалар аллоген реакциялар ҳисобланади.

Ia — антигенларнинг, иммунологик жавоб келтириб чиқаришдаги роли жуда катта, бу борада, Т ва В — лимбоцитлар ҳамда макрофаглар ўртасидаги муносабатларни алоҳида таъкидлаш керак. Кўнчилик ҳолларда бегона бўлган антигенлар, Т — ҳужайраларга антиген — тавсия этувчи ҳужайралар ёрдамида узатилиши лозим. Бундай ҳолларда Т-ҳужайра, бегона, антигенни тавсия қилувчи ҳужайраларнинг ўз антигенлари билан бўлган комплекс ҳолатда ажратса билиши керак. Шундан кейингина турли эфектор механизmlар юзага келади. Ia — антигенларнинг яна бир муҳим функцияларидан бири, иммунологик жавоб генлари билан боғлиқ

бўлади (бу маълумот китобнинг керакли қисмларида келтирилган).

H—2 комплексининг I соҳаси яна беш қисмга бўлиниди, унинг фақат икки A ва E соҳалари дагина II синфа оид локуслар аниқланган. В — соҳада бир қанча иммунологик жавоб генлари бўлиб, улар юқори ва суст даражадаги иммунологик реакцияларини келтириб чиқарадиган фенотурларни назорат этиши маълум бўлди. Шу бугунгача I—B соҳасидаги ген маҳсулотлари серологик услубда аниқланмаган. Тахминларга кўра, бу ген маҳсулотлари экспрессия қобилиятига эга бўлмаган, холис регулятор молекулалари ҳисобланади.

J — соҳасининг ген маҳсулотлари ҳам бугунгача яхши ўрганилмаган, бу молекулалар супрессив омилларга боғлиқ деб эҳтимол қилинади, чунки улар кўпчилик сўндирувчи омил ва I— супрессор ҳужайраларида учраб, бир-бирларидан фарқ қиласди.

H—2 нинг C — соҳаси серологик ўзига хослик жиҳатини ўрганиш ёрдамида кашф этилган. Кейинчалик бу соҳанинг мавжудлиги бир неча бор тасдиқланди, бу соҳага кирган ген маҳсулотлари ҳали иммунокимёвий тузилмаси бўйича аниқланган эмас, лекин шунга қарамасдан, баъзи бир тадқиқотчиларнинг тахминига биноан, бу соҳада IR генлари жойлашади. Улар лимфоцитларнинг микст реакция кучини аниқлаб беради. Кўп йиллар ичida H—2 комплексининг S — соҳасидаги генлар вазифаси, улар маҳсулотининг тузилмаси номаълум эди. Яқин йиллар ичida бу генлар комплементнинг C₄ компоненти синтезида иштирок этиши аниқланди. Худди ана шундай генлар одам организмидаги ГБК таркибида ҳам борлиги маълум бўлди.

H—2 комплексида Qa ва TLa генлар ҳам жойлашиб, уларнинг маҳсулотлари турли ҳужайралар таркибида учрайди. TLa — локус деб аталишининг моҳияти шундаки, унинг антигенлари тимус ҳужайралари ва T — ҳужайра лейкозида учрайди (*Thymus Leukemia Antigens*, тимус — лейкозли антигенлар). Qa антигенлар TLa антигенларидан фақат периферик T — лимфоцит субпопуляциялари таркибида топилиши билан фарқ қиласди. Ўзининг биокимёвий тузилишига кўра, TLa молекуласи оғир ва енгил занжирдан ташкил топган. Унинг енгил занжирни бетта —2 микроглобулин молекуласига мос. Бошқа ГБК антигенларидан TLa антигенларининг фарқи шундаки, улар ўз ҳолатини ҳужайра мембранныси сиртида ўзгартириши мумкин. TLa локуси H—2 дан ўнроқда ётиб, уларнинг орасида Qa — локуси ўрин олади.


Бу локус ягона бўлмай, унинг ўзи яна беш сублокуслардан ташкил топган. Ушбу локусдан жой олган ген маҳсулотлари аллоиммун зардоб ва моноклонал антитаналар ёрдамида аниқланади.

Бугунги кунда, H—2 комплексидаги генлар ва улар ҳосил қилган локуслар ҳамда соҳаларнинг жойлашиш ўрни тадқиқотчилар томонидан батафсил ўрганилиш арафасида турибди. Кейинги илмий текширишлар бу муаммони тўла ечиб бериши шак-шубҳасиз.

HLA — КОМПЛЕКСИ. Худди сичқонларники каби одам организмида ҳам ГБК бўлиб, у HLA — human Leucocyte Antigens, ўзбекласига одамнинг лейкоцит антигенлари деб номланган. Бу комплекс ёки тизимга кирган ген маҳсулотлари илк бор лейкоцитлар таркибида топилган. Бугунга келиб, ушбу антигенлар фақат лейкоцитлар таркибидагина эмас, балки ядрога эга бўлган ҳужайраларнинг ташқи мембраналарида ҳам бўлиши аниқланган. HL A тизимининг одам организмида тутган ўрни ниҳоятда муҳим. Бунинг сабаби тизимга кирган генлар трансплантацион антигенларини ифодалаш билан бирга, уларнинг маҳсулотлари иммунологик жараёнларда иштирок этади. Бугунги кунда комплекс таркибига кирган генларнинг сонини аниқлаш, вазифаларини тўлароқ белгилаш тадқиқотчиларнинг эътиборларини ўзига жалб қилмоқда.

HLA — ТИЗИМИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ. Дастраслабки текширишлар, бир индивиднинг терисини бошқа индивидга кўчириб ўтказилганда (аллотрансплантация) қисқа вақт ўтгач унинг кўчишига олиб келишини кўрсатди. 1927 йил Бауэр монозигот эгизакларда тери трансплантацияциясини (изотрансплантация ўтказганида) тери кўчмаслигини яққол исботлаб берди. Мана шундай ўтказилган илмий текширишлар натижасида, кўчиш реакцияси генетика қонунларига бўйсуниши исботланган эди. Кейинчалик трансплантант кўчишининг сабабларини ўрганиш учун, тадқиқотчилар шу жараённи генетик, иммунологик ва биокимёвий жиҳатлари томонидан кўра бошладилар. 1954 йил Ж. Доссэ баъзи бир, кўп қон қабул қилган касалларнинг зардобида лейкоцитларга қарши агглютинилар ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. Шу вақтдан бошлаб, такрорий қон қўйилиши натижасида содир бўладиган антитаналарни мунтазам равишда, лейкоагглютинация реакцияси ёрдамида ўрганилиб, лейкоцитларда учрайдиган ва Mac деб номланган дастраслабки антиген аниқланди. Бир оз вақт ўтганидан кейин, оиласвий ва эгизакларда ўтказилган тадқиқотлар, бу антигенларнинг

ҳақиқатдан генетик қонунларга риоя қилгани ҳолда бар-хаёт бўлишини маълум қилди. Кейинги йиллар ичида янги кашф этилган лейкоцит антигенларининг сони тобора қўпайиб бориб, 1965 йилга келиб, улар ҳаммаси бир генетик тизим таркибига кирган генларнинг маҳсулотлари деб таҳмин қилина бошланди. Турли лабораториялардаги қўлланиладиган зардоблар ёрдамида очилган антигенларни умумий таснифга келтириш ҳамда зардобларни бир-бири билан таққослашни кўзда тутиб, 1964 йил Бернард Эймос бошчилигида Ишчи конференция ўюштирилди (Workshop and Conference of Histocompatibility).



39-расм. HLA-тизимидағи ген локусларининг тутган ўрни (PGM3, GLO ва PG5-локуслар HLA билан кўшни ҳисобланади)

HLA — тизимининг генетикаси. HLA — комплексининг бугунги кундаги генетик ҳаритаси 30-расмда кўрсатилган. HLA — тизимининг кўпчилик жиҳатлари H-2 комплексининг деярли тақорланишидир. ГБК нинг одамдаги HL A деб ном олган тизими мултигенлар

оиласини ўз ичига олади, бу генлар бир қанча мұхим иммунологик функцияларни бажаради. Бу комплекс олтинчи хромосоманинг қисқа кафтида ётиб, уч хил молекула тузилмасына оид маҳсулотларнинг синтезіда иштирок этади. I синф антигенлари HLA—A, B ва C гликопротеинлардир, улар бегона антигенларни, масалан, вирус таркибига кирган гликопротеинларни цитотоксик Т — лимфоцитларига тавсия этади.


II синфга тааллуклы антигенлар HLA — комплекснинг соҳасида бўлган генлар билан аниқланади. III синф ген маҳсулотларини зардоб таркибига кирган комплементнинг турли компонентлари ташкил этади.

HL A — тизимиға қўшни бўлган яна бир қанча ген локуслари мавжуд. Улар орасида пропердин омилларининг генлари, гликоксилаза фермент (GLO) фосфоглюкомутаза (PGM), пепсиноген —5 (Pg—5), 21— гидроксилаза (21—OH) ҳамда ўсимта некроз омилининг генлари ва бошқалар мавжуд.

I синфнинг HLA—ген ва антигенлари. HLA—A, B ва С генлар биринчى синфи ташкил этиб, ядрога эга бўлган ҳужайралар таркибида учрайди. Бу генларнинг маҳсулотлари трансплантацион антигенлар деб аталиб, жуда полиморф (кўп вакилли) ҳисобланади. Дастрабки иккита, яъни HLA—A ва B локусига кирган антигенларнинг сони деярли 100 фоизни ташкил этади. HLA—C локусидаги антигенлар сони тахминан 60%. I синф генлари хромосомада центромерадан теломера йўналишида HLA—B—С—А бўлиб жойлашган. I синф генларининг яна бир ўхшаш генлари бўлиб, улар Qa ва TLa ҳисобланади, бу генлар H—2 комплексидаги Qa ва TLa генлар каби, B—С—А локусларига боғлиқ ҳолда ётади. Бу генларнинг сони ҳозирча номаълум.

Бугунги кунда локусларнинг комплексдаги тутган ўрни, улар орасидаги масофа аниқланган бўлиб, генетик харитада улар нуклеотид асосларининг минг жуфтити — а.м.ж. билан белгиланади. ГБК га ўхшаш мултиген оиласини ўрганишда рекомбинант ДНК технологиясининг қўлланилиши жуда самарали бўлди. Бугунги кунда, ГБК даги баъзи бир I синфга оид геном клонларининг ДНК изчиллиги ўрганилган. Маълум бўлишича, бу генлар кодлаштирадиган изчилликларни мужассам этгани ҳолида (экзонлар), улар орасида изчилликни кодлаштирамайдиган қисмлари (инtronлар) ҳам жойлашган.

HLA I синф генларининг экзон — инtron тузилиши, шу полипептиддаги доменлар тузилмаси борлигини кўр-



40-расм. I ва II синф антигенларини кодлайдиган генларнинг экзон-китрон тузилиши (TM- трансмембрана, Cyt- цитоплазма экзонлари).

сатади (40-расм). Биринчи экзон сигнал изчиллигини, уч экзоннинг ҳар бири, биттадан ташқи доменини кодлаштиради. Трансмембрана доменидаги изчиллик бешинчи экзон билан аниқланади, қолган учта, деярли кичик экзонлар биргаликда цитоплазматик доменини кодлаш қобилиятига эга. Бетта — 2 микроглобулин генининг тузилмаси ҳам аниқланган, у түрт экзондан ташкил топган. Биринчи экзон ҳам I синф гени каби сигнал изчиллигини кодлашда бевосита иштирок этади. Иккинчи экзон оксилнинг асосий функционал қисмини (учинчидан то 95 аминокислота қолдигигача) учинчи экзон эса, полипептид занжирининг охирги түрт аминокислотасини ва ниҳоят түрткінчи экзон — трансляция бўлмайдиган сўнгги қисмини белгилайди.

I СИНФ ГЕН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ТУЗИЛИШИ

HLA комплексига кирган антигенларни биокимёвий жиҳатдаи ўрганиш анча мушкул иш ҳисобланади, чунки, биринчидан, бу антигенлар бир лимфоид ҳужайрага

онласини ўз ичига олади, бу генлар бир қанча муҳим иммунологик функцияларни бажаради. Бу комплекс олтинчи хромосоманинг қисқа кафтида ётиб, уч хил молекула тузилмасига оид маҳсулотларниң синтезида иштирок этади. I синф антигенлари HLA—A, B ва C гликопротеинлардир, улар бегона антигенларни, масалан, вирус таркибиға кирган гликопротеинларни цитотоксик Т — лимфоцитларига тавсия этади.


II синфга тааллуқли антигенлар HLA — комплексининг соҳасида бўлган генлар билан аниқланади. III синф ген маҳсулотларини зардоб таркибиға кирган комплексментнинг тури компонентлари ташкил этади.

HLA — тизимиға қўши бўлган яна бир қанча ген локуслари мавжуд. Улар орасида пропердин омилларининг генлари, гликоксилаза фермент (GLO) фосфоглюкомутаза (PGM), пепсиноген —5 (Pg—5), 21—гидроксилаза (21—ОН) ҳамда ўсимта некроз омилиниң генлари ва бошқалар мавжуд.

I синфнинг HLA—ген ва антигенлари. HLA—A, B ва C генлар биринчи синфи ташкил этиб, ядрога эга бўлган ҳужайралар таркибида учрайди. Бу генларниң маҳсулотлари трансплантацион антигенлар деб аталиб, жуда полиморф (кўп вакилли) ҳисобланади. Дастлабки иккита, яъни HLA — A ва B локусига кирган антигенларниң сони деярли 100 фойизни ташкил этади. HLA—C локусидаги антигенлар сони тахминан 60%. I синф генлари хромосомада центромерадан теломера йўналишида HLA—B—C—A бўлиб жойлашган. I синф генларининг яна бир ўхшаш генлари бўлиб, улар Qa ва TLa ҳисобланади, бу генлар H—2 комплексидаги Qa ва TLa генлар каби, B—C—A локусларига боғлиқ ҳолда ётади. Бу генларниң сони ҳозирча номаълум.

Бугунги кунда локусларниң комплексдаги тутган ўрни, улар орасидаги масофа аниқланган бўлиб, генетик харитада улар нуклеотид асосларининг минг жуфтити — а.м.ж. билан белгиланади. ГБҚ га ўхшаш мултиген онлаларини ўрганишда рекомбинант ДНК технологиясининг қўлланилиши жуда самарали бўлди. Бугунги кунда, ГБҚ даги баъзи бир I синфга оид геном клонларининг ДНК изчиллиги ўрганилган. Маълум бўлишича, бу генлар кодлаштирадиган изчилликларни мужассам этгани ҳолида (экзонлар), улар орасида изчилликни кодлаштирумайдиган қисмлари (инtronлар) ҳам жойлашган.

HLA I синф генларининг экзон — инtron тузилиши, шу полипептиддаги доменлар тузилмаси борлигини кўр-




40-расм. I ва II синф антигенларини кодлайдиган генларнинг экзон-инtron тузилиши (TM- трансмембрана, Cyt- цитоплазма экзонлари).

сатади (40-расм). Биринчи экзон сигнал изчиллигини, уч экзоннинг ҳар бири, биттадан ташқи доменини кодлаштиради. Трансмембрана доменидаги изчиллик бешинчи экзон билан аниқланади, қолган учта, деярли кичик экзонлар биргаликда цитоплазматик доменни кодлаш қобилиятига эга. Бетта — 2 микроглобулин генининг тузилмаси ҳам аниқланган, у түрт экзондан ташкил топған. Биринчи экзон ҳам I синф гени каби сигнал изчиллигини кодлашда бевосита иштирок этади. Иккинчи экзон оқсилнинг асосий функционал қисмини (учинчидан то 95 аминокислота қолдигигача) учинчи экзон эса, полипептид занжирининг охирги түрт аминокислотасини ва ниҳоят түрткінчи экзон — трансляция бўлмайдиган сўнгги қисмини белгилайди.

I СИНФ ГЕН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БИОҚИМЁВИЙ ТУЗИЛИШИ

HLA комплексига кирган антигенларни биокимёвий жиҳатдан ўрганиш анча мушкул иш ҳисобланади, чунки, биринчидан, бу антигенлар бир лимфоид ҳужайрага

5×10^5 ҳисобида түғри келади, яъни бевосита уларнинг тузилишини аниқлаш учун молекулаларнинг миқдори ниҳоятда оз. Иккинчидан, бу антигенлар ҳужайраннинг мембранны билан боғлиқ бўлиб, уларда гидрофоб қисмлар мавжуд, демак, одатдаги оқсилларни ажратиш учун қўлланиладиган буфер тизимларини ушбу антигенларга нисбатан ишлатиб бўлмайди, чунки бу ҳолда молекулалар агрегацияяга учраб, эримайдиган бўлиб қолади. Лекин шунга қарамасдан, юқорида баён этилган қийинчиликлар, тадқиқотчилар томонидан ҳал этилди. Бунда улар ин витро тизимида ушбу антигенларни жуда кўп миқдорда ишлаб чиқарадиган ҳужайра клонларидан ва мембрана билан боғлиқ бўлган антигенларни ажратиб олишда ион бўлмаган детергентлардан фойдаланган. I синфга оид молекулалар тузилмасини аниқлашда Гарвард университетининг Ж. Строминжер бошчилигидаги бир гурӯҳ ходимлари катта ютуққа эришишди. Ўлар одам лимфоцитларидаги HLA — A2, HLA — A28 ва HLA — B7 антигенларини ажратиб олиб, ундаги аминокислоталар изчиллигини аниқладилар. 41-расмда кўрсатилганидек, I синф молекуласи иккита полипептид занжирдан ташкил топган. Бирни оғир занжир (молекуляр оғирлиги 44000), иккинчиси esa енгил полипептид занжиридир, молекуляр оғирлиги 12000 га тенг. Оғир занжир HLA — генлар билан аниқланади, енгил занжир эса 15 хромосомада жойлашган ген ёрдамида назорат этилади ва бетта — 2



41-расм. HLA I синф (A, B, C) молекуласининг тузилмаси. $\alpha 3$ глобуляр домен $\beta 2m$ билан боғланган. Қисқача гидрофил қисм (COOH -қирғоқ) цитоплазмада, гидрофоб қисм эса — плазматик мемранада жойлашган.

микроглобулин деб аталади (41-расм). Оғир занжир 338 аминокислотани ўз ичига олган, улардан 274 таси ҳужайранинг ташқи қисмида, 32 аминокислота ҳужайранинг мембранасида ва шунчаси цитоплазма ичида ётади. Ҳужайранинг ташқи қисмида ётган молекулани уч соҳага бўлса бўлади, улар иммуноглобулин доменларига ўхшаш, ҳар бири тахминан 90 аминокислота қолдиғидан ташкил топган (альфа 1, 2 ва 3). Альфа 2 ва альфа 3 доменларида дисульфид кўприклар мавжуд бўлиб, альфа 3 доменига бетта —2 микроглобулини ёндошиб ётади, у ҳам дисульфид кўпригига эга. Тахминларга кўра, антигенларнинг аллоантigenлик хусусиятларини аниқлаб берадиган қисм аминокислоталарнинг 65—83-қолдиқлари орасида ётади.

I синфга оид бир антиген бошқа антигендан бир қанча, альфа 2 ва альфа 3 доменларида ётган, аминокислоталар қолдиғи билан фарқ қиласди. Масалан, бир-бири билан яқин бўлган HLA—A2 ва HLA—A28 антигенлар ўнта аминокислота, узоқроқ бўлган HLA—A2 ва HLA—7 антигенлар эса 43 аминокислота қолдиқлари билан фарқ қиласди. Демак, шундай қилиб, доменларда полиморфизмни белгилаб берадиган маълум бир ноҳиялар мавжуд бўлади.

Гарчи $\beta 2m$ I синф молекула таркибида кирсада, уни аниқлаб берадиган ген HLA тизимидан ўрин олмаган. Одам $\beta 2m$ буйрак касаллиги билан оғриган беморларнинг сийдиги таркибида топилган. Аминокислоталар изчилигини ушбу молекулада ўрганиш, унинг таркибида 99 қолдиқ борлигини кўрсатди. Унинг таркибида иккита цистеин қолдиғи бўлиб, улар орасида дисульфид кўпrik ҳосил бўлади. $\beta 2m$ — иммуноглобулинларнинг доимий қисмларига жуда ўхшайди, у I синф молекула-ларини Гольджи аппаратига ташишда муҳимдир. Илмий текширишлар, $\beta 2m$ оғир занжир билан ковалент боғланмаслиги ва ҳужайранинг ташқи мембранасида мустаҳкам эмаслигини кўрсатди. Нормал ҳолатда $\beta 2m$ нинг миқдори зардоб таркибида 0,8—2,4, сийдикда эса 0,08—0,3 мг/л ташкил этади. Буйрак найчаларининг функцияси бузилганда, унинг сийдик билан бўлган экскрецияси ошади, зардоб таркибидаги миқдорнинг ошиши эса турли иммуночологик тизим касаллilikлари, ўсимта жараёнларида қайд этилган.

II синф А—ген ва антигенлари. Бу синфга тааллуқли генлар тўғрисидаги маълумотимиз кундан-кунга ошиб бормоқда. Бу генлар тўплами мураккаб тузилишга эга бўлиб, улар HLA— комплексининг энг кичиги таринча-

сида күрсатилади. II синфга кирган генлар асосан HLA — комплексининг D — қисмидан ўрин олган. Бу ген маҳсулотлари (D — антигенлар) серологик реакциялар ёрдамида аниқланмасдан, лимфоцитларнинг қўшилган реакцияси (MLC) ёрдамида аниқланади. 1972 йили Ейсфогель ҳамкорлигидан HLA — D локус, унга қўшни бўлган HLA — B локусидан ташқарироқда, яъни центромерага яқинроқ қисмидан аниқланган. HLA — D антигенларини аниқлашда биринчи бўлиб, D — локуси бўйича гомозигот бўлган ҳужайралар ишлатилган (HTC, яъни Homozygous typing cells). Бугунги кунга келиб HLA — D соҳасининг ўзида яна учта локус ётганлиги маълум бўлди. Улар HLA—DR, DQ ва DP лардир.

HLA — D қисмнинг ўзи 26 аллелни ўз ичига олади. HLA—DR 18 антигенни, HLA — DQ — 9 та ва HLA — DP — 6 специфик детерминанталарни ўз ичига олган. HLA — D антигенларидан фарқли ўлароқ, HLA — DR, DQ ва DP антигенларини, серологик реакция ёрдамида аниқласа бўлади. Тахмин қилинишига кўра, серологик реакция ёрдамида аниқланадиган HLA — DR антигенлар MLC реакциясида белгиланадиган HLA — D антигенларига мос ҳисобланар эди, бугунги кунда ҳам ушбу муаммо тўла ҳал этилгани йўқ, чунки HLA — D ва DR локусларидағи саккизта антиген орасида ўзаро муносабат мурт бўлишига қарамасдан (12-жадвал), баъзи бир антигенлар орасида қарама-қаршиликлар (acosan европеоид ирқига хос бўлмаган шахсларда) кескин фарқ қиласди.

II синфга оид барча генлар ўхшаш инtron-экзон тузилмага эга. 41- расмда альфа ва бетта генлар учун эк-

12- жадвал

HLA-D ва HLA-DR орасидаги муносабат

| HLA—D маҳсулотлари | HL A — DR билан бўғлиқ бўлган маҳсулотлар |
|---------------------|--|
| DW 1 | DR 1 |
| DW2, DW12 | DR 2 |
| DW3 | DR 3 |
| DW4, 10, 13, 14, 15 | DR 4 |
| DW5 | DRW 11 (5) |
| DW6, 18, 19 | DRW 13 (6) |
| DW 9, 16 | DRW 14 (6) |
| DW 7, 11, 17 | DR 7 |
| DW 8 | DRW 8 |

зонлар акс эттирилган. Худди I синф молекулалариға ўхшаш оқсилининг функционал доменлари алоҳида экзонлар билан белгиланади. II синф альфа генлари беш экзондан ташкил топган бўлса, бетта генлар эса олтига экзондан иборат. Молекуляр клонлаштириш услуби ёрдамида бешта DR генлар аниқланган. Улардан тўрттаси β (улар орасида биттаси соxта ген) ва биттаси α — гендир. Аммо DR β — ген ва соxта ген сони турлича бўлиши мумкин. Умуман, иккита функционал β — занжирнинг ҳар бири α — занжир билан димерни ҳосил қиласида ва иккита DR антигеннинг синтезида иштирок этади.

HLA — комплексининг DQ локуси иккита альфа ва бетта ген жуфтини ўз ичига олади. $\alpha 1$ ва $\beta 1$ генлар биргаликда, серологик усулда аниқланадиган, DQ антигенини кодлаш вазифасини бажаради. $\alpha 2$ ва $\beta 2$ генлар эса, ДНК изчиллигининг функционал генлари деб тахмин қилинади.

HLA — DP локусидаги $\alpha 1$ ва $\beta 1$ генлар ҳам ўз навбатида Р антигенини кодлашда қатнашади. Иккинчи жуфт генлар эса ($\alpha 2$ ва $\beta 2$) соxта генлар ҳисобланади. II синф генлари ниҳоятда полиморф. Масалан, DR субрегионидаги $\beta 1$ гени ўта полиморф, $\beta 3$ ва $\beta 4$ генлар нисбатан камроқ полиморфлик хусусиятига эга. HLA — DQ антигенини кодлайдиган $\alpha 1$ ва $\beta 1$ генлар ҳам жуда кўп вакиллик ҳисобланади. II синфдаги α ва β занжирларининг полиморфлиги асосан биринчи ташки доменга боғлиқ бўлади.

II СИНФ МОЛЕҚУЛАЛАРИНИНГ БИОҚИМЕВИЙ ТУЗИЛИШИ

Хильшман лабораториясида (1981 йил) асосан биоқимевий усуллар ёрдамида HLA — DR ген маҳсулотларининг альфа ва бетта занжирлари тозаланиб ажратиб олинган. II синф молекулалари иккита α ва β полипептид занжирларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг молекуляр оғирлиги бир-бирига деярли тенг ва 34000, 28000 ни ташкил қиласи. Ушбу занжирлар ковалент боғланмаган, ҳар бир II синф молекуласи иккитадан кам бўлмаган генлар билан кодланади (42-расм). Ковалент боғланмаган альфа ва бетта занжирларининг ҳар бири иккита ташки доменга ҳамда трансмембрана ва қисқа цитоплазматик доменларга эга. Иккала домен иммуно-глобулин доменига жуда ўхшаш. Бетта занжирнинг ҳар иккала доменида дисульфид кўприк бор. Учинчи синф генлари I ва II синф генларининг орасида жойлашган.


Уларга комплемент компоненти (C2) ва пропердиннинг В омили (BF) киради.

ГБК локуслари билан бирга C2 ва C4 омилларини аниқлайдиган генлар, бир гурӯҳ тиркалган генларни ташкил қиласди. Бу эса, ушбу ГБК га кирган генларнинг ҳаммаси бир ягона она генидан келиб чиққанлигидан далолат беради.

I VA II СИНФ ГЕН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ МЕМБРАНАДАГИ ЭКСПРЕССИЯСИ

Деярли барча ядрога эга бўлган ҳужайраларнинг ташки мемброналарида I синфга оид молекулалар намоён бўлади.

Лейкоцитлар, Т — лимфоцитлар, тромбоцит, сперматозоид, фибробласт ва бошқа ҳужайралар шу жумладандир. HLA — антигенларининг деярли ҳамма ҳужайралар таркибида учраши уларнинг организм учун муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Лимфоцитнинг мембрана таркибида ҳар бир HLA — маҳсулотнинг 10^3 — 10^4 бўлади. Хулоса қилиб айтганда, HLA молекулалари лимфоцит сиртининг тахминан 1 фоизини ташкил қиласди. II синф молекулаларининг экспрессияси анча чегараланган бўлиб, улар В — лимфоцит ва макрофагларда кўпроқ учрайди. Одам қон таркибининг 12—16 фоизи лимфоцитларнинг DR антигенлари билан боғлиқ, яъни В — лимфоцитлар миқдорига teng. II синф молекулаларининг экспрессияси фақат В — лимфоцит ва макрофагларда чегараланмасдан, бошқа бир қанча ҳужайраларда ҳам намоён бўлади. Масалан, бу молекулалар дендрит ҳужайраси, талоқдаги Купфер ва тери ҳужайраларида



42-расм. HLA II синф (DR) молекуласининг тузилмаси (α ва β занжирлар иккита глобулляр до-менларга эга).

HLA системасидаги 2 синф антигенларининг экспрессияси

| Хужайраларнинг келиб чиқиши | 2 синф антигени | Экспрессия қобилияти |
|--|-----------------|----------------------|
| Макрофаг | DR | — |
| | DP | + |
| | DQ | ± |
| Кератиноцит | DR | + |
| | DP | ? |
| | DQ | ± |
| В — ҳужайра лейкемияси | DR | ± |
| | DP | + |
| | DQ | — |
| Сурункали лимфоцит лейкемияси | DR | + |
| | DP | + |
| | DQ | — |
| Колония ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг эритроид қатори | DR | + |
| | DP | ? |
| | DQ | — |
| Дендрит ҳужайра | DR | ± |
| | DP | ± |
| | DQ | + |
| Томир эндометрийсининг ҳужайраси | DR | + |
| | DP | + |
| | DQ | — |

| Хужайраларнинг келиб чиқиши | 2 синф антигени | Экспрессия кобилинги |
|---|-----------------|----------------------|
| Узоқ вақт давомида ўстириладиган гемопоэтик ҳужайра (содир қилувчи) | DR | + |
| | DP | ? |
| | DQ | - |

ҳам аниқланган. 13-жадвалда II синф молекулалари оиласининг турли хил ҳужайраларидаги экспрессиясига оид маълумот келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, турли антигенларнинг экспрессияси организм ҳужайраларида турлича. Баъзи бир ҳолларда II синф молекулаларини бошқа лимфоид субпопуляцияларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, лимфоцитларни фитогемагглютини, конканавалин А ва бошқа митоген моддалар билан рағбатлантирилганда, Т — лимфоцитларда 20—60 фоиз ҳажмда DR — антигенларни учратиш мумкин. HLA — антигенларни озроқ миқдорда ҳазм қилиш тизимидағи баъзи бир эпителиал ҳужайра, сийдик пуфати, буйракнинг ўрам капиллярлари ҳужайраларида ҳам аниқлаш мумкин. Организм онтогенезини иммунологик жиҳатдан ўрганиш, II синф молекулаларининг экспрессияси ҳужайра ва генларнинг ўзига хос механизмлари ёрдамида бошқарилишини кўрсатиб берди. Гарчи В — ҳужайра ва макрофаглар бу маҳсулотларни экспрессия қиласа ҳам, бу жараённинг турлича бошқарилиши ҳақида фаразлар мавжуд.

АЛЛЕРГИК РЕАКЦИЯЛАРНИНГ ШАҚЛЛАРИ


Баъзи бир патологик ҳолатларда содир бўладиган иммунологик жавоб реакцияси организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аллергия — бу организмнинг аллергенга нисбатан реакцияси, кўпчилик ҳолда бундай ҳолат аллергик реакция деб аталади. Барча аллергик реакциялар таснифини яратишга Gell ва Р. А. Сомбс ўзининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Аллергик реакцияларнинг тўрт асосий тuri мавжуд:

I тур реакцияси (анафилаксия). Махсус ҳужайра аффинлигига эга бўлган антитаналарнинг ишлаб чиқа-

рилиши билан боғлиқ. Бу реакция — антигеннинг тўла ҳужайра сиртидаги Fc парчаси билан ўзига хос боғланган. IgE нинг ўзаро таъсирига шартланган равишда келиб чиқади. Бунинг оқибатида тўла ҳужайранинг дегрануляцияси рўй бериб, гистамин, лейкотриен, тромбоцитнинг фаоллантирувчи омили ҳамда эозинофил ва нейтрофилларнинг хемотаксик омили ва шу каби медиаторларнинг ажралиб чиқишига олиб келади. Худди шу медиаторлар орқали касалликнинг клиник аломатлари намоён бўлади. Бундай реакцияларни бронхиал астма, ринит, аллергик дерматит мисолида кўриш мумкин. Анафилаксия организмнинг ўта сезувчанилигидир. Ушбу феноменини биринчи бор S. Richet ва G. Portier 1898 таърифлаб берганлар. Анафилактик реакциялар анафилактик шок тарзида ёки маҳаллий равишда намоён бўлади. Ҳамма ҳайвонлар организмнида улар икки механизмга асосланган бўлади: бир — капиллярларнинг юқори ўтказувчанилиги ва иккинчиси — текис мускулатуранинг сиқилишида (спазм) ифодаланади. Умумий анафилактик реакция — ҳайвонларнинг тури, сенсибилизация даражаси, антигеннинг миқдори ва организмга киритиш услубига кўра, бир неча дақиқа ёки соатдан кейин келиб чиқиши мумкин. Кўпинча у летал якунга олиб келади. Алоҳида ҳайвон турлари учун, клиник аломатларнинг кўриниши, баъзи бир аъзоларга таъсири билан боғлиқ бўлади. Масалан, денгиз чўчқаси учун шок ҳолати —бронх текис мускулатурасининг қисқариши натижасида келиб чиқади, итларда эса — жигар веналарининг реакцияси туфайли ва ҳоказо.

Маҳаллий анафилактик реакциясига мисол тарзида суст тери анафилаксияси ва Шульц — Дейл реакциясини кўрсатиш мумкин. Тўрт турга тааллуқли ўтасезувчаник реакция схемаси 43-расмда тасвиirlаинган (а). Кўриниб турибидики, тўла ҳужайралар ўзининг Fc парчаси ёрдамида IgE молекулалари билан боғланади. Антигеннинг бундай тўқнашуви ҳужайра дегрануляциясига олиб келади ва ундан медиаторлар ишлаб чиқарилади.

Анафилактик реакцияларни келтириб чиқарувчи антитаналар фақат маълум бир турга оид ҳужайра билан алоқа ўрнатиши мумкин. Бу антитаналарнинг хусусияти ҳайвон турига боғлиқ. Денгиз чўчқаси, каламуш, сичқон ва ит организмларида IgE кўпинча тўла ҳужайра билан боғланади, қуёнларда эса бу вазифани тромбоцитлар бажаради.



43-расм. Утасезувчанлик реакциясининг тўрт хил схемаси

Анафилаксия реакцияси уч даврда кечади. Биринчи давр ўзига хос бўлиб, унинг асосида антиген-антитана реакцияси ётади. Бундай реакция туфайли иммуноглобулин молекуласи деформацияга учрайди, бу эса ўз навбатида ҳужайрада занжир реакциясини келтириб чиқаради. Иккинчи давр ҳужайрада содир бўладиган морфологик ёки функционал ўзгаришлар даври. Бу икки давр орасида яна қўшимча учинчи давр мавжуд бўлиб, унда хос бўлмаган биокимёвий жараёнлар кечади. Бу даврда, биологик жиҳатдан юқори фаол моддалар синтези, уларнинг фаолланиши ва ажralиб чиқиши юзага келади.

Медиаторларнинг ишлаб чиқарилиши фаол жараён бўлиб, унда маълум қувват сарфланади. Медиаторлар-

Атопик реакция медиаторлари

| Медиаторлар | Келиб чиқниши | Биологик фаоллиги |
|--|--|--|
| 1. Томир ва текис мускулатурага таъсир кўрсатувчи медиаторлар: 1. Гистамин | тўла ҳужайра, базофил | H ₁ : — текис мускулатура қисқариши — томир ўтказувчанлиги; — ўпкадаги томирларнинг торайиши; H ₂ : — томир ўтказувчанинг кучайинши; — шира гиперсекрецияси; супрессор—хужайра фаолланishi; — гистамин секрециясига тўсиқ; |
| 2. Тромбоцитит фаголаштирувчи омил (ТФО) 3. Лейкотриенлар (секин таъсир кўрсатувчи анафилаксия субстанциялари, СТК-А) 4. Простогландинилар | макрофаг, нейтрофил, эозинофил, тўла ҳужайра, нейтрофил, эозинофил, макрофаг тўла ҳужайра | тромбоцитлар агрегацияси, томир ўтказувчанлиги — текис мускулатура қисқариши, томирлар ўтказувчанлиги текис мускулатура қисқариши ва бошқалар. |
| II. Хемотаксик медиаторлар 1. Эозинофилларнинг хемотаксис омиллари (ЭХО-А) 2. Нейтрофилларнинг хемотаксис омиллари (НХО-А) | тўла ҳужайра тўла ҳужайра | эозинофиллар хемотаксиси нейтрофиллар хемотаксиси |
| III. Ферментлар: 1. Триптаза | тўла ҳужайра | СЗа нинг ҳосил бўлиши, кининогеннинг парчаланиши |

| Медиаторлар | Келиб чиқиши | Биологик фаоллиги |
|---|----------------------|--|
| 2. Қалликреин 3. Нордон гидролазалар | базофил тұла ҳужайра | кининоген ҳосил бўлиши медиатор секрецияси |
| IV. Протеогликанлар: 1. Гепарин | тұла ҳужайра | антикоагуляция, комплемент фаоллигини сўндириш |

нинг икки турини келтириб ўтиш ўринлидир: бирламчи медиаторлар, улар антиген-антитана реакцияси туфайли бевосита ажралиб чиқади; иккиласми медиаторлар, улар бу жараёнга бошқа ҳужайраларнинг аралашуви туфайли шаклланади.

Ўзининг кимёвий тузилмаси ва биологик фаоллигига кўра барча медиаторлар қўйидагича бўлинади (14-жадвал): томир ва текис мускулатурага таъсир кўрсатувчи медиаторлар; хемотаксик медиаторлар; ферментлар; протеогликанлар.

Вазофаоллик таъсирига эга бўлган медиаторлар, Гистамин. Аллергияга чалинган беморлар организмида гистамин ажралиб чиқиши кўпчилик тадқиқотларда исботланган. Гистаминнинг жуда муҳим манбай базофил гранулоцитлари ва тұла ҳужайра ҳисобланади. Нормада унинг плазмадаги миқдори 01—0,5 мкг/л ни ташкил этади. Гистаминнинг юқори миқдордаги концентрацияси анафилактик реакцияларда, антиген билан ифода этилган бронхнинг қисилиши ва эшак емининг турли шаклларида аниқланган. Лекин, гистамин миқдорининг плазмада ошиши аллергик сабаблар туфайли бўлмаслиги ҳам мумкин (масалан, организмга декстрран ёки рентгеноконтраст моддаларининг киритилиши туфайли). Ҳозир аллергик реакцияларда гистаминнинг иштирок этиши шак-шубҳасиз исботланган.

Гистаминнинг физиологик ва патологик таъсири икки турдаги (H_1 ва H_2) мембрана рецепторлари билан бевосита боғлиқ. Текис мускулатуранинг қисқариши, томир ўтказувчанинг ошиши, нафас олиш йўлларида шира ажралиб чиқарилиши ҳамда эозинофил ва нейтрофил хемотаксисининг кучайишлари H_2 —рецептор билан

ифодаланади. Бундан ташқари, гистамин бир қанча иммунологик самарани келтириб чиқаради (цАМФ концентрациясининг ошиши натижасида лимфокинлар синтези, бласттрансформация сўниши). H_2 —рецепторининг экспрессияси Т—супрессорининг фаолланишига олиб келади, бу механизм кўпинча атолик астмага дучор бўлган bemорларда кузатилади.

Секин таъсир кўрсатувчи анафилаксия субстанциялари (СТК-А). Ушбу тушунча билан бир қанча бирикмалар ифодаланади. Бу бирикмалар текис мускулатуранинг секин қисқаришига олиб келади. СТК-А субстанцияларини тўла ҳужайра, нейтрофил, эозинофил ва макрофаглар ишлаб чиқаради. Охири 25 йил ичидаги эътиборни простогландинилар жалб қилиб келмоқда. Одам организмидаги E_1 , E_2 ва F_2 простогландинилар ажralиб чиқади. Улар текис мускулатура сенсибилизацияси, текис мұскүл толаларининг бевосита таъсирланиши ва медиаторлар ажralиб чиқишига тўсқинлик кўрсатади.

Тромбоцитларни фаоллаштирувчи омил (ТФО)—асосан тўла ҳужайрадан ажратилиб чиқарилади. Шунга қарамасдан унинг синтезида иккиласми чиқишига тўла ҳужайраларининг аҳамияти жуда катта. ТФО нинг сармаси — тромбоцитлар агрегацияси ҳамда медиаторлар ишлаб чиқарилшига қаратилган.

Хемотаксис келтириб чиқарувчи медиаторлар. Эозинофилнинг хемотаксис омиллари (ЭХО-А) — анафилактик реакцияда ўта эозинофилияга жавоб беради. Бу омиллар гуруҳи тўла ҳужайраларда бўлиб, уларнинг гранула матрикси билан боғлиқ. ЭХО-А ва бошқа омиллар эозинофил миграцияси ва уларнинг тўпланишига жавоб беради. Узининг кимёвий тузилиши бўйича у тетрапептидлар қўшмаси сифатида тан олинган (VaL-Gly-Ser-Glu ва ALa-Gly-Ser-Glu).

2. Нейтрофилнинг хемотаксис омиллари (НХО-А). Тўла ҳужайраларнинг фаолланиши жараёнида нейтрофилларга хемотаксик таъсир кўрсатувчи медиаторлар ажратилиб чиқади. Бу медиаторлар орасида энг муҳимлари — юқори молекуляр НХО, арахидон кислота метаболизмининг маҳсулотлари (лейкотриен B_4) ҳисобланади. **Ферментлар.** Базофил ва тўла ҳужайра гранууларни аллергик реакцияларда иштирок этадиган бир қатор ферментларни ўз ичига олади. **Протеазалар.** Асосий нейтрал протеаза тўла ҳужайралардан ўрин олган триптаза ҳисобланади. Триптаза, грануладаги барча оқсилининг тахминан 15—40 фоизини ташкил этади. Унинг молекуляр оғирлиги 130,000 га тенг. Бу протеаза

С3, С3в ва С3а ларни парчалайди. Бундан ташқари, фермент юқори молекулали кининогенни парчаларга ажратади. Базофилларда юқори молекуляр калликреин (аргинин-эстераза) учрайди. Бу фермент кининогенни парчалаш қобилиятига эга.

Нордон гидролазалар. Бу ферментлар гуруҳи бирламчи лизосомаларда учрайди. Антиген таъсири остида β — гексаминаза тўла ҳужайралардан ажратилиб чиқарилади. Ўзининг юқори концентрацияси туфайли бу фермент медиаторлар секрециясида индикатор сифатида ишлатилади. Нордон гидролазалар гуруҳидаги бошқа ферментлар β — глюкоронидаза ҳамда β — галактозидазалар ҳисобланади. **Протеогликанлар.** Гепарин одам ўлкасининг тўла ҳужайраси ва терисида кўп миқдорда учрайди. Гепарин антикоагуляция, трипсин фаоллигини ўзгартиришда ва бошқа хил жараёнларда қатнашади. Каламушнинг тўла ҳужайрасида гепарин юқори молекуляр оғирликда (750000) учрайди, у гистаминни ўзига боғлади. Гепарин, бундан ташқари комплемент тизим фаоллигини сўндиради. Атопик реакция медиаторларига оид баъзи бир маълумотлар 14-жадвалда келтирилган.

Тўла ҳужайралар. Бу ҳужайралар ўлканинг бир грамм тўқимасига 10^6 , терида эса 10^4 ни ташкил этади. «Тўла ҳужайра» тушунчаси Эрлих томонидан киритилган. Бу ҳужайра юқори аффинликка эга бўлган Fc рецептори борлиги билан ажралиб туради. Тўла ҳужайрагистамин ишлаб чиқаради у ўз таркибида базофил гранулалари, нейтрал протеаза ва нордон гидролазани сақлайди. Тўла ҳужайра ўзини мембранасида тахминан 3×10^5 та Fc — рецепторига эга. Бу ҳужайраларнинг фарқ қиласиган хусусиятларидан бири, ўз тусларини маҳсус бўёқлар (масалан, кўк толуидин) таъсирида ўзгартиради. Тўла ҳужайранинг диаметри тахминан 10—15 мкм, уларнинг ҳар бири 100—150 грануладан (дона) иборат. Вояга етган тўла ҳужайра таркибида кристалл тузилмаларини учратиш мумкин. Гранула протеогликан фермент, металл ва бошқа хил кам ўрганилган бирикмалардан ташкил топади.

Гранулалар — Гольджи аппарати минтақасида ҳосил бўлади. Одам организмидаги тўла ҳужайралар β — гексааминидаза, β — глюкоуронидаза ва арилсульфатазаларга бой. Гистамин билан бир қаторда тўла ҳужайралар арахидон кислотаси ҳосилаларини, айниқса простогландин D_2 ва C_4 лейкотриенини ишлаб чиқаради.

Тұла ҳужайраларни бириктирувчи тұқима, тери қолами ва ичак таркибида уратыш мүмкін.

Базофил гранулоцитлар. Бұ ҳужайралар асосан сүяк күмігіда ҳосил бўлиб, қон ва тұқималарда айланып юради. Периферик қон таркибида улар лейкоцитларнинг 0,1—10% ини ташкил этади. Базофил гранулоцитларнинг сони миелопролифератив касалликларда, айниқса лейкознинг турли шаклларида кўпаяди. Қон таркибида гистамин фақат базофилларда учрайди. Худди бошқа етук гранулоцитлар каби, базофиллар бўлинеш ва кўпайишга қодир әмас, уларнинг ҳаёт даври бир неча кун билан белгиланади. Гранулани тўлдирган асосий модда хондроитинсульфат (А ва С) ҳисобланади. Ферментлар орасида трипсин, химотрипсинга ўхшаш гидролаза ва пероксидазалар учрайди. Ҳужайра турига оид иммунитет ва атопик реакцияларида базофиллар жуда муҳим ролни ўйнайди.

Цитотоксик реакция (II түр). Иккінчи түр аллергик реакцияси асосида ҳужайра сиртидаги бирламчи ва иккіламчи тузилмаларига йўналган антитаналарнинг ҳосил бўлиш жараёни ётади. Ҳужайра мембраннынинг компонентлари ёки ноҳужайравий тузилмалар (масалан, коллаген) антиген ҳисобланади. Улар орасида тўрт гурух антитаналарни алоҳида таърифлаш зарур: қон ҳужайраларнинг антигени; тұқима ҳужайрасининг антигени; ҳужайра мембранныга фиксациялашган иккіламчи антиген; ноҳужайравий оқсил тузилмалар қиёфасидаги антиген. Антитаналар мембрана тузилмалари билан боғланыш қобилиятига қараб таърифланади. Улар комплемент оқсиллари ҳамда Fc — рецептор орқали K — ҳужайра ва фагоцитларни фаоллантира олади. Келиб чиқишига кўра қўйидаги антитаналар фарқланади: ксеноген антигенларига йўналган антитаналар; аллоантитаналар; аутоантитаналар.

Цитотоксик реакция механизмлари. Цитотоксик реакциялар асосан уч хил таъсир механизмига асосланған:


- комплемент фаоллигига боғлиқ бўлган цитолиз;
- антитаналарга боғлиқ бўлган фагоцитоз;
- антитаналарга боғлиқ бўлган ҳужайравий цитотоксиклик.

Комплемент фаоллиги билан боғлиқ бўлган цитолиз.

Антиген — антитана реакцияси комплемент иштироқтасиз амалга ошиши мүмкін. Лекин, комплемент шу реакцияда иштирок этмаган тақдирда ҳужайра сиртида маълум бир тузилмаларнинг ўзгариши юзага қелади.

Бунинг натижасида ҳужайранинг физиологик вазифалари бирмунча ўзгарили ва у ҳужайранинг ҳалок бўлишига олиб келади. Агарда бундай реакцияни комплемент иштироки билан таққосласак, ушбу ўзгаришлар анча шиддатли ва яққолроқ намоён бўлади. Комплемент тизимининг фаолланиши туфайли ҳужайра мембранныда нуқсонлар содир бўлади. Ҳужайра таркибини калий ионлари, аминокислота ва рибонуклеин кислоталар тарк этади ва аксинча унинг доирасига натрий ионлари ва сув қайтиб келади. Бунинг натижасида ҳужайрадаги органелла мембранны парчаланиб, ядро пикноз ҳолатига келади. Бу эса ҳужайранинг ҳалокатга учрагани демакдир (44-расм, б). Цитотоксик реакция механизмининг иккичи ички ҳужайравий цитолиз билан боғлиқ. Фагоцитоз механизмлари антигенни Fc — парчалар билан бевосита боғланиши туфайли юзага келади. Ички ҳужайравий цитолиз инфекцион иммунитет ва атоиммун жараёнларда жуда катта аҳамиятга эга.

Антитаналарга боғлиқ бўлган ҳужайравий цитотоксиклик (АБХЦ). Антитаналарга боғлиқ равишда содир бўладиган ҳужайранинг цитотоксиклиги биринчи бор Моллер томонидан баён этилган. Мана шундай реакцияда қатнашадиган ҳар қандай ҳужайранинг асосий хоссаси, ундаги IgG синфи учун мембранныдағи Fc рецепторнинг борлигидир. Ўзларининг морфологик асоси ва келиб чиқиши билан фарқланадиган бир қанча турдаги ҳужайралар, антитаналар билан ишлов берилган мўлжал-ҳужайрага нисбатан ана шундай цитотоксик фаоллигига эга бўлиши кўрсатиб берилган. Бундай ҳужайраларга полиморф ядроли лейкоцит, макрофаг, тромбоцит, эмбрионал жигар ҳужайраси ҳамда Т ва В — ҳужайрага хос бўлмаган маркерларни жамловчи лимфоид тўқиманинг мононуклеар ҳужайралари деб номланган. Охирги тур ҳужайралари К ҳужайралари деб номланган. Барча келтирилган ҳужайралар учун лизис механизми бир хил деб ҳисобланади. Бу механизмни амалга оширишда антитаналар, эффектор — ҳужайра ва мўлжал ҳужайра орасида «кўприк» вазифасини адо этади. Бунда молекуланинг антиген боғловчи маркази билан унинг Fc — парчаси алоҳида аҳамиятга эга (44-расм). К — ҳужайранинг цитотоксик фаоллигини IgG синфидағи ҳар қайси асосий изотур сақлай олади. Антитана билан боғлиқ бўлган ҳужайравий цитотоксиклик, ўсимтага қарши иммунитетни юзага келтириш, микроорганизм ва вируслар келтириб чиқарадиган касалликларда, баъзи бир атоиммун ҳолатларда (сурункали гепатит) жуда му-



44-расм. Антитаналарга боғлиқ равишда ҳосил бўлладиган ұжайра цитотоксиклиги. Антитананинг эфекторор-ұжайра ва мўлжал-ұжайра орасидаги тутган ўрни (кўпrik ҳосил қилиш схемаси)

хим. Шуни ҳам алоҳида эслатиб ўтиш лозимки, АБХЦ, табиий киллер ҳамда иммун Т — ұжайралар томонидан ошириладиган цитолиз орасида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд. АБХЦ нинг яна бир аҳамияти, унинг фагоцитоз учун жуда йирик ҳисобланадиган организмларга қарши курашидадир.

Иммунитет комплексининг реакциялари (III тур). Организм кўп вақт давомида ортиқча антиген миқдори билан алоқада бўлганда, яъни антиген ва антитаналар орасидаги ўзаро таъсир содир бўлиши натижасида, эримайдиган иммун комплекслар пайдо бўлади. Бундай комплекслар баъзи бир тўқималарда йиғилиб, унда ялиғланиш жараёнини келтириб чиқаради. Иммун комплексининг келиб чиқиши асосида икки чамбарчас боғланган механизм ётади. Биринчисида — ўзига хос

боғланиши туфайли антиген-антитана комплекси ҳосил бўлади. Иккинчи механизм асосида Fc — тузилмалар орасидаги носпецифик ўзаро таъсир ётади, бу эса комплекслар ҳосил бўлишини ниҳоятда тезлаштиради. Бундай комплексларда, комплемент ўзининг иштироки туфайли иккиламчи ўзгаришларни намоён қиласди, бунинг натижасида, анафилатоксин вакиллари қиёфасида унинг парчаланувчи маҳсулотлари, С3 ва С5 лар ҳосил бўлади. Ушбу медиатрлар тўла ҳужайрадан биологик фаол омилларни ажралиб чиқарилишига олиб келади ва шу билан бирга улар томир ўтказувчалигини ошириб, яллигланган жойларга полиморф ядроли лейкоцит ва фагоцитларни жалб қиласди. Иммун комплексларининг улоқтириш жараёнида, фагоцитлар тизимиning ҳужайралари бевосита иштирок этади. Учинчи турдаги реакция ҳосил бўлишида ҳам лейкоцитларнинг гранулаларида бўлган моддалар ажратилиб чиқарилади. Протеолитик ферментлар (шу жумладан, нейтрал протеиназа ва коллагеназа) тўқиманинг шикастланиши ҳамда яллигланишини ривожлантиради. Бундан ташқари иммун комплекслари тромбоцит агрегациясига олиб келади. Бунда микротромблар ҳосил бўлиб, вазофаол аминлар ажратилишига сабаб бўлади. Иммун комплексларининг организмда ҳосил бўлиши, антиген ва антитана ўртасидаги ўзаро муносабатга боғлиқ. Агарда антитаналар ҳаддан ташқари ортиқча ёки тескариси, антигенлар ортиқчароқ бўлса, комплекслар тезроқ преципитацияяга (антиген-антитана субстанцияларининг йириклилашиб эфектин) учрайди.

Эрувчан комплексларнинг тақдирни биринчи навбатда комплементнинг классик йўл билан фаолланишига боғлиқ. Комплемент компонентларининг фиксацияланиши, иммун комплекслар преципитациясини сўндиради. Лекин комплементнинг компонентлари етишмаса, бундай комплекслар қон плазмасида кўпайиб буйрак, томир ва тери таркибида тўпланади.

Маҳаллий иммун комплексларининг ҳосил бўлиши оқибатида келиб чиқадиган яллигланишлар орасида Артюс реакцияси алоҳида аҳамият касб этади. Морис Артюс, гипериммунизацияланган қуён организмига, унинг териси орқали эрувчан антигенин юборганида, эритемали реакция ва шиш пайдо бўлишини кузатган. Шикаст ётказилган жойда полиморф ядроли лейкоцитларнинг шиддатли инфильтрацияси келиб чиқади. Шу ернинг ўзида иммunoфлуоресцент услуби ёрдамида антиген, иммуноглобулин ва комплемент компонентларини аниқ-

лаш мумкин. Комплментнинг боғланиш жараёнида анафилатоксинглар ҳосил бўлиб, улар тўла ҳужайранинг дегрануляциясини келтириб чиқади. Томирлар ёриди жойлашган комплекслар, тромбоцит агрегациясига олиб келади ва унинг оқибатида вазофаол омиллар ажралиб чиқади. Бунинг ҳаммаси эритеманинг ривожланиши ва шишишга олиб келади. Иммун комплексининг миқдори баъзи бир касалликларда юқори бўлади, бунда улар ёки қон доирасида, ёки тўқималар билан боғланган ҳолда учрайди. Иммун комплекси билан боғлиқ бўлган касалликлар антигенни экзоген йўл билан киритилиши натижасида эндоген антигенларининг таъсири натижасида келиб чиқади.

Эрувчан комплексларнинг ҳосил бўлишидан келиб чиқадиган касалликлар орасида зардоб касаллигини класик мисол сифатида келтириш мумкин. Маълумки турли терапевтик мақсадларда (масалан, дифтерияга қарши от зардobi) нисбий миқдорда олинган, бегона зардоб қўлланилади. Баъзи бир ҳолатларда, организмга шундай зардоб киритилгандан кейин бир қанча вақт ўтиб, одамнинг тана ҳарорати ошади, лимфатик тугунлари катталашиб, тананинг ҳамма ерида тошмалар пайдо бўлади. Шуларнинг ҳаммаси эрувчан антиген-антитана комплекси ҳосил бўлишининг натижасидир. От глобулининга қарши кўпгина антитаналар синтези юзага келади. Бунда антигеннинг миқдори кўп бўлгани учун, айланаб юрадиган эрувчан комплекслар ҳосил бўлади. Зардоб касаллигида айниқса тери, қон томир, юрак ва бўғимлар азоб чекади.

Бевосита ҳужайралар иштироки билан содир бўладиган патологик иммун реакциялари. Реакциянинг IV тури. Бу турга хос реакциялар, антигеннинг сенсибилизациялашган лимфоцит билан алоқаси туфайли ҳосил бўлади ва тўқималарнинг шикастланишига олиб келади. Гиперсезувчанлик секинлашган турига хос бу реакция — Манту деб номланадиган реакция мисолида ўз ифодасини топган. Манту реакциясида, туберкулин киритилишига жавобан, эрувчан медиаторларнинг (лимфокинлар) ишлаб чиқарилиши кўзга ташланади. Бунинг натижасида 24—48 соат давомида эритема ва папула ҳосил бўлади. Гистологик жиҳатдан макрофаг ва лимфоцитларнинг тўдаланиши кузатилади. IV турга хос реакциялар турли аллергик ҳолатлар, жумладан бактерия, вирус, замбуруғларга жавобан содир бўлади. Гиперсезувчанликнинг секинлашган турини ин витро услубида аниқлашда, макрофагларнинг тўхталиш ва лимфо-

цитларнинг бласттрансформацияланиш реакциялари қўй келади.

Манту реакциясидан фарқли ўлароқ кўпчилик IV тур реакциялари цитотоксик Т — ҳужайраларнинг фаолияти билан амалга ошади. Бунда ушбу цитотоксик Т — ҳужайралар I синф МНС молекулалари билан фаолланади. Бундай реакцияларга мисол тариқасида бактериал (сил, мохов), вирус (чечак, қизамиқ), замбуруғ (кандидоз, гистоплазмоз) ва паразитар (лейшманиоз, шистосомоз) инфекцияланишларда содир бўладиган тўқима шикастланиши хизмат қиласди. Сенсибилизация турининг аҳамияти контакт аллергиясида жуда катта.

T — ҳужайра билан бевосита амалга ошириладиган реакциялар турли шаклларда намоён бўлади: цитотоксик реакция; туберкулин туридаги секинлашган реакция; контакт сенсибилизацияси;— гранулематоз реакцияси, тери базофил аллергияси ёки Джонс-Мот реакцияси тарзида. Цитотоксик ва туберкулин туридаги реакциялар ҳақида юқорида баён этилди. Контакт сенсибилизацияси организмнинг имтиёзли контакт жойларида юзага келади. Асосан бу турдаги реакция одам терисида кузатилади (паст молекулали бирикмалар тери таркибиغا ўтиб, унинг шахсий оқсиллари билан боғланади). Кейинги контакт натижасида тери инфильтрацияси юзага келади. Вақт ўтиши билан инфильтрат таркибида гистиоцитлар кўпайиб шиш пайдо бўлади. Сил, мохов касалликларида гранулематозли реакция ўзининг клиник моҳиятига эга. Макрофагларнинг узоқ вақт давомида рағбатланиши натижасида гранулемалар келиб чиқади. Ҳар қайси гарнулема ядро, макрофаг ва лимфоцит тўдаларидан иборат. Макрофаглар кейинчалик гигант эпителиод ҳужайрасига айланади. Бунга мисол бўлиб, мохов антигенларига жавобан содир бўладиган Мицуда ва Квейма реакциялари хизмат қиласди.

Ўзининг морфологик хусусиятига кўра тери, базофил аллергияси ҳужайравий турининг ўзига ўхшайди. Унда базофиллар жуда фаол қатнашади, уларнинг концентрацияси 24—48 соатдан кейин кескин кўтарилади. Атопик реакциялардан фарқли ўлароқ бу турга хос реакцияда ҳужайра дегрануляцияси юқори даражада бўлмайди. Ҳозирги кунда тери базофил аллергиясининг клиник моҳияти яхши ўрганилмаган, аммо баъзи далилларга асосан, бу реакциянинг контакт чилла ярасида (экзема) муҳим аҳамият касб этиши аниқланган. Бундан ташқари, трансплантант кўчишида ҳам унинг аҳамиятли экзани инкор қилинмайди.

ЛЕК Фирмаси Узбекистонда

Мазкур фирма фармацевтика соҳасида унумли фаолият кўрсатиб келаётган таниқли компаниялардан саналади.

Турли хил микробларга кескин таъсир этувчи доридармонларни яратиш, синаш, ишлаб чиқаришга, сўнгра тиббиёт амалиётига жорий этишдек узвий боғлиқ мураккаб жараёнларни ўюнтириш ва бошқариш фирма фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Фирма маҳсулотлари Япония, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Польша, Чехия, Канада, Россияда синовдан муваффақиятли ўтиб, ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсон саломатигини сақлаш ва тиклашдек хайрли ишга ўз салмоғини қўшмоқда.

ЛЕК фирмасининг маҳсулотлари

АМОКСИКЛАВ=амоксициллин+клавулан кислота

Таркиби: 625 мг таблеткада 500 мг амоксициллин (триgidрат сифатида) ва 125 мг клавулан кислота (калий тузи сифатида) бор. 375 мг таблеткада 250 мг амоксициллин (триgidрат сифатида) ва 125 мг клавулан кислота (калий тузи сифатида) бор.

Суспензия фортеңинг бир чой қошиқ миқдорида (5 мл) 250 мг амоксициллин (триgidрат сифатида) ва 62,5 мг клавулан кислота (калий тузи сифатида) бор. Суспензиянинг бир чой қошиқ миқдорида (5 мл) 125 мг амоксициллин (триgidрат сифатида) ва 31,25 мг клавулан кислота (калий тузи сифатида) бор.

1 мл томчисида 50 мг амоксициллин (триgidрат сифатида) ва 12,5 мг клавулан кислота (калий тузи сифатида) бор.

Қабул этиши учун кўрсатмалар:

АМОКСИКЛАВ таъсирига сезувчанлик, микроорганизмлар келтириб чиқарган инфекциялар: юқори ва пастки нафас йўллари инфекцияси, сийдик чиқарув йўллари инфекцияси, гинекологик инфекциялар, тери ва юмшоқ тўқималар инфекцияси, меъда-ичак йўллари инфекцияси.

Кўлланишга монеликлар:

Таркибида пенициллин сақловчи антибиотикларга нисбатан ўта сезувчанлик, инфекцион мононуклеоз, лимфолейкоз.

Эҳтиёт чоралари:

Анамнезида аллергияси бор беморларга **Амоксик-**

лавни эхтиёткорлик билан бериш керак. Эспериментал ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар давомида тератогенлик хусусияти аниқланмаган бўлса-да, ҳомиладорлик вақтида тавсия этишдан воз кечган маъқул. Буйрак фаолиятининг оғир бузилишларида препарат миқдорини ва қабул этиш вақтларини индивидуал тарзда белгилаш лозим.

Ножӯя таъсирлари:

Бу хил таъсири суст ифодаланган, асосан, меъда-ичак фаолияти бузилишлари (кўнгил айниши, ич кетиши, қайт қилиш) кузатилади. Бу хил таъсирни бартараф этиш мақсадида дори моддасини бир вақт, овқат билан қабул этиш тавсия этилади. Ножӯя таъсири оқибатида баданга тошмалар тошиши мумкин. Бу ҳолда дорини қабул этишдан тийилиш керак. Камдан-кам ҳолда жигар энзимларининг фаоллашуви кузатилиши мумкин.

Қабул қилиши миқдори ва услуби:

Катталар ва 14 ёшдан ошган болаларга: бир кечакундузлик миқдори 375 мг дан 3 маротабани ташкил этади. Оғир хасталанган беморларга 625 мг дан 3 маротаба бериш мумкин.

7 ёшдан 14 ёшгacha бўлган болаларга: 1 қошиқ (5 мл) суспензия форtedan ёки 2 қошиқ (10 мл) суспензиядан ҳар 8 соатда буюрилади.

1 ёшдан 7 ёшгacha бўлган болаларга: 1/2 қошиқ (2,5 мл) суспензия форtedan ёки 1 қошиқ (5 мл) суспензиядан ҳар 8 соатда буюрилади.

3 ойликдан 1 ёшгacha бўлган болаларга: 1/2 қошиқ (2,5 мл) суспензия ёки 1,25 мл томчидан ҳар 8 соатда буюрилади.

3 ойга тўлмаган болаларга: 0,75 мл томчидан ҳар 8 соатда буюрилади.

Дори моддасининг болалар учун белгиланадиган аниқ миқдорини вазн ҳисобидан чиқариш керак.

Оғир буйрак этишмовчилигига дори миқдорини камайтириш ёки қабул этиш вақтини 12—18 соатга кечиктириш керак бўлади, анурияси бор беморлар учун препаратни қабул қилиш вақтини 48 соат ва ундан ҳам кўпроқ вақтга кечиктириш лозим.

Амоксикилав билан даво муолажасининг муддати 14 кунгача, шундан сўнг бемор ўз врачига учрашиши керак.

Эслатма: флакон ичидаги намликин ютиш учун мўлжалланган суюқлик истеъмол учун яроқсиз.

Чиқарилиши: 625 мг таблеткалар (15 дона), 375 мг таблеткалар (20 дона), 100 мл суспензия тайёрлаш учун мўлжалланган қуруқ модда ҳолатида (156 мг/5 мл).

АБАКТАЛ (певлоксацин)

Таркиби: бир дона таблеткада 400 мг певлоксацин (мезилатдигидрат сифатида) бор. Битта ампулада (5 мл) 400 мг певлоксацин (мезилатдигидрат сифатида) бор.

Қабул этиш үчүн күрсатмалар:

Певлоксацин таъсирига сезувчан микроорганизмлар келтириб чиқарған инфекцияларга қарши курашиш лозим бўлганида. Абактални қўйидаги ҳолларда буюрадилар: сийдик-таносил йўллари инфекцияларида, нафас олиш йўллари инфекцияларида, қулоқ, томоқ, буруннинг инфекцион касалликларида, гинекологик инфекцияларда, қорин бўшлиғи ва гепатобилиар инфекцияларида, сувяк ва бириктирувчи тўқималар инфекцияларида, тери инфекцияларида, септицемия ва эндокардитда, менингейал инфекцияларда.

Қўлланишга монеликлар:

Хинолонга ўта сезувчан беморларга, 15 ёшга тўлмаган болаларга, ҳомиладор аёлларга, эмизукли аёлларга, глюкоза-б-фосфатдегидрогеназа камчилиги бор хаста одамларга тавсия этилмайди.

Эҳтиёт чоралари:

Абактал билан даволаниш давомида ультрабинафша нурлари билан даво муолажаларини олишдан тийилиш керак. Жигар хасталиклари бор bemorларга препаратнинг қабул дозасини маҳсус тайинлаш лозим.

Ножуя таъсиirlари:

Гастронтестинал бузилишлар, миалгия, артралгия, нур таъсирига сезувчанлик, асад бузилишлари (бош оғриғи, уйқусизлик), тромбоцитопения кузатилиши мумкин.

Қабул қилиш миқдори ва услуби:

Бир кечакундузда қабул этиладиган ўртача миқдори катталар ва 15 ёшдан катта болалар учун 800 мг ни ташкил этади.

Перорал усулда 1 таблеткадан 2 маротаба, овқатдан сўнг буюрилади.

Парентерал усулда бир соатлик инфузия сифатида (вена ичидан) набул қилинади. Бир ампула певлоксацин (400 мг) 250 мл 5% глюкоза билан суюлтирилади. Оғир жигар хасталигига певлоксацинни кунига бир маротаба (сариқ касаллиги), ҳар 36 соатда (асцит), ҳар 48 соатда (сариқ касаллиги ва асцит қўшилганида) юборилади.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| I. Кириш | 3 |
| Иммунологик тизим | 3 |
| Тимус | 4 |
| Фабрициус халтаси | 6 |
| Лимфатик түгүнлар | 7 |
| Талоқ | 9 |
| Шиллиң пардалар билан ёndoшган лимфоид түкима | 10 |
| Иммунологик тизим ҳужайралари түгрисида маълумот | 10 |
| Иммунитетнинг бошқарилишида Т-супрессорларнинг тутган ўрни | 24 |
| Цитотоксик Т-ҳужайралар | 26 |
| Учинчи популяция тури. Макрофаглар ва бошқа кўмакчи ҳужайралар | 27 |
| Антителлар тақдим этувчи ҳужайралар | 29 |
| Иммунологик жавоб жараёндаги ҳужайралар кооперацияси | 30 |
| Бирдамчи ва иккиламчи антитаналар жавоби | 32 |
| Бавосита ҳужайра ифодалайдиган иммунологик жавоб | 34 |
| Лимфокинилар | 39 |
| Иммунологик жавобдаги генетик назорат | 43 |
| IR — ген маҳсулотининг табиати | 46 |
| Иммунологик толерантлик | 47 |
| Антител түргисида тушунча | 51 |
| Антителларнинг иммунологик жавобдаги тутган ўрни | 59 |
| Антител детерминантлари ва эпитоплар | 62 |
| Антителлар аниқловчи молекулалар | 64 |
| Иммуноглобулинлар тузилмаси | 68 |
| Антитаналарнинг антиген боғловчи марказлари | 78 |
| Иммуноглобулинларнинг түрли туманилиги | 82 |
| Оғир занжир констант регионининг генлари | 88 |
| Гистомансубликнинг баш комплекси | 96 |
| I синиф ген маҳсулотларининг биокимёвий тузилиши | 96 |
| II синиф молекулаларининг биокимёвий тузилиши | 100 |
| I ва II синиф ген маҳсулотларининг мембранадаги экспрессияси | 101 |
| Аллергик реакцияларнинг шакллари | 103 |
| Илова | 116 |

Үқув нашри

ХАИТОВ РАҲИМ МУСАЕВИЧ, тиббиёт фанлари доктери, профессор
НАЗАРОВ ШАВҚАТЖОН НАЗАРОВИЧ, тиббиёт фанлари доктори профессор,
ИСХОҚОВ АЛИШЕР ТАЛЪАТОВИЧ, тиббиёт фанлари доктори

ИММУНОЛОГИЯ

Тошкент 700129, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, Навоий кӯчаси, 30.

Муҳарририят мудири *Б. Мансуров*

Муҳаррир *Б. Рустамов*

Бадиий муҳаррир *М. Эргашева*.

Техник муҳаррир *В. Мещерякова*

Мусаҳдих *З. Гуломова*

ИБ № 2183

Босмахонага 13.02.96. да берилди. Босишига 03.07.96. да рухсат этилди. Бичими 84×108^{1/32}. 1-босмахона қозози. Юқори босма. Шартли босма табоқ. 6,3 + вкл 0,42. Шартли бўёқ оттиски. 7,35. Нашр босма табоқ 6,62+вкл 0,33. 57—94-рақамли шартнома. Жами 3000 нусха. 7029—рақамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Тошкент, матбаа комбинатининг ижара корхонаси, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.